

ДИЛОРОМ САЛОҲИЙ

НАВОИЙ НАЗМИЁТИ

*(Университетларнинг 5220100-филология (ўзбек филологияси),
педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти йўналиши
учун ўқув қўлланма*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология
факультетлари учун ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этган.*

Самарқанд – 2013
“Zarafshon” нашриёти ДК

Дилором Салоҳий. Навоий назмиёти. Университет таълими филология факультетлари талабалари ва мутахассислари учун қўлланма. – Самарқанд: 2013. – 136 б.

Масъул муҳаррир:

**филология фанлари доктори,
профессор М.Муҳиддинов**

Такризчилар:

**филология фанлари доктори,
профессор И.Ҳаққулов**

**филология фанлари номзоди
А.Муҳаммадиев**

Ушбу қўлланмада шеърят мулкининг султони Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг бой шеъряти, унинг мавзу кўлами, мундарижаси, ғоявий ва бадий хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Қўлланма олий ўқув юртлари бакалаврият ва магистратура йўналишлари талабалари, докторант ва тадқиқотчилари, мутахассислар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-385-40-5

© Дилором Салоҳий
© “Zarafshon” нашриёти ДҚ, 2013.

МУҚАДДИМА

Низомиддин Амир Алишер Навоий лирикаси XV асрдан ҳозирга қадар жаҳон адабиёти тарихининг энг гўзал саҳифаларидан бирини ташкил этади. Навоий лирик ижоди ўзига қадар туркий адабиёт эришган барча ютуқларни умумлаштириб, бутун шарқ адабиёти, хусусан ғазалчилигини янги тараққиёт босқичига кўтарди.

Навоий лирикаси бугунги кунда нафақат ўзбек адабиётшунослиги доирасида, балки аллақачонлар шаклланиб улгурган ва тараққий этаётган жаҳон навоийшунослиги аспектида жуда кўп хорижий мамлакатлар олимлари илмий ишларида ўрганилмоқда. Бугунги кунга қадар Навоий лирик меросининг мукамал нашрлари амалга оширилди, бунинг асосида шоир биографияси, дунёқараши, ижодий методи ва адабий-танқидий қарашлари, санъаткорлиги масалаларига доир далиллар тўпланди ва таҳлил этилди, шунингдек, шоир ижод этган тарихий шароит ва унинг буюк мутафаккир фаолиятига таъсири масалалари ўрганилди.

Ўзбек адабиётшунослигида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва бадиий маҳоратини ўрганиш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва бу илмий ютуқлардан республикаимиз олий ўқув юртлари филология факультетлари бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларининг барча босқичларида фойдаланилмоқда. Хусусан, биринчи курсда «Ўзбек адабиёти тарихи» фанини, юқори курсларда Навоий илмий-бадиий, насрий ва лирик ижодини чуқурроқ ўрганишга мосланган танланма фанларни, магистратура йўналишидаги махсус фанларни ўқишда шу кунларга қадар Б. Валихўжаев, А. Ҳайитметов, Ё. Исҳоқов, И. Ҳаққулов, С. Ғаниева, Р. Воҳидов каби олимлар асарлари асосий қўлланма вазифасини бажариб келди. Аммо, фанимиз миллий мафкурамиз заминида ривожланиб бораётган бугунги кунда адабий меросни ўрганишнинг янги мезонлари қарор топди, янги адабий манбалар кашф этилди, янги фикр-қарашлар рўёбга чиқа бошлади. Шу боисдан XX асрнинг 80-йиллари охиригача чоп этилган ва улуғ шоир шеърояти масалаларини ёритишга бағишланган дарслик ва қўлланмалардаги айрим қарашларни қайта назардан ўтказиш, айрим масалаларга аниқлик киритиш, муносабат билдириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Муаллиф мазкур қўлланмада ўзбек филологияси факультети бакалаврият таълим йўналишида ўқитиладиган фанларга тузилган янги дастур асосида XV аср II-ярми ўзбек адабиёти тарихи ва Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тўлиқ эмас, балки шоир лирикаси қисмини ёритишни кўзда тутди. Бунинг сабаби шундан иборатки, муаллиф Навоий шеърояти

соҳасида бажарилган аввалги тадқиқотларни тўлдирувчи, баъзи ўринларда янгича муносабатни талаб этувчи илмий далилар ва мулоҳазаларни баён этади, бу соҳадаги қатор масалаларга янгича ёндашади.

Республикамиз ижтимоий ва маданий ҳаёти янги даврда янги ғоявий мақсадлар билан ривожланиб бораётган экан, фаннинг барча соҳаларида бўлгани каби адабий меросни ўрганишда ҳам туб ўзгаришлар ясалиб, адабиёт тарихини ҳолисона илмий асосда ёритиш ва ўқитиш лозимлиги ҳамон муҳим аҳамият касб этиб турибди. Адабиёт тарихини ўқитишнинг бугунги кундаги асосий мақсадларидан бири ўзбек адабиётшунослигининг муаммовий масалаларига эътибор қаратишдан иборатдир.

Бадиий адабиётда X асрдан бошланган Шарқ Уйғониш даври хусусиятлари ва ўша давр адабиётшунослигидаги янги, такрорланмас асарлар ижод қилиш ҳақидаги назарий талаб «Панж ганж» сингари дostonлар туркумини майдонга келтириб, бадиий ижодни жанрий ранг-барангликка интилишга рағбатлантирган бўлса, бу кейинги асрларда байналмилал бадиий ҳодисага айланган туркум бадиий асарлар ёзиш маъносини ва унинг турли йўсинларда давом этишини белгилади. Ўзбек адабиётшунослиги воқеабандлик ва туркумлилик хусусиятига эга бўлган эпик жанр ташаккули ва тараққиёти масалаларига, Алишер Навоий «Хамса»си ва унинг ўрганилишидаги муаммоларга бағишланган қатор илмий тадқиқотларга эга. Ушбу тадқиқотларда тилга олинган масалалар, уларга бўлган муносабатнинг қиёсий таҳлили ушбу қўлланмани яратиш эҳтиёжини туғдирди. Ўқув қўлланмасида Алишер Навоий эпик шеърини тараққиёти тарихини кузатиш, шоир бешлиги ғоявий-бадиий қиммати ҳақида фикр юритиш ва Навоий эпик услуби ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи назарий масалаларга диққатни жалб этиш кўзда тутилади, фанимизнинг бу соҳада қўлга киритган янги илмий натижалари эътиборга олинади.

Мазкур ўқув қўлланма гарчи филолог-бакалавр ва магистр талабаларга мўлжалланган бўлса-да, ундаги янги далилий ашё, адабий материал ва хулосалар лицей ва коллеж талабалари, аспирантлар, адабиёт тарихи мутахассислари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИК МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Таянч сўз ва иборалар: *бадий ижод, тафаккур, истеъдод, эътироф, талқин, наишр, Навоий, маънавий, лирик, этик, мерос.*

Навоий лирикаси бадиияти сирларини бадиият илмининг қонуниятлари нуқтаи назаридан таҳлил этишга интилиш шоирнинг ўзи ҳаётлик пайтлариданок бошланиб, ўзбек адабиётшунослигининг услубан жаҳон адабиётшунослиги мезонлари доирасида тараққий этиб, фаолият кўрсатаётган ҳозирги даврида ҳам фундаментал мавзулардан бири сифатида давом этмоқда. Демак, Навоий назмиёти гўзалликларини кашф этиш ва унинг бу соҳадаги илмий-назарий қарашларини ўрганиш тарихи салкам олти асрни ишғол этиб турибди. Бу катта тарихий жараён Навоий лирик меросини текшириш услуби, йўналишлари ва илмий аҳамияти жиҳатидан тўрт босқичда давом этганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, туркий тилдаги ғазални ўз даврининг етук лирик жанри сифатида катта тараққиёт босқичига кўтарган малик ул-калом Лутфийдан бошлаб ўша даврнинг Камол Турбатий, Аълоий Шоший, Абулқосим Бобур, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад каби шоир ва алломалари Навоий илк лирикаси юксак бадиийлигига таҳсин ўқиб, юқори баҳо берар эканлар, буни бевосита ёш шоирнинг келгусидаги катта муваффақиятларига, бутун Шарқ бадиий тафаккурининг ўлмас даҳоси сифатида танилувига илк гувоҳлик, башорат деб тушунмоқ жоиздир. Шеърини санъатнинг бу нозикфаҳм алломалари ёш Алишер Навоийнинг ўз ғазалларида бадиий мазмун ва бадиий шакл унсурларидан уларнинг ўзаро узвий боғланиши асосида усталик билан фойдалана олганлиги, бу соҳадаги етук бадиий маҳоратига диққатларини жалб этганлар. Бу эса Навоий илк назмиёти унинг даврида яратилаётган асарлардан алоҳида ажралиб турганлигини, унга бўлган жиддий қизиқишни таъкидлаб, бевосита бу соҳир бадиий ижод сирларини ўрганиш соҳасига пойдевор бўлиб хизмат қилди. Навоий «Илк девон»ининг унинг ўзи томонидан эмас, балки шеърини мухлислари томонидан тузилиши шарқ девончилиги тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса бўлиб, бу ҳам ўз навбатида шоир лирикасининг шарқ ғазалчилиги анъаналари ва у даврда шаклланиб улгурган норматив поэтика мезонлари асосида махсус текширув манбаъси бўлуви лозимлигига бир ишора эди. Шу тариқа Навоийнинг илк лирикасидаги санъаткорлик маҳоратига ўзига хос ёндашув, уни чин маънода фавқулодда истеъдод сифатида тан олиш, тарғиб этиш тарзидаги ижодий муносабатлар туркий ва форс-тожик шеърини етук мутахассислари томонидан юзага келди ва бу жараён Навоий ижодининг 25 ёшгача бўлган даврини қамраб олиб, уни илмий-

ижодий ўрганишнинг биринчи босқичини ташкил этади. Бу даврда Навоий лирик шоир сифатидагина машҳур бўлиб, унинг ғазал, рубоий, мухаммас, мустаъзод жанрларидаги асарлари ва ҳасби ҳол типдаги маснавийси маълум эди. Бундан кўринадики, Навоийнинг поэтик маҳорати унинг катта, машҳур замондошлари томонидан асосан 5 лирик жанрда яратилган асарлари юзасидан эътироф этилиб (бизгача етиб келган тарихий маълумотларга кўра, кўпроқ ғазал жанридаги), у ҳам бўлса, ўрта асрлар шарқ адабиётшунослиги услубига хос бўлган умумий фикрлардан иборат эди. Аммо, машҳур шахсларнинг шоирга бўлган эътибори ва унинг ижоди юзасидан билдирилган мазкур умумий фикрлар Навоийнинг бу даврда ўз лирикаси мисолида туркий ғазалчиликни бадиий тасвир жиҳатидан янгилаётганлиги (Лутфий эътирофи: бир байт мисолида), шеърларида эмоционал-руҳий таъсирнинг ва бадиий лавҳаларнинг бетакрорлиги (Абулқосим Бобур, Саййид Ҳасан Ардашер билан боғлиқ хотиралар тафсилотлари), адабий-танқидий қарашларининг ўзига хос мазмун ва йўналишга эга эканлиги (Шайх Камол Турбатий билан учрашув эпизоди ва б.) каби масалаларни камраб олади. Ана шу жиҳатлардан Навоий лирикасига нисбатан бўлган бу даврдаги адабий-танқидий муносабатни унинг бадиий афзалликларини эътироф этган ҳолда, муносиб баҳолаш, тарғиб этиш тарзидаги ижодий ўрганиш деб кўрсатиш мумкин.

Навоийни нафақат етук зуллисонайн шоир, балки лириканинг 16 жанрида самарали ижод қилган буюк мутафаккир сифатида жуда кенг миқёсда махсус ўрганиш бадиий-тарихий характердаги асарлар ва рисоаларда унинг ўз замондошлари ва кейинги асрларда яшаган муаллифлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Шоир ғазалларининг чуқур мазмуни, илғор ғоявий-фалсафий асослардаги эстетик намоёиши Нуриддин Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Камолиддин Биноий, Абдулло Ҳотифий, Ҳакимшоҳ Қазвиний, Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар томонидан катта ҳурмат билан тилга олинади. Шоир бадииятини танқидий ўрганишнинг бу босқичи унинг аввалги даврдан умумий таъриф-тавсиф мазмунидаги фикрлардан конкретликка - Навоий лирикасининг сон ва сифат жиҳатидан оригиналлиги, аруз вазнининг туркий ғазалчилик асосидаги тараққиётига қўшган ҳиссаси (Заҳириддин Муҳаммад Бобур), бадиий санъатларнинг анъанавий поэтика қонуниятларини рад этмаган ҳолда ижодий ривожлантирилиши (Атоуллоҳ Ҳусайний, Зайниддин Восифий) каби илмий, таҳлилий асослардаги йўналишлари билан фарқ қилади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Навоий поэтикаси соҳасида замонавий

адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан илмий-назарий тадқиқотларнинг дунёга келишида Навоий мероси юзасидаги адабий-танқидчилик тарихининг бу даврида яратилган асарлар асосий манбаълардан бўлиб хизмат қилади. Чунки, туркий классик ғазалнинг энг баланд раўнақи даврида унинг динамикасини таъминловчи Навоий лирикаси юзасидан билдирилган адабий-танқидий мулоҳазалар ўша давр адабиётшунослиги характери, лириканинг бевосита ўрта асрлар мусулмон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини (ўша давр адабиётшунослиги нуқтаи назаридан), унинг жамият турли табақаларига мансуб шеърят мухлислари билан муносабатини ва бошқа кўп масалаларни ойдинлаштиришга сабаб бўлиши шубҳасиздир.

Навоий ғазалиёти бадиийлигини, унинг поэтик услуби ва бадиий тасвир принципларини назарий асосларда илмий ўрганиш асримиз бошларида (30-йилларнинг иккинчи яримларида) академик Ойбек, проф. Е.Э.Бертельс, А.К. Боровков, Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зариф асарларида амалга оширилди.

Академик Ойбекнинг 1936 йилда ёзилиб, 1961 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг 1, 2, 5-сонларида эълон қилинган Навоий ғазалиёти ҳақидаги икки мақоласида шоир лирикасининг асосий моҳияти, поэтикасининг хусусиятлари соҳасида фикр юритилади. Жумладан, муаллиф шоир поэтик услубини таҳлил этар экан, унинг бадиий тасвир принципларига алоҳида эътибор беради. Бир ўринда: «Навоийнинг поэзияси метафорикдир, - деб ёзади олим, - Навоийнинг метафоралари аксар ҳақиқатан чуқур, оригинал бўлади. Фикр ва нарсалар орасида кутилмаган, янги муносабатларни, янги томонларни очажак бир характердадир... Умуман, Навоийда сўз юқори нарсаларга ишора қилиши керак».¹ Ойбек Навоий поэзиясининг мазмун ва бадиий шакл жиҳатидан характерли белгиларини қайд этар экан, «Навоий поэзиясида ўтказилган ғояларнинг ижтимоий-синфий характери, бадиий форманинг белгили идеология билан шартланганлиги, умуман Навоий услубини туғдирган шароит ва ҳ.к. масалалар қолдиким, асл илмий текшириш бусиз бўлмайди», - деган хулосага келади².

Алишер Навоий лирикасини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда Мақсуд Шайхзоданинг илмий фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Олим «Навоийнинг лирик қаҳрамони» номли илмий иши ва шу соҳадаги қатор мақолаларида³ шоир лирик қаҳрамони хусусиятлари, унинг ғоявий интилишлари, шоир лирикасидаги бадиий тасвир принципларини

¹ Ойбек. Асарлар. IX том.- Тошкент: Фан, 1974. 38-б.

² Ойбек. Асарлар. IX том.- Тошкент: Фан, 1974. 40-б

³ Қаранг: Шайхзода М. «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида («Ғаройиб ус-сигар» девони асосида)», «Устоднинг санъатхонасида», «Ғазал мулкининг султони» ва б.

ўрганиш ҳақида мулоҳазалар билдиради.

Шайхзода илмий текширишларининг услубий асослари Навоий лирикасини назарий ўрганишнинг ўзига хос етук босқичи сифатида кўзга ташланади. Навоий поэтикасини ўрганиш соҳасида кейинги даврда чиққан ва чиқаётган монографик тадқиқотларда Шайхзода илмий услубининг бевосита таъсири борлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бу нарсa ўзбек адабиётшунослигининг замонавий жаҳон адабиётшунослиги услубий асосларида тараққий этишига восита бўлган сабаблардан биридир.

Навоий поэтикаси масалаларини махсус ўрганиш Ҳоди Зарифнинг «Рубоий», «Лутфий ва Навоий» номли мақолаларида тилга олинб, шоир лирикасининг ғоявий-бадий моҳияти, ўзбек поэзияси анъаналарининг Навоий шеърини тараққиётида тутган ўрни каби соҳаларда жиддий фикрлар баён қилинади.

Самарқанд навоийшунослик мактаби асосчилари акад. Воҳид Абдуллои Самарқандий¹ ва проф. Абдурахмон Саъдий² томонидан амалга оширилган катта илмий қимматга молик тадқиқотларда ҳам Навоий лирикаси хусусиятлари, ундаги оригинал бадий тасвир кўринишлари, унинг назарий асослари ва адабий таъсир доираси каби масалаларга аҳамият берилади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг 60-йиллардан бугунги кунларгача бўлган фаолияти Навоий лирикаси масалаларини поэтика илмининг назарий асослари, специфик қонуниятлари нуктаи назаридан илмий ўрганишнинг ҳажм ва илмий салоҳият, салмоқ жиҳатидан юксак тараққиёт босқичига чиқаётганлигидан гувоҳлик беради.

Н.Маллаевнинг «Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоийнинг роли», «Навоий лирикаси»³, акад. В.Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби»⁴, А.Абдуғафуровнинг «Навоий ижодида сатира»⁵, шунингдек, М.Юнусов, Э.Рустамов, О.Носиров, И.Ҳаққулов, Ш.Шариповларнинг монографик тадқиқот ва мақолалари шоир лирик меросини турли йўналишда текширишга бағишланади.

А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадий маҳорати»⁶ асаридан шоир поэтикасидаги ранг-баранг бадий воситалар, вазнлар юзасидаги тадқиқотлар ўрин олгандир.

¹ Абдуллаев В.А. Навоий Самарқандда. Тошкент, 1968.

² Абдурахмон Саъдий. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларига доир// Докт.дисс.

³ Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоийнинг роли// «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари». 1961, 3-сон; Навоий лирикаси. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. Тошкент, 1963.

⁴ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент, 1970.

⁵ Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. Тошкент, 1979.

⁶ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. Тошкент, 1979.

Б.Валихўжаевнинг Навоий бадиияти хусусиятлари ва шоир санъаткорлиги кўринишларига бағишланган «Мумтоз сиймолар», «Алишер Навоий шеърляти» номли асарлари ва бир қатор мақолаларида¹, М.Муҳиддиновнинг адабий алоқа ва ўзаро таъсир масалалари аспектидаги «Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси» номли докторлик диссертациясида, Р.Орзибековнинг «Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат» номли монографиясида шоир поэтикасига алоқадор муҳим масалалар таҳлил этилади.

Республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, буюк мутафаккир илмий-бадиий меросининг шу кунгача тадқиқ этилмаган қирраларини очиб беришга эътибор кучайиб кетди. И.Ҳаққулов, С.Олимов каби олимларнинг бу соҳадаги фаолиятлари диққатга сазовордир. И.Ҳаққулов Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий дунёқараши, илоҳиётга муносабати, асарларидаги теран маърифий маъно – мазмун, тимсоллар ва рамзлар ҳақида қатор монография, рисола ва илмий мақолалар ёздики, бу ҳодиса навоийшунослик фанининг ўзига хос янги йўналишдаги тараққиётига сабаб бўлди.²

Аммо, Навоий лирикасини ўрганиш соҳасидаги мазкур катта илмий жараёнда юзага келган тадқиқотларга хос умумий хусусият шуки, уларда умуман Навоий лирикаси ҳақида, шоир поэтик тасвирининг айрим усуллари, маҳорат масалалари ва бошқа соҳаларда мақола ёки монографик тадқиқот мавзуи доирасида фикр юритилади.

Навоий поэтикасининг асосий хусусиятлари, ундаги образлар тизими, бадиий тасвир усуллари, лирик жанрлар ривожига тааллуқли системали равишдаги изчил тадқиқотлар А.Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» ва Ё.Исҳоқовнинг «Алишер Навоий илк лирикаси», «Навоий поэтикаси» каби монографиялари ва қатор мақолаларида таҳлил этилдики, бу нарсa Навоий лирикасини поэтиканинг ўзига хос тизими қонуниятлари нуқтаи назаридан илмий-услубий йўналишда ўрганишни бошлаб берди.

«Навоий лирикаси» асарида³ А.Ҳайитметов Алишер Навоий лирикасининг тур хусусиятлари, тематикаси ва асосий образларини тадқиқ этади. Муаллиф шоир лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, унинг шарқона лирик анъаналарга муносабати масалаларини батафсил муҳокама этади.

¹ Қаранг: Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент, 1974; Барҳаёт шеърлят// Ленин йўли. 1986, 8 февр.; Алишер Навоий ижодида туркий ва туркийгўйлик ҳақида// Ад. Жанрлар ва бад. Маҳорат массари. – Самарқанд, 1988.

² Қаранг: Ҳаққулов Иброҳим. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. - 223 б.; Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. – Тошкент: ФАН, 1991. - 70 б.; Ҳаққул Иброҳим. Камол эт касбким... – Тошкент: Чўлпон, 1991. - 240 б.; Ҳаққулов И. Шеърлят – рухий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 240 б.

³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1962.

А.Ҳайитметов «Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари»¹, «Навоий даҳоси»² монографияларида ҳам шоир лирикаси ва ижодий услуб услубининг бир қатор муҳим хусусиятлари, унинг лирик асарларида ижодий услуб услуб ифодаси мавзуга диққатини жалб этади.

Ё.Исҳоқов биринчи бўлиб Навоий лирикасининг бадиий эволюциясини босқичма-босқич, унинг илк давридан балоғат босқичига етгунга қадар намоён бўладиган хусусиятларини, шу босқичлар орасидаги умумий боғланишни ўрганиш мақсадида шоирнинг «Илк девон»ига мурожаат қилади.³

«Илк девон»нинг, унинг асосида Навоий илк лирикасининг махсус ўрганилиши шоир ижодий маҳоратининг тадрижий тақомили, санъаткорлиги ва ғоявий дунёқарашининг ўзига хос ўзгаришлари, камолот босқичига етиш жараёнини кузатишга имкон беради.

Олим ўзининг кейинги асари «Навоий поэтикаси»⁴да лирик жанрлар ва бадиий тасвир поэтикаси хусусиятларини муҳокама этади. Бу асар Навоий поэтикасини ўрганиш соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун ўзига хос таянч манбаъ бўлиб ҳам хизмат қилади. Чунки, ўзбек лирик поэзиясининг жанр жиҳатидан бойиб, мукаммал ҳолга келишида Навоий ғазалиётининг ўрни ва роли масаласи, шоир поэтикасининг ички специфик қонуниятлари ва поэтик услубининг оригиналлигини таъминловчи асосий омиллар бу асарда изчил таҳлил этилган.

Бундан ташқари, муаллиф бу асарида биринчи бўлиб ўзбек поэзиясида ўзининг маълум анъаналарига эга бўлган лирик жанрларнинг Навоий лирикасида янгича ривожини ва туркий адабиётда пайдо бўлмаган ёки қатъий қонуниятига эга бўлмаган баъзи бир жанрларнинг шоир ғазалиётидаги янги ҳаётини кузатади.

Иккинчидан, «асосий лирик жанрларни, адабий канон ва анъаналар билан муносабати нуктаи назаридан системали таҳлил этиш асосида, уларнинг ички динамикаси ва адабий жараёндаги мавқеини белгилаш ҳамда шу асосда Навоийнинг лирик жанрларнинг тараққиёт тарихидаги ролини кўрсатиш»⁵ масаласи илк бор тадқиқот доирасига тортилади.

Учинчидан, Навоий бадиий тасвир поэтикаси учун хос бўлган етакчи шамойил бадиий тасвир воситалари ва шарқ поэтикасининг анъанавий қонуниятлари нуктаи назаридан очиқ берилдики, бу ҳам асарнинг муҳим илмий қиммати белгилайди.

¹ Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент, 1963.

² Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970.

³ Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965.

⁴ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1983.

⁵ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1983. 9-б.

Алишер Навоий лирикаси масалаларини янгича йўналишда, ўзига хос илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш XX аср 90-йилларида А.Абдуғафуров томонидан йўлга қўйилди. Олим Навоий лирик девонларининг яратилиш давларини аниқ белгилаш, девонларга кирмай қолган шеърларни аниқлаш юзасидан кузатувлар олиб бориш, девонлар дебючларида намоён бўлган буюк шоирнинг ўзига хос бадиий тасвир услубини очиб бериш, шу нуқтаи назарлардан Навоийнинг ўзидан кейинги шоирлар ижодига бўлган таъсирини текшириш каби масалаларни тадқиқ этишни мақсад қилиб қўяди.

«Бадоеъ ул-бидоя», «Хазойин ул-маоний» девонларининг тартиб берилиш саналари жиддий илмий далиллар асосида аниқланиши олимнинг навоийшунослик фани ривожига учун амалга оширган муҳим хизматларидан биридир. Шунингдек, Навоий қаламига мансуб бўлиб, бошқа шоирга нисбат берилган шеърлар, шоир ижодига нисбатан бўлган эътиборсизлик натижасида юзага келган чалкашлик, хатоликларга ҳам олим биринчилардан бўлиб очиқ муносабат билдиради.¹

Навоий назмиётини ўрганишнинг мазкур хронологияси назарий нуқтаи назардан амалга оширилган асарлар юзасидан бўлиб, бу соҳадаги матншунослик, яъни шоир лирик меросининг илмий-танқидий матнини яратиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг муҳим асосларидан бири - бадиий асарлар юзасидаги илмий шарҳлардир. Навоий ўзининг барча адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарларида шарҳларга кенг ўрин беради. Шоирнинг «Мажолис ун-нафоис» асари бунинг ёрқин тимсолидир. Жумладан, шоир тазкиранинг 8-мажлисида Ҳусайний девонидаги ғазаллар мисолида шарҳнинг мўъжаз намунасини кўрсатиб берди. Навоий Ҳусайний девонига баҳо берар экан, унинг бошқа шоирлар ижодида ва девонларида учрамайдиган жиҳатларига эътибор беради. Навоийнинг бу соҳадаги илмий услуби ҳали очилмаган жуда кўп фазилатларга эга бўлиб, махсус тадқиқотларни қутмоқда.

¹ Қаранг: Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. - Тошкент: ФАН - 1966. - 316 б.; Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик қуйчилари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1979. - 160 б.; А. Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1995. - 184 б.; А.Абдуғафуров. Қалб қаъридаги қадриятлар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1998. - 216 б.; Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари. (Биринчи мақола) //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1994.- № 4-5-6.- Б.9-16.; А.Абдуғафуров. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари.(Иккинчи мақола) //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1995.- № 1.- Б.10-18.; Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари// Ўзбек тили ва адабиёти.- 2000.- № 5.- Б.3-11.; Абдуғафуров А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1989.- № 4.- Б.3-9.; Абдуғафуров А. Шеърят саройи //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1998.- 6-февраль.; Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1998, №6.- Б.3-10.

Навоийдан аввал ўтган шарқ филологлари асарларида, шоир замондошлари ва ундан кейинги давр адабиётшунослигида ҳам шарҳлар катта мавқеъ эгаллайди. Зеро, шарҳлар адабиётшунослик назарияси ва унинг тараққиёти учун ҳар доим илмий манбаъ, аниқ негиз бўлиб хизмат қилган. Шу нуқтаи назардан давримиз навоийшунослигида шоир асарлари юзасидан амалга оширилган илмий-аналитик шарҳлар текстология фанининг махсус тармоғини шакллантирди, десак хато қилмаймиз. Бу йўналишда 60-йиллардан кейин яратилган асарлар Навоий меросини бенуқсон, мукаммал тушуниш, ундан чин маънода бадиий завқ олиш учун катта имконият бўлиб хизмат қилади. Бу соҳанинг изчил ривожига акад. А.П.Қаюмов илмий фаолияти билан боғлиқдир.

Олим Навоийнинг «Хамса»си дostonлари юзасидан яратган «Ҳайрат ул-аброр» талқини», «Фарҳод ва Ширин» сирлари», «Ишқ водийси чечаклари» номли асарларида дostonларнинг ғоявий - бадиий йўналиши ва эстетик фазилатларини очиқ беришда адабий таҳлил - шарҳ усулидан унумли фойдаланади.

Мазкур илмий фаолиятнинг изчил ривожига натижасида кейинги йилларда адабиётшуносларимиз Навоий лирикасининг бадиийлиги сирларини тадқиқ этишда жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар.¹ Бу эса келгусида Навоий асарларининг шарҳли нашрларини амалга ошириш учун илмий замин бўлиб хизмат қилади.

Навоий асарлари, шу жумладан, унинг лирикаси соҳасида олиб бориладиган текстологик тадқиқотлар адабиётшунослик тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қилади: 1) Навоий шеъриятнинг илмий-танқидий текстини яратиш ва бу асосда шоир лирикаси илмий ва илмий-оммабоп нашрларини амалга ошириш учун; 2) мазкур соҳадаги текширувлар Навоий лирик мероси юзасидан олиб бориладиган назарий характердаги илмий тадқиқотлар учун ҳам асосий замин вазифасини ўтайди.

Навоий лирик меросини текстологик нуқтаи назардан ўрганиш соҳасида амалга оширилган энг биринчи катта тадқиқот Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори Ҳ.С.Сулаймоновнинг 1961 йил октябрь ойида ҳимоя қилган «Алишер Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти» мавзuidaги докторлик диссертациясидир.

Йирик олим Навоий девонларининг жаҳон китоб хазиналарида сақланаётган 200 дан ортиқ турли нусхаларини кўриб чиқиб, улардан 20 тасини тадқиқот учун асос қилиб олади ва «Хазойин ул-маоний» девонларининг муаллиф нусхасини яратади. Бундан ташқари, шоир

¹ Шоирнинг 550 йиллик юбилеи муносабати билан ёзилган шарҳларнинг бир қисми «Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар» номи билан китоб ҳолида нашр этилди. Тошкент. Камалак, 1991.

девонлари фотонусхаларини синчиклаб ўрганиш, ўнлаб қўлёзмаларни бир-бирига солиштириш натижасида олим Навоийнинг ҳали фанга номаълум бўлган икки расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя»ни аниқлади. Навоийнинг форсий шеърлар тўплами - «Девони Фоний» ҳам бевосита Ҳ.Сулаймоновнинг сермашаққат изланишлари натижасида фанга маълум этилди. Ана шу қўлёзмалар асосидаги изланишлар жараёнида у Навоий шеърятининг хронологияси, таркиби, мундарижаси каби бир қанча муҳим илмий муаммоларни ҳал этади.

Ҳ. Сулаймонов кўп йиллик меҳнат ва узоқ изланишлар самараси сифатида юзага келган Навоий лирик асарлари мукаммал текстларининг нашрлари масаласига ҳам жиддий эътибор берди. «Ҳазойин ул-маоний»нинг олим томонидан тикланган автор редакцияси 1959-60 йилларда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида чоп этилди. Олимнинг бу илмий фаолияти Навоий лирикасининг кейинги даврдаги тадқиқотчилари учун кенг ва қулай имкониятлар яратди. «Навоий девонларини текшириш натижасида Ҳ. Сулаймонов чиқарган илмий хулосалар биринчи галда шунинг учун ҳам қимматлики, қўлёзмаларнинг аксарияти Навоий ҳаётлигида яхши котиблар томонидан кўчирилган, кўпларининг колофонида кўчирилиш саналари бор».

Ҳ.Сулаймоновнинг 1967 йилда Ўзбекистон ССР ФА Давлат Адабиёт музейига асос солиши ва унга раҳбарлиги даврида Навоий лирик меросининг кейинги илмий тадқиқотлари ва илмий ҳамда оммавий нашрлари учун замин яратилди.

Навоий асарларининг 60-йилларда нашр этилган кўптомли тўпламлари улугъ шоир адабий меросининг ягона илмий-танқидий текстини тузиш ишини янада такомиллаштириш учун хизмат қилди, бу соҳадаги кўпгина масалаларни, чигалликларни ҳал этишга йўл очди.

Биз юқорида Навоий кўптомликларининг ўзбек ва рус тилларидаги нашрлари хусусида фикр билдирган эдик. Аммо, 1987 йилдан бошлаб ЎзФА Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ҳамда Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти томонидан шоир мукаммал асарлари тўплами нашрларининг амалга оширилиши адабиётшуносликнинг жуда кўп соҳаларида жиддий қидирув ва тадқиқот ишларини олиб боришга даъват этдики, биз бу ҳақда махсус тўхталмоқчимиз.

Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя» девонлари Ҳамид Сулаймонов томонидан Париж Миллий кутубхонаси ва Британия музейидаги қўлёзмалар асосида фанга маълум этилган эди. Кейинчалик бу девонларнинг Тошкент нусхалари ҳам аниқланди. Жумладан, «Наводир ун-нихоя» девонининг ягона нодир қўлёзмаси ҳақида 1968

йилда Порсо Шамсиев «Навоий асарларининг янги топилган кўлёмалари» номли мақоласида маълумот беради. Орадан йигирма йиллар муддат ўтказ, бу девонларнинг текстологик тахрир этилиб биринчи марта чоп этилиши адабий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу адабий ҳодисанинг муҳимлиги шундаки, биринчидан, Навоий матининг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя» девонлари билан бошланиши шоир лирик меросини унинг табиий хронологик тартиби асосида ўрганиш учун имкон яратади.

Навоий ўзининг оламшумул ижоди мисолида лириканинг жамият маънавий-маърифий тараққиётида тутган ўрни, унинг бадиий ижод, қолаверса, адабиётшунослик ва адабий танқид соҳалари ривожига бўлган таъсири доираларини ҳам кўрсатиб бердики, бу нарсa уни кенг кўламда - ғоявий-бадиий, адабий-эстетик, илмий-назарий аспектларда янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва унга баҳо бериш неча босқичда ва қандай мазмунда давом этди?
2. «Илк девон»ни ўрганган олимлар кимлар ва уларнинг тадқиқотлари ҳақида фикрингиз қандай?
3. Алишер Навоий қайси асарларининг илмий-танқидий нашрлари яратилган?

Зарурий адабиётлар:

1. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. - Тошкент: ФАН - 1966. - 152 б.
2. Абдуллаев В.-Навоий Самарқандда. - Тошкент: Бадиий адабиёт - 1968. - 136 б.
3. Абдуғафуров А.-Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат – 1995. - 184 б.
4. Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари. Илмий мақолалар тўплами. - Самарқанд: СамДУ, - 1990. - 182 б.
5. Атоуллох Ҳусайний.-Бадойиъу-с-санойиъ. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1981.- 400 б.
6. Валихўжаев Б- Мумтоз сиймолар. II жилдлик. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.
7. Воҳидов Р.-«Мажолис ун-нафоис» таржималари. – Тошкент: ФАН, - 1984. - 72 б.
8. Воҳидов Р.-Навоий барҳаёт. - Тошкент:ФАН, - 1991. - 79 б.
9. Воҳидов Р.-Эшонқулов Ҳ. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 2005.

10. Заҳириддин Муҳаммад Бобур- Бобурнома. - Тошкент: Юлдузча - 1990. - 368 б.
11. Исҳоқов Ё.-Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: ФАН, - 1965. - 140 б.
12. Исҳоқов Ё.-Навоий поэтикаси. – Тошкент: ФАН - 1983. - 168 б.
13. Рустамов А.-Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат,1979. - 308 б.
14. Салоҳий Д.-Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. Тошкент: ФАН, 2005. – 204 б.
15. Шайхзодам.-Асарлар. VI томлик. 4 т.: Ғазал мулкнинг султони. – Тошкент: Бадий адабиёт,1972. - 372 б.
16. Шайхзодам.-Асарлар VI томлик. 5 т.: Адабий-танқидӣ мақолалар. – Тошкент: Бадий адабиёт,1973. - 327 б.
17. Қайумов А.-Алишер Навоӣ. – Тошкент: Камалак,1991. - 173 б.
18. Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир.-Мақорим ул-ахлоқ. - Тошкент: ФАН - 1967.- 284 б.
19. Ҳайитметов А.-Навоӣхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 220 б.
20. Ҳакимов М.-Навоӣ асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. - Тошкент:ФАН,1983. -199 б.
21. Ҳаққулов И.-Ғазал гулшани. – Тошкент: ФАН,1991. - 70 б.
22. Ҳаққулов И.-Шеърӣят – руҳӣ муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат,1989. –240 б.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

Таянч сўз ва иборалар: *ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, жанр, бадий санъатлар, девон, дебоcha, хазойин.*

Алишер Навоий ўзбек ва тожик тилларида 16 шеърӣ жанрда асарлар яратди. Унинг «Хазойин ул-маоний» мажмуаси ва бошқа шеърӣ девонларида ғазал биринчи ўринда туради. Шунинг учун таниқли олим Мақсуд Шайхзода уни «Ғазал мулкининг султони» деб таърифлаган эди.

Маълумки, ғазал то Навоийга қадар беш асрлик тарихга эгадир. Навоий поэтика соҳасида ўзигача бўлган анъаналарни ижодий давом эттирди. У уч дарё сувини ичиб (араб адабиёти, форс-тожик адабиёти, туркий адабиёт), ўз бадий маҳоратини камолга етказди.

Навоий лирик мероси 7 туркий ва 1 форс-тожик тилидаги девонда жамланган. Унинг манбалари қуйидагилар:

I. **«Илк девон».** Бу девоннинг икки нусхаси мавжуд, улар Санкт-Петербургда Салтыков-Шchedрин кутубхонасида сақланади. Девон Навоий даврининг машҳур ҳаттоти Султонали Машҳадий томонидан тузилган, деб тахмин қилинади. Чунки, унинг котиби Султонали Машҳадийдир. Девоннинг иккинчи нусхаси 1568 йили Ҳиротда Маҳмуд котиб томонидан кўчирилган.

Мазкур девон 870-ҳижрий, 1465-66-мелодий йилларда шоирнинг мухлислари томонидан тузилган. Девонга жуда зукко шеърӣят мухлиси тартиб берган. Асар етти рангдаги безаклар билан ниҳоятда чиройли безатилган. Девоннинг факсимил (фото) нусхасини биринчи марта профессор Ҳамид Сулаймонов нашрга тайёрлади ва уни «Илк девон» деб номлади.

Алишер Навоий бу девон ҳақида ўзининг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида шундай дейди: «Халойиқ орасида минг байт – икки минг байт ортуқроқ – ўксукракким, ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб эрди». (МАТ, 1-том, 24-бет).

«Илк девон» уч минг байтга яқин асардир. Унда тўрт шеърӣ наъвдаги асарлар мавжуд. Булар: ғазал, мустаъзод, мухаммас ва рубоий. Девонга 391 ғазал жойлаштирилган бўлиб, шулардан икkitаси «Ул париваш муддаига меҳрибондур, бизга йўқ» мисраси билан бошланувчи ғазал 203, 228-ўринларда ва «Юзунгни кўрди, кўзларимни боғла, эй қотил» мисраси билан бошланувчи ғазал 237, 281-ўринларда икки қайтадан берилган. Шунга кўра, девондан Навоийнинг 389 ғазали ўрин олган, мухаммас ва мустаъзод – 1 тадан, рубоий эса 41 та.

Девон

Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро

матлаъли ҳамд билан бошланади. Бу ғазал девонни тузган ёки кўчирган киши томонидан биринчи – «очувчи» ғазал сифатида танлаб олинган. Кейинчалик, у Навоийнинг таҳрири билан «Хазойин ул-маоний» девонларига жойлаштирилган. Девон рубоий жанридаги асарлар билан тугайди. Охирги рубоий ушбу:

Охир дами умр иста шитоб, эй соқий,
Тутғил манга онча майи ноб, эй соқий,
Ким ҳашрда маст ўлаю, хароб, эй соқий,
То англамай, этсалар азоб, эй соқий.

Ушбу девон Алишер Навоийнинг 24-25 ёшларига қадар ёзган лирик меросини қамраб олади.

II. **«Бадоеъ ул-бидоя».** («Ўғзалликнинг бошланиши»). «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг тузилган даври ҳақида таниқли адабиётшунос олимлар Ҳоди Зарипов, Ҳамид Сулаймон, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаевлар фикр билдириб, умумий тарзда 1469 йилдан 1470 йилнинг ўрталаригача бўлган даврни белгилайдилар. Профессор А. Абдуғафуров эса бу девон 1478-79 йилларда тузилган эканлигини таъкидлайди.¹

Девоннинг XV асрда китобат қилинган нусхалари жаҳоннинг турли китоб маъхазларида сақланади. Унинг 1481-1482 йилларда кўчирилган бир нусхаси Лондонда, 1484 йилда ёзилган бир нусхаси Бокуда, 1486 йилга тааллуқли бир нусхаси Тошкентда, XVI ва XX асрларга тегишли икки нусхаси Самарқандда сақланмоқда.

Девон ҳақида биринчи маълумотни Ҳамид Сулаймонов «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзган сўзбошисида келтиради. Уни биринчи бўлиб нашрга тайёрлаган олим эса Шарофиддин Шарипов эди. Алишер Навоийнинг 20 томлик МАТи нашр этилиши муносабати билан филология фанлари номзоди Марямхон Раҳматуллаева девоннинг иккинчи, анча мукамал нусхасини нашрга тайёрлади.²

Алишер Навоий 1469 йилда Хуросон пойтахтини эгаллаган дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро таклифи билан Ҳиротга қайтгач, подшоҳ ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кўп вақт ва катта куч сарфлади. Аммо, табиатидаги ўта камтарлик ва ориятчанлик боис ўз шеърларини девон сифатида тартибга келтирмади. Бунга Султон Ҳусайн Бойқаронинг бефарқ қараб турмаганлиги, дўстига девон тузиш учун фармон берганлиги ҳақида шундай сатрлар келтирилади:

Нидо еткурди ногаҳ муншийи роз,

¹ Бу ҳақда қаранг: А. Абдуғафуров. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси.//ЎТА, 1991, 4-сон, 3-9-бетлар.

² Қаранг: Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 1-том. Т.: Фан. 1987.

Ки: - «Эй афсунгару афсонапардоз...»
Сўзунг бир авж уза чекти аламни,
Ки сурдунг арш лавҳиға қаламни...
Валекин бу қадар бикри парисон,
Банот ун-наъшдек бўлмиш паришон.
Тиларбиз бу паришон бўлса мажмуъ,
Равон бўлким, эмастур узр масмуъ.
Бу навъ истайдур эмди ройи олий,
Ки қилғай фикратинг девон хаёли...
Чу билдинг ҳукм, бор, иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сори – ўқ фуруъ эт.
Мураттаб қилмағунча, тинма бир дам,
Сўз ўлди мухтасар, в-Аллоҳу аълам.

(МАТ, 1-том, 19-бет).

«Бадоеъ ул-бидоя»нинг унгача ёзилган девонлардан ажралиб турувчи хусусиятларини шоир ўзининг девонга ёзган дебочасида кўрсатиб ўтади. Бундай туб фарқлар дебочада кўрсатилишича, бештадир. «Неча навъ ишким, мунда маръий бўлубтурур, ўзга давовинда кўринмайдурур», - деб ёзади шоир. Булар қуйидагилар:

- Алишер Навоий ўзигача яратилган девонларнинг қусури сифатида девон тартиб берувчилар форсий ва туркийзабон шоирлар ёзувида мавжуд бўлган 4 ҳарфга эътибор қилмасликларини таъкидлайди ва у девонини 32 ҳарф билан тугаган шеърлардан иборат қилиб тартиб беради;

- Навоий девонининг яна бир хусусияти унда ҳар бир ҳафдаги шеърларнинг бошида ҳамд ёхуд наът шаклидаги шеърлар киритилишидир. Навоийнинг эътирофича, ҳар бир ҳарфга битилган ғазалиётнинг аввалги ҳарфларга битилган ғазаллар билан услуб жиҳатидан тафовутлари мавжуд бўлиб, унга риоя қилмаслик соҳиби девонларнинг нуқсонидир;

- шоир ўз девонининг хусусияти сифатида кўрсатган яна бир белгиси – ҳар бир ҳарфдаги туркум шеърларнинг ғоявий ва бадий таъсир қувватига алоҳида эътибор қаратганлигида кўзга ташланади. Навоийнинг фикрича, муҳаббат мавзуида ёзилган шеърларда ҳам «насихаторо ва маъвизатосо» байтлар киритилиши лозим;

- «Бадоеъ ул-бидоя»ни ўзга девонлардан ажратиб турувчи яна бир хусусияти шундан иборатки, ғазал ёзган айрим шоирлар шеърларининг тадрижийлик, якпоралик жиҳатига эътибор қилмайдилар. Навоий девонида шеърларнинг якпора бўлишига эътибор берилади.;

- ниҳоят, «Бадоеъ ул-бидоя»нинг бешинчи хусусияти унда шоирнинг ўз замонида шоеъ бўлган барча навъ (жанр)даги шеърларини девон

таркибига киритишидир.

Девонга фақат маснавий ва қасида жанрида ёзилган асарлар киритилмаган. Шундай қилиб, девондан 777 ғазал, 3 та мустаъзода, 5 та мухаммас, 2 та мусаддас, 3 та таржебанд, 46 та қитъа, 85 та рубоий, 10 та луғаз, 52 та муаммо, 10 та туюқ, 53 та фард ўрин олган. Бу жиҳатдан «Бадоеъ ул-бидоя» жанрлар нуқтаи назаридан Навоийгача тузилган ва Навоий даврида тартиб берилган девонлар ичида энг мукаммал девон ҳисоблашга лойиқ.¹

III. «Наводир ун-ниҳоя». («Ниҳоятда кўп нодирликлар»).

«Бадоеъ ул бидоя» девонидан кейин орадан 6-7 йиллар ўтгач, Навоий иккинчи девони – «Наводир ун-ниҳоя»га тартиб беради. Бу девоннинг 1487 йили Ҳиротда машҳур хаттот Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган нусхасида эса 860 ғазал бор. Бу девонлар Ҳамид Сулаймонов томонидан Париж Миллий кутубхонаси Британия музейидаги қўлёзмалар асосида фанга маълум этилган эди. Кейинчалик бу девонларнинг Тошкент нусхалари ҳам аниқланди. «Наводир ун-ниҳоя» девонининг ягона нодир қўлёзмаси ҳақида 1968 йилда Порсо Шамсиев «Навоий асарларининг янги топилган қўлёзмалари» номли мақоласида маълумот беради.

Ўзбек адабиётшунослари тадқиқотларида «Наводир ун-ниҳоя» девони «... 1486 йилда тузилган деб тахмин қилинади».² А. Абдуғафуров Ҳусайн Бойқаронинг «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» асари 1485 йилда ёзилганлигини тасдиқловчи хулосаларида бу асарда Навоийнинг фақат битта девони – «Бадоеъ ул-бидоя» ҳақида фикр билдирилганлигини таъкидлайди. «Наводир ун-ниҳоя»нинг эса 1487 йилда кўчирилган нусхаси маълум. Демак, 1486 йилда «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг навбатдаги нусхаси кўчирилиши даврида Навоий «Наводир ун-ниҳоя» девонини тузиш билан банд бўлган ёки уни тузиш ишини якунлаган.

Б. Валихўжаев девоннинг Техрондаги Гулистон қасрида сақланаётган нотўлиқ нусхаси ҳақида маълумот беради. Бу девон нусхасида Алишер Навоийнинг ўз дастхати ва муҳрининг акси бор.³

«Наводир ун-ниҳоя» девонига «Илк девон» таркибидаги шеърлардан 91, «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан 117 ғазал киритилган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, «Наводир ун-ниҳоя»нинг илмий-танқидий нашридан (МАТ, 20 томлик, II том) 862 ғазал ўрин олган, деб кўрсатилган. Аслида девоннинг бу нашри 860 ғазалдан ташкил топган. «Юз ўтида юз қатра су не тонг хўйи ғалтонидин» ва «Неча даврон аҳлининг бедодидин шиддат чекай» мисралари билан бошланувчи ғазаллар икки қайтадан – биринчи

¹ Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Д. Салоҳий. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Т.: Фан. 2004. 134 б.

² Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. Тошкент, 1979 й. 62-б.

³ Маълумот учун қаралсин. Валихўжаев Б. Алишер Навоий шеърляти. Қўлланма. Самарқанд: 2001.

ғазал 563 ва 635 ўринларда, иккинчи ғазал эса 760 ва 838 ўринларда такрор келтирилади.

Алишер Навоий ўзининг маълумот беришича, бу девонга ҳам дебоcha ёзган. Аммо, бу дебоcha «Наводир ун-нихоя»нинг бизга маълум бўлган кўлёзма нусхаларида йўқ. Девоннинг жанр таркиби яқраг, яъни фақат ғазаллардан ташкил топганлигини назарда тутсак, шоир бу девонга ёзган дебоchasида ғазал ҳақида ўзининг назарий ва бадиий эстетик қарашларини чуқурроқ ривожлантирган, деган фикрга келиш мумкин.

«Наводир ун-нихоя» девонидан жой олган 860 ғазалдан 851 ғазал кейинчалик шоирнинг «Хазойин ул-маоний» девонлари таркибига киритилган.

IV. «Хазойин ул-маоний». (Маънолар хазинаси). Алишер Навоий ўзининг «Хазойин ул-маоний» девонлар куллийетида дебоcha ёзар экан, бу куллийетнинг ҳам юзага келишида барча имкониятларни Ҳусайн Бойқаро яратганлигини, шундай девон тузишга яна буйруқ билан муаллифни мажбур этганлигини алоҳида уқтирган. Бу билан буюк шоир халқ орасида «Чор девон» деб шуҳрат қозонган «Хазойин ул-маоний»нинг юзага келишида Султон Ҳусайн Бойқаронинг бекиёс мададини юксак баҳолайди ва ўз девонлар куллийетини ана шу мақсад эвазига «Хазойин ул-маоний» деб атаганлигини фахр билан тилга олади:

Бу баҳрки, ганжи ломаконий дедилар,
Ҳар қатрасин оби зиндагоний дедилар,
Шаҳ махзани таъбидин нишони дедилар,
Ким, ани «Хазойин ул-маоний» дедилар.

Алишер Навоий бу қийин, аммо саодатбахш юмушга саъй кўрсатган даври 1490 йиллар эди.¹

А. Абдуғафуров «Хазойин ул-маоний» девонларининг тузилиши даврига оид тадқиқотларида бу девонларнинг Навоий томонидан уч қайта таҳрир этилганлиги ва уларнинг охириги редакцияси 1498 йилга тегишли эканлиги хусусида фикр юритади. Олимнинг хулосаларига кўра, Навоий бу девонларини янги ёзилган шеърлар билан мунтазам тўлдириб борган. Девонларнинг иккинчи редакцияси 1498 йилда таҳрир этиб якунланади.

«Хазойин ул-маоний» девонларининг Ҳ. Сулаймонов томонидан тикланган автор редакцияси 1959-1960 йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриётида чоп этилди.

«Хазойин ул-маоний» девонларидан 3132 асар ўрин олган. Булар 2600 ғазал, 133 рубоий, 10 мухаммас, 4 мустаъзод, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 210 қитъа, 10 луғаз, 52 муаммо, 13 туюқ, 86 фард, 1 маснавий, 1 қасида, 1

¹ Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» девонларининг тартиб берилиш даври ҳақида.//ЎТА, 1995. №3,4; Абдуғафуров А. Шеърят саройи.//ЎЗАС, 1998. 6-февраль, 1-3 бетлар.

мусамман, 1 таркиббанд, 1 соқийнома бўлиб, 16 шеърӣ жанрдаги асарлардир. Девонлардаги байтларнинг умумий сони 22450,5 тадир.

Куллиёт 4 девондан иборат:

- «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик даврининг қизиқарли ҳодисалари»);
- «Наводир уш-шабоб» («Йигитликнинг нодирликлари»);
- «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёшлик гўзалликлари»);
- «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари»).

Бу асар ҳам шоир томонидан дебоча билан зийнатланган. Дебочада адабиётшуносликнинг назарий масалалари хусусида сўз юритилади.

«Хазойин ул-маоний» девонларига шоирнинг аввалги девонларидан қанчадан ғазал киритилган ва киритилмай қолганлиги қуйидаги жадвалда ўз аксини топган:

Девонлар	Ғазалларнинг умумий сони	«ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ» девонларига	
		Киритилган	Киритилмаган
Илк девон	389	263	126
Бадоеъ ул-бидоя	777	735	42
Наводир ун-нихоя	860	851	9

Кузатишлардан шу нарсa аниқландики, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» девонлари учун 1014 та янги ғазал ихтиро қилган. Шоир «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя» девонларидан «Хазойин ул-маоний» таркибига кўчирган 1586 ғазалдан 252 тасини турли мазмун ва шаклда таҳрирдан ўтказган. 1334 ғазал эса «Хазойин ул-маоний»га ўзгартиришсиз киритилган.

«Хазойин ул-маоний» девонлари тартиб берилгандан сўнг шоирнинг 1498-1500 йиллар орасида ёзган ғазал ва бошқа наъвлардаги шеърлари тўлиқ ҳолда ҳозирча фанга номаълум. Аммо, бу шеърят дурдоналарини кидириш ишлари давом этмоқда.¹

«Девони Фоний». Бу девонга 1499-1500 (м) йилдан олдин, тахминан 90-йилларнинг иккинчи ярмида тартиб берилган. Девондаги шеърларда Фоний таҳаллуси қўлланилганлиги боис «Девони Фоний» деб юритилган.

«Девони Фоний»нинг Париж (2 та), Туркия (2 та), Ҳирот (2 та) ва Эрон (1 та) кутубхоналарида сақланаётган етти нодир қўлёзма нусхалари мавжуд. Булардан Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган икки нусха, Ҳ. Сулаймонов эътирофига кўра, анча мукамалдир.

¹ Ф. Сулаймонова. Алишер Навоийнинг янги топилган ва «Хазойин ул-маоний» таркибига киритилмаган 40 ғазалини «Айёми висол ўлди яна...» (Т. 1998) номли тўпламда эълон қилди; М. Салоҳиддинова Султон Масъуд Мирзо Шохий мухаммаслари таркибидан шоирнинг яна бир янги ғазалини фанга маълум қилди (номз. дисс. Самарқанд, 2004).

Девон дебоча билан бошланади ва 9 та шеърӣ навъда ёзилган асарлардан иборат. Булардан қуйидагилар: қасида – 10 та, ғазал – 554 та, мусаддас – 1 та, марсия – 1 та, қитъа – 72 та, рубоӣ – 73 та, тарих – 16 та, муаммо – 373 та, луғаз – 9 та. Девондан жами 1109 асар ўрин олган бўлиб, улар 6197 байтни ташкил этади.

«Девони Фоний» ғазалиёти ўзбек ва тожик адабиётшуносларидан Ҳ. Сулаймонов, А. Мирзоев, Р. Ҳодизода, Ш. Шомухаммедов, Б. Валихўжаев, А. Шомухаммедов, Ё. Исҳоқов томонидан ғоявий мазмун ва бадиият нуқтаи назаридан ўрганилган. Девон таркибидаги ғазаллар шоирнинг туркий тилдаги шеърларидан айрим хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин; биринчиси – татаббуъ деб номланган ғазаллар Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқа шоирлар ғазалларига жавобия тарзида ёзилган шеърлардир. «Мухтараъ» эса «менинг ихтиром» деган маънони билдиради. Навоӣ бу турдаги ғазалларни янги, ўзига хос услубда яратганлиги учун шундай деб атайди.

Девонда «Дар баёни воқеъ» деб номланган ғазаллар гуруҳи учрайди. Бу ғазаллар мазмунига кўра воқеабанд шеърлар бўлиб, шоир уларда ўз бошидан кечирган баъзи воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилади.

Девондан икки туркум қасидалар ўрин олган. Биринчи туркум олти қасидадан иборат бўлиб, «Ситтаи зарурия» («Олти зарурат») деб номланади. Шоир асарга алоҳида дебоча ёзиб, унда асарнинг тузилиш сабаби, йили, қасидаларнинг жойлаштирилиш тартиби ва ҳар бирининг мавзуси ҳақида аниқ маълумот беради. Алишер Навоӣ «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида бу мавзуда шундай ёзади: «Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва маъвизатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат». Бу қасидалар қуйидагилар: 1) «Рухул-қудс»; 2) «Айнул-ҳаёт»; 3) «Тухфат ул-афкор»; 4) «Қувват ул-қулуб»; 5) «Минҳож ун-нажот»; 6) «Насим ул-хулд».

Қасидаларнинг иккинчи туркуми «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») деб аталади ва ўн қасидани ўз ичига олади. Шу ўринда Навоӣ Хожа Салмон қасидасига жавобан яна бир қасида бошлаганлиги ҳақида маълумот беради. Аммо, бу қасида ҳозиргача фанга номаълум.

Алишер Навоӣнинг форсий девонидан ўрин олган бошқа лирик навъ ва турдаги шеърят намуналари ҳам ниҳоятда гўзал маънолар ва бадиий безакларга бой бўлиб, Шарқ бадиий тафаккурининг бетакрор намунаси сифатида эъзозланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоӣ лирикасининг умумий ҳажми ва жанрлари

ҳақида маълумот беринг.

2. «Бадоеъ ул-бидоя» девонида шоир адабиётшуносликка доир қандай назарий масалаларни муҳокама этган?

3. «Ҳазойин ул-маоний» девонлари нашри, девонлар композицияси, уларга кирган асарлар жанрлари, мавзулари ва ғоявий асослари ҳақида маълумот беринг.

Зарурий адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. XX томлик. 1-6 томлар. -Тошкент: ФАН - 1987-1990 Т.1.-1987-724 б. Т.2.-1987-620 б. Т.3.-1988-614 б. Т.4.-1989.-558 б. Т.5.-1990.-542 б. Т.6.-1990.-366 б.
2. Алишер Навоий. Илк девон. Факсимил нашр.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV томлик. - Тошкент: ЎзФА - 1983-1984-1985. Т.1.-1983.-656 б. Т.2.-1983.-642 б. Т.3.-1984.-622 б. Т.4.-1985.-646 б.
4. Абдуғафуров А. «Ҳазойин ул-маоний» жумбоқлари. (Биринчи мақола) //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1994.- № 4-5-6.- Б.9-16.
5. А.Абдуғафуров. «Ҳазойин ул-маоний» жумбоқлари.(Иккинчи мақола) //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1995.- № 1.- Б.10-18.
6. Абдуғафуров А. «Ҳазойин ул-маоний» жумбоқлари// Ўзбек тили ва адабиёти.- 2000.- № 5.- Б.3-11.
7. Абдуғафуров А. «Ҳазойин ул-маоний» жумбоқлари //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1998, №6.- Б.3-10.
8. Валихўжаев Б. Алишер Навоий шеърляти. Самарқанд: СамДУ. 2002.
9. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. - 176 б.
10. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972 -56 б.
11. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Тошкент: «Маънавият», 2005.
12. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Тошкент: Фан, 2003.
13. Сулаймонова Ф. Айёми висол ўлди яна... - Тошкент: Фан,1997.
14. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърлят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат,1989. – 240 б.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАМОНДОШ ШОИРЛАР ИЖОДИ

МАВЛОНО ЛУТФИЙ ШЕЪРИЯТИ

Таянч иборалар: *малик ул-калом, туркийгўй, мумтоз шеърият, услуб, тасвир, халқона, ташибих, «ўғри», лавҳалар.*

Малик ул-калом Мавлоно Лутфий ижодиёти бир қатор мўътабар манбаъларда юксак эҳтиром билан тилга олинади ва умуман шундай мазмунда эътироф этилади: «Мавлоно Лутфий, ки ... пеш аз Мир (Алишер Навоий) касе миқдори ў набуда» - Мавлоно Лутфий – Мир Алишер Навоийдан олдин ҳеч ким унингча бўлмаган (Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий»), «Мавлоно Лутфий у замоннинг ўхшаши бўлмаган хуштаб, ширинкалом, ва сўз устаси эди. Форсий ва туркийда назири йўқ эди.» (Абдуллоҳ Кобулий. «Тазкират ут-таворих») ва ш.к.

Ҳазал мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий эса умумий таърифу тавсифдан фарқли ўлароқ ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Мавлоно Лутфий ижоди туркий шеъриятнинг ёзма адабиёт анъаналари доирасидаги тараққиётини бошлаб берганлигини таъкидлади. Улуғ шоир «Мажолис ун-нафоис»да туркийгўй шоирлар ҳақида сўз юритар экан, Мавлоно Яқиний, Мавлоно Атоий, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Камолий, Мавлоно Саккокий, Мавлоно Гадоий бораларида «туркийгўйдур, атрок орасида кўп шуҳрат тутти», деб ёзади, аммо, Мавлоно Лутфий муқобаласида уларни «форсий ва туркийда назири йўқ эрди», дея баҳоламайди. Бунинг сабаби шундан иборатки, Мавлоно Лутфийга қадар ва унга замондош бўлган туркийгўй шоирлар ижоди асосан маълум маънода мавзу ва мазмун жиҳатидан чегараланган «туркий» жанридаги шеърлар доирасида қолган бўлса (кичик лирик жанрларни истисно этганда), Лутфий «туркий» шеър имкониятларидан, унинг вазни ва бадий тасвир усулларида фойдаланиб, янги мазмун ва шаклдаги ҳазаллар яратди. Навоийнинг адабиётшуносликка доир асарларида тилга олинган ўрта аср ўзбек шеъриятидаги адабий-бадий йўналиш асосини «туркий» жанри ва бу жанрда шеър ўзган «туркийгўй» шоирлар ижоди ташкил этади. Шоир «Мажолис ун-нафоис» асарида «туркона» истилоҳини қўллар экан, бу маънода «туркий» шеърнинг ўзига хос хусусиятлари – турк тили, ишқий мавзу, содда ва тушунарли, таъсирчан бадий тасвир ва рамал баҳридан иборат эканлигини баён этади.

«Мезон ул-авзон» асарида Навоий «туркий»ни суруд (яъни, кўшиқ) деб асосий мавзу доирасида эмас, балки «лирик чекиниш» ёки кўшимча маълумот тарзида берар экан, бу жанрнинг ҳануз «қонунлар тасарруфига» кириб улгурмаганлиги, классик ижод намуналари даражасида эмаслигига ишора қилади. Мавлоно Лутфийга қадар яшаган ва унга замондош бўлган шоирлар ижоди асосан маълум маънода мазмунан чегараланмаган «туркий» жанридаги шеърлар доирасида қолган бўлса, Лутфий бу жанр имкониятларидан, унинг вазни ва бадий тасвир усулларида фойдаланиб, янги мавзу ва шаклдаги ғазаллар яратди. Лутфий туркона ғазалда ижтимоий руҳ ва халқчиллик пафосини кучайтирди. У туркона ғазални арузнинг рамал баҳридан бошқа баҳрларида шеърлар яратиш билан, шакл ва мазмун жиҳатидан такомиллаштириш билан форс-тожик шеърияти даҳолари Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар ижодиётлари даражасига кўтарган бўлса, унга кучли халқчиллик руҳини олиб кириши, янги мазмун ва оҳанглар билан бойитиши нуктаи назаридан Алишер Навоийнинг оламшумул ижодий мероси юзага келиши учун замин ясади.

Мавлоно Лутфий ижоди туркий шеъриятни мумтоз шеърият даражасига кўтариш билан бирга мумтоз форс-тожик шеъриятига акс таъсир ҳам ўтказди. Академик Б. Валихўжаев «Малик ул-калом Мавлоно Лутфий» номли асарида бу ҳақда шундай ёзади: «Абдурахмон Жомий шеърияти, жумладан ғазаллари кўздан кечирилганда унинг мавлоно Лутфий услубига хос янгиликларни қўллаб-қувватлаганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Абдурахмон Жомийнинг Мавлоно Лутфий анъаналарини, шеъриятида янги тимсоллар яратиш услубини давом эттирганидан далолат беради».¹ Олим ўз фикри исботи учун Мавлоно Лутфий шеъриятидаги гул, лола, ой, куёш каби тимсолларнинг янгича талқини ҳақида сўз юритиб, ана шундай ҳолни Абдурахмон Жомий ғазалларида ҳам мавжудлигига диққатни тортади. У Жомийнинг «Тубики ба сидра сар баланд аст» мисраси билан бошланувчи ғазалини таҳлил этар экан, ғазалда маҳбубнинг ниҳоятда гўзаллиги ва унга барча ҳайрат билан боқиб, таъзим қилиши тасвирланиб, бу мавлоно Лутфий шеъриятидаги ҳолат ва услубни эслатади, дея хулоса қилади. Абдурахмон Жомий беназир шеъриятида пайдо бўлган бу анъана, албатта, кейинги форс-тожик шеърияти вакиллари ижодида ҳам қўлланилган. Шу жиҳатдан «... мавлоно Лутфий мероси ва анъанаси фақат туркигўйлар томонидан эъзозланиб қолмай, балки

¹ Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. Тош.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002, 148-б.

форсийгўйлар томонидан ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан ўрганилиб, унинг анъаналари ўзига хос тарзда давом эттирилган. Бу эса ниҳоятда муҳим бир ҳодисадир».¹

Мавлоно Лутфийнинг мумтоз шарқ шеъриятига киритган янгиликлари асосан анъанавий тимсолларни янги, кўпинча бутунлай тескари маъноли ташбеҳлар билан тасвирлаш, фавқулодда доно, серзавқ ва кутилмаган бадиий эпизодлар яратиш, расмий ғазалга халқ оғзаки ижоди анъаналарини олиб кириш каби ҳодисалардан иборатдир. Масалан, гул ва тикан образлари шарқ поэзиясида ниҳоятда табиий ҳолат. Аммо, Лутфий анъанага кўра ижобий тарзда тасвирланган гул – гўзаллик рамзини салбий томондан кашф этилган «гул – ўғри», шунинг учун у жазоланган, мазмунида ифода этади:

Гул қамарингдан ўғирлаб олди жамол, анинг учун,
Шоҳи рабеъ они тикан дориға ўғридек осар.²

Шоир лирикасида ўғри ташбеҳи бадиий тимсол ифодасида янги мазмун яратиш, янги руҳий ҳолат пайдо қилиш мақсадида қўлланилади. Чунки, шоир анъаналар қобиғида қолиб кетишни истамайди. Гулнинг ўғрилиги шоирнинг кўп ғазалларида нуктадонлик билан кашф этилади, масалан:

Гул элтур ол ила ул чехрадин ранг,
Қизорса, ўғри учун ел урар кеч.

Қанд ҳам ўғри, у ширинликни гўзал ёр лабларидан ўғирлаган,
шунинг учун эл уни яланғоч қилиб сувда эритадилар:

Лабингдин чун сучуклук қанд ўғирлар,
Солурлар эл они сувға яланғоч.

Писта ёр лабларидан торликни ўғирлади, шунинг учун уни тузли сувга ботириб қўйдиларки, ёрилиб, ўғрилигига иқрор бўлди:

Оғзингдин элтти ўғирлаб чун писта торлиғини, анга
Туз суйи онча қўйдиларким, охир иқрор айлади.

Кўз – ўғри, ошиқ бошига ишқ балосини келтириб, кўнгулни беқарор қилган удир:

¹ Валихўжаев Б. Кўрсатилган асар, 149-б.

² Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент, 1987, 67-б.

Нозуклук ила олдинг кўнглумни боқиб ўғрин,
Нозук кишиларнингки ҳар не қилани нозук.

Яна:

Уйқу учти, жонға тушти валвала,
Кеча хублар сори ўғрин кўз сола.
Бу ёруғлуқ жумла хўблар юзидур,
Бир баҳона пеш эмастур машъала.

Мушк – ўғри, у ёр сочларидан хушбўйликни ўғирлади, шу сабабдан уни Хўтанда банд эттилар. Шоир бу байтда ҳам ийҳом қилиб, ҳам талмеҳ билан Хўтан оҳусига ишора этипти:

Сочингдин чун ўғурлар мушк хушбўй,
Қилурлар банд-банд они Хўтанда.

Гўзал ёр ҳуснининг ўғрилари шунчалик кўп экан, уларни кечирса бўлади, чунки унинг ўзи ҳам бу иллатдан пок эмас. Ёрнинг гўзал зулфлари – ўғри. Шоир итоб қилади:

Эй зулфи тун ўғрисию лаъли лаби хуни,
Олам бори бу ўғрию ул хунни забуни.

Яна:

Кўнглумни сенинг зулфунг олиб гизлади, билдим,
Ўғри киби эл ичра сарафганда дагулму?

Лутфий ўз ижодиётида инсон гўзаллигини, комил хилқатни васф этди. Унинг асосий қаҳрамони – ер гўзали, инсоният гўзалидир. Унинг услуби ҳам ниҳоят самимий, содда, халқчиндир. Буни шоир ўзи ҳам эътироф этади:

Не кўнгли содда элдур, ишқ эликим,
Сенингдек бевафони ёр дерлар.

Шоир шеъриятида фавқулодда донишмандона айтилган, кутилмаган янги ташбеҳлар билан зийнатланган шоҳбайтлар, лавҳалар жуда кўп. Мана бу байтда янги бир ташбеҳ намоён бўлган:

Чун кишининг қонин айтурларки, ётмас, не ажаб,
Лаълингизда не учун мундоқ ётур қоним менинг?

Қуйидаги байтда муболаға билан яна бир янги ташбеҳ яратилган. Шу мазмунда яратилган лавҳаларни шоир шеъриятида бир неча бор учратиш мумкин:

Жанозамнинг коворчгонино боғланг номаи шавқим,
Ким ул номехрибон топқай хабар бу ҳоли зоримдин.

Ёки:

Чун қаро бодом тобут узра расмедур қадим,
Кўз жанозам сори солким, сенсизин бўлдим қатил.

Баъзан шоир муболағада “ғулувв”га кетади. Аммо, кўп мақталмаган бу санъат ҳам шоир қалами билан чиройли, содда, халқона оҳанг касб этади:

Гар ватан Лутфий кўзинда тутмадинг, йўқтур ажаб,
Эв қўпормоғлиқ эрур душвор Жайхун устина.

Оддий, ҳаётий, туркона лавҳаларни мумтоз ғазал даражасида тасвирлаб беришда Мавлоно Лутфий юксак маҳорат ва услубни намоиш этади. У содда ҳаётий ҳодисалардан мукаммал бадиий ифодани, оддий воқеадан мураккаб санъатни юзага келтиради. Мана мисоллар:

Этак йиғиб юруса, жилваси бало қиладур,
Ўтарда енг солиши элни мубтало қиладур.

...

Эрур жаҳон кўзидин ғунча оғзидек махфий,
Дудоғи жонима улким куло-куло қиладур.

Ёки яна:

Итингнинг зикри дойим хайр ила ўлсун, афоллоҳким,
Санга аҳволи зоримни кеча кўргач хабар қилди.

Мавлоно Лутфий шеърояти фақат ишқий кечинмалардан, висол ва ҳижрон тасвирлари, ошиқ ва маъшуқа муаммолари йиғиндисидан иборат бўлмай, унда ахлоқий, тарбиявий кўрсатмалар, панд-ўғитлар ҳам мавжуд. Шоир қалбида шафқат, раҳмлилик туйғуси бўлмаган, дили каттиқ кишиларни қуёшчалик нурга бой бўлса ҳам жамият ҳаёти учун кераксиз, фойдасиз деб ҳисоблайди. У ошиқона ғазал қат-қатига ўзининг маърифий фикрларини сингдириб юборади:

Кишиким, йўқтурур меҳру вафоси,
Агар хуршиддур андин не ҳосил?!

Мавлоно Лутфийнинг дилбар ҳаётсевар, ижодий мероси таниқли адабиётшунос олимлар Содирхон Эркинов¹, Эркин Аҳмадхўжаев², Ботурхон Валихўжаев³ томонларидан кенг ва батафсил таҳлил этиб берилган. Бу олимлар Лутфийнинг ҳаёти ва адабий мероси ҳақида йирик тадқиқотлар яратиб, шоир меросини фанга ва халққа тақдим этишда катта хизмат қилганлар.

Бугунги кунда лутфийшунослар махсус эътибор қаратмаган бир соҳа, яъни шоир фалсафий-ирфоний, суфиёна қизиқишларининг шеъриятидаги ифодасига ҳам назар ташлаш жоиздек кўринади. Маълумки, Мавлоно Лутфий ўз даврининг илғор фикрли кишиларидан бири сифатида мукаммал эътиқодга эга бўлган, жамиятнинг етакчи мафкураси ва ғояларига бефарқ бўлмаган мўътабар шахс эди. Алишер Навоийнинг маълумот беришича, у йигитликда мадрасаларда ўз даври илм-фани асосларини, яъни дунёвий ва исломий билимларни тўлиқ эгаллагач, шайх мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний қошида сўфия соҳасидаги билимларини ҳам мукаммаллаштирган. Лутфийнинг Хуросонда нақшбандия тариқатининг шайхи Саъдиддин Қошғарийдан кейинги йирик муршиди Махдум Нуриддин Абдурахмон Жомий билан бўлган ғоят яқин дўстона муносабатлари ҳам шу жиҳатдан мантиқий асосларга эга кўринади. Аммо, бу хусусда Навоий маълумотларидан ўзга маълумот бўлмагани сабабли чуқур мулоҳаза юритиш, албатта, мақсадга мувофиқ кўринмайди. Шундай бўлса-да, мавлоно шеъриятидаги баъзи сўфиёна фикрларга эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмас.

Лутфий ғазалларида буюк Яратгучининг ҳусни жамоли бутун борлиққа ёйилган, маъносидаги пантеистик дунёқараш тез-тез кўзга ташланади. У гўзал маҳбуба қиёфасида ҳеч ўхшаши йўқ мукаммал зот Ҳақ таоло жамолининг аксини, тажаллисини кўради. Демак, шоир жонини, юрак-бағрини ўртаган ишқ ер гўзалига эмас, аслида беҳамто парвардигорга қаратилгандир:

Эй тажалли бирла ҳуснунг юз туман жон ўртагон,
Барқи ишқингдур мени тўйғунча ҳайрон ўртагон.

¹ Эркинов С. Лутфий. Тошкент, 1965. 126 б.; Лутфий. Сенсан севарим. Нашрга тайёрловчилар: С. Эркинов, Э. Фозилов, Э. Аҳмадхўжаев. Ғ. Ғулом номидаги АСН. Тошкент, 1987, 460 б.

² Лутфий асарлари қўлёзмаларининг каталоги. Тузувчи ф.ф.н. Э. Аҳмадхўжаев. Тошкент, 1987, 126 б.; Аҳмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий. «Фан», Тошкент, 1991, 68 бет; Аҳмадхўжаев Э. Туркий назмнинг сеҳргари. «Фан», Тошкент, 1992, 96 б.

³ Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. II-жилд. Абдулла Қодирий номидаги ХМН, Тошкент, 2002, 84-173 бетлар.

Монеи наззорадур кўзга юзунгнунг партави,
Эй мени бу важҳ ила ҳасратга чандон ўртагон.

Ғазал етти байтли бўлиб, унинг охирги тўрт байти ошиқонадир. Шоир девонидан жой олган бир қатор ғазаллар сўфиёна – ҳамд, наът, орифона мушоҳадалар руҳидаги байтлар билан бошланиб, охирига қадар шундай давом этмайди, балки кейинги байтлар инсон қиёфаси мадҳидан иборат бўлади. Шоирнинг «Эй ҳусн ичинда мазҳари сунъи оллоҳсен», «Ўғонки қудрат ичинда камол кўргузди», «Эй яноқинг воҳидият боғининг хумро гули» мисралари билан бошланувчи ғазаллари шулар жумласига киради.

Лутфийнинг наът руҳидаги бир ғазали эътиборни тортади. Унда Ҳақ таоло ўз қудрати, ҳикмати ва санъатини намойиш этиш учун ишқ билан комил инсонни яратгани, шу «гавҳари яқдона» сабабидан оламлар, ғайб ва шаҳодатни ҳувайдо этганлиги ифода этилади. Ғазал шундай бошланади:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгутек қилди сени ўзини пайдо қилғали.
Қошу кўзунгдин қаро кўргузди билдирмай ўзин,
Фитнани ул бошлади оламини яғмо қилғали.
«Кофу нун» нақши йўқ эрди, андаким ушшоқ учун
Ишқ ила ҳуснунг бирикти шўру ғавғо қилғали.
Гавҳари яқдона қилди зоти баҳриндин сени,
Аҳли диллар кўзини ҳасратда дарё қилғали.
Оғзингу юзунг сабаб бўлди азал наққошина,
Олами ғайбу шаҳодатни ҳувайдо қилғали.

...

Ғазал охирига қадар шу руҳда давом этади. Мақтаъ ҳам «жаҳон султонлари бир кўз қарашингга эришолмайдилар-у, «Лутфий қул кимдур висолингни таманно қилғали?» мазмунидаги фикрлар билан ниҳоя топади. Бугунги кунда шоирнинг фанга маълум бўлган ижодий мероси билан унинг фалсафий-ирфоний, тасаввуфий ақидалари, мушоҳадалари хусусида кенгрок ва чуқуррок фикр юритиш мушкул. Бу, албатта, лутфийшунослик олдида турган катта вазифалардан биридир. Аммо, шу нарса аниқки, Мавлоно Лутфий нафақат ширинкалом шоир, балки Хуросон адабий-илмий муҳитининг эътиборли вакили – олим ҳам эди. Чунки, у катта шуҳрат эгаси сифатида иштирок этган давр аристократиясининг ёрқин намояндалари Саййид Ҳасан Ардашер, Махдуми Нуран – Мавлоно

Нуриддин Абдурахмон Жомий, Навоийнинг отаси Ғиёсуддин Баҳодир хонадонларидаги йиғилишлар нафақат шеърят мажлислари, балки илмий-ирфоний, маърифий мавзудаги суҳбатлар давралари ҳам эди. Шунинг таъсири ўлароқ беш ёшли Алишер Навоий Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонига рағбат кўрсатди. Шоир шеърларидан бирида унинг ҳаж сафарини орзу қилганлиги ҳақида ишора бор. Маълумки, Маккаи мукаррамага етиб бориш учун Ироқ орқали ўтиб, Ҳижозга тушилади. Шоир «қаро черик билан кўнгли вилоятини» бузганликларидан шикоят қилар экан, Ҳиротдаги муштарийларидан ранжиб, Ҳижоз сафарини ихтиёр қилади:

Лутфий, Ҳирийда қолмади шеърингга муштарий,
Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.

Яна бир ғазалида Лутфийнинг Туркистонга ҳам борганлигига ишора бор. Аммо, бу ердан ҳам шоир Ироқ йўлини ният қилади. Ироқ эса ҳаж йўлидаги бир манзил:

Солди Туркистон элига Лутфийни кофур кўзинг,
Не мажоли борки, қилғай рост оҳанги Ироқ.

Охирги мисрада шашмақом куйларининг бири маъносида ийҳом ҳам қилинган.

Хуллас, «Ўз ижодини инсон ҳаётидаги барча олийжаноб хислат ва фазилатларни жўшқин қалб рубоби билан куйлашга бағишлаган, ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларидаги асарлари билан ўқувчилар қалбидан ўчмас жой олган талантли шоир (Лутфий) нинг номи бизнинг замонамизда зўр ҳурмат ва эҳтиром билан ўралган».¹ Аммо, фан – адабиётшунослигимиз бу билан кифояланиб қола олмайди. Лутфийшунослик ўз олдига бир қатор масалаларни қўйган ва уларнинг ечимини кутмоқда. Булардан бири – Мавлоно Лутфийнинг туғилган ва вафот йилларига аниқлик киритиш масаласи. Бу хусусда Лутфий ижодига доир охирги тадқиқотлардан бирида Б. Валихўжаев ўзининг аниқ далилланган мулоҳазаларини баён этади. Яъни, «... ҳозирги кунда мавлоно Лутфийнинг таваллуд ва вафот йиллари қуйидагича тахмин қилинади:

1. 1395-1492 – Абдуллоҳ Кобулий ва Исмоил Ҳикмат
2. 1366-1465 – С. Эркинов, Э. Аҳмадхўжаев

¹ Эркинов С. Лутфий. Тошкент, 1965. 88-б.

3.1385/86-1482/83 – Б. Валихўжаев.»¹

Мавлоно Лутфий ҳаётини ўрганиш давом этар экан, буларнинг бири ҳақиқий деб исботланиши лозим.

Иккинчи асосий вазифа Мавлоно Лутфий форсий ва туркий тиллардаги лирик ва эпик («Зафарнома» таржимаси мисолида) ижодий меросини имкон қадар тўлдиришдан иборат.

Нихоят, Маликул калом Мавлоно Лутфийнинг буюк ишқ, куйук кўнгил ва булбулдек бийрон тил билан яратилган шеърятни уммонига тобора чуқурроқ кириб бормоқ зарурати ҳам бордир:

Бир кун ул ҳусн элининг султони солғай деб кулоқ,
Ишқ Лутфийнинг сўзини дурри макнун айлади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1.Малик ул-калом мавлоно Лутфий шеърятни XV аср I-ярмида ижод қилган шоирлар ижодидан қандай фарқ қилади?

2.Мавлоно Лутфий шеърятининг ғоявий мазмуни ва моҳияти ҳақида ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

3.Мавлоно Лутфий эпик мероси ҳақида қандай фикр билдира оласиз?

Зарурий адабиётлар:

1.Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, XX томлик. XVII-т. Тошкент: Фан, 2002.

2.Аҳмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий. Тошкент: Фан, 1991.

3.Аҳмадхўжаев Э. Туркий назмнинг сеҳргари. Тошкент: Фан, 1992.

4.Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.

5.Шарипов Ш. “Алишер Навоийнинг “лусан ут тайр достони генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари” Тошкент, 1982.

6.Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент, 1987.

7.Лутфий асарлари кўлёзмаларининг каиалогии. Тузувчи: ф.ф.н. Э. Аҳмадхўжаев. Тошкент, 1987.

¹ Валихўжаев Б. Кўрсатилган асар, 92-б.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКЛАРИГА ДОИР

Таянч сўз ва иборалар: *мутафаккир алломалар, ижодий ҳамкорлик, Ҳирот, Самарқанд, тасаввуф ва шеърят, учрашув, сафарлар, темурийлар ренессанси.*

Ўрта асрлар Марказий Осиё миллий юксалишининг икки йирик даҳоси Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг катта маданий, адабий жараён шаклланишидаги фаолиятлари, илмий-адабий ҳамкорликлари ҳақида сўз борганда киши кўз ўнгида олий инсоний фазилатлардан бўлмиш вафо ва садоқат тимсоллари намоён бўлади. Ўз даврининг етук сиёсатдонлари, мутафаккир алломалари, файласуф донишмандлари ва дилбар шоирлари бўлмиш бу икки беназир инсонни улардаги юксак салоҳият бирлаштириб турар эди. Қаламлари қудрати сири ҳам улар қалбларидаги маърифат зиёси, ғоят гўзал ички маданиятлари билан боғлиқ эди. Уларни бир-бирига тортиб турувчи куч нафақат адабий ҳамкорлик, балки комил ихлос, покликка садоқат, инсонга нисбатан меҳр-шафқат, нафосатга муҳаббат ва назокатли табиат эди.

Жомий ва Навоий дўстликлари, илмий-адабий ҳамкорликлари ҳақида бугунга қадар анча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий» деб номланган илмий тўплам¹, тожик олимлари Абдулғани Мирзоевнинг «Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий» китоби², Аълохон Афсаҳзоднинг Жомий ижодига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлари, Е.Э.Бертельснинг «Навои и Джами»³, А.Қаюмовнинг «Назм ва тафаккур қуёши»⁴, Р.Воҳидовнинг «Маънавият оламининг порлоқ қуёши»⁵ китоблари, самарқандлик олимлар Б.Валихўжаев ва М.Муҳиддиновларнинг бир қатор илмий мақолаларида бу икки йирик олим орасидаги яқин муносабат, ҳақиқий дўстлик ва ҳамкорликка оид муҳим маълумотлар берилиши билан бирга, Мавлоно Жомий ҳаёти, илмий ва адабий фаолиятининг муҳим қирралари ёритиб берилди.

¹ Жомий ва Навоий. Тош. «Фан», 1996.

² Абдулғани Мирзоев. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий. Душанбе, «Ирфон», 1968.

³ Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Москва, «Наука», 1965.

⁴ Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. Тош. «Фан», 1992.

⁵ Воҳидов Р. Маънавият оламининг порлоқ қуёши. Бухоро, 2004.

XX аср навоийшунослиги ва жомийшунослиги барча даврлар бу соҳадаги илмий тараққиётида ўзининг анча мукаммал даражага етган услуби ва сермахсуллиги билан ажралиб туради. Алишер Навоий илмий-адабий меросининг асосий масалалари шу даврда чуқур ўрганилиб, нашр ишлари амалга оширилди. Ҳозирги даврда бу соҳада кам эътибор қаратилган мавзулар, айрим хусусий илмий муаммолар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жомий ижодий мероси тадқиқотлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий Хуросон илмий-адабий муҳити, маданий ҳаётида бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турувчи, ҳамфикр, ҳамақида, ҳамкор зотлар эдилар. Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро таклифи билан Самарқанддан Ҳиротга келиши ҳамоно давлатнинг масъулиятли лавозимларидан бирини эгаллайди. У ҳам давлат арбоби сифатида, ҳам ўз даври адабиёти, санъати, маданий ҳаёти равнақи учун жон куйдурувчи шахс сифатида фаолият олиб бориши учун бирор илму адабда камолот касб этган, маслаҳатгўй кишига эҳтиёж сезади. Ҳиротда бундай вазифани бажара оладиган ягона шахс Абдурахмон Жомий эди.

Жомий эса Алишер Навоийни ва унинг бош вазир сифатида олиб борган фаолиятини Юсуф пайғамбар фаолияти билан тенглаштиради. Феодал зулмининг олдини олиш ва адолат ўрнатиш, бунда мамлакатни бошқаришдаги бош вазирнинг роли «Ҳафт авранг»да асосий масала қилиб қўйилган эди.

Подшоҳ – Фиръавн Юсуфни Зулайҳонинг куёви Азизи Миср ўрнига бош вазир этиб тайинлайди. Мамлакатнинг 14 йиллик ихтиёрини унга топширади. Ўзи эса Юсуфга ҳалақит бермаслик учун шу муддатга мамлакат ишларидан четлашади.

Юсуф ақл ва тадбир билан ғаллани эҳтиёжга қараб одилona тарқатади.

Таниқли тожик олими Абдулғани Мирзоев ўзининг «Тасвири Навоий дар «Юсуф ва Зулайҳо»и Чомӣ» номли мақоласида шундай деб ёзади: «Агар Юсуф ҳамчун Азизи Миср, яъни сарвазири донишманд дар натижаи хирадмандона идора қардани мамлакат халқро дар муддати ҳафт соли қаҳтӣ аз гуруснагӣ ва талаф шудан нажот дода бошад, Алишер Навоӣ ҳамчун вазири донишманди асри XV барои нигоҳдоштани иқтидори ҳукумати марказӣ бо тамоми ҳастии худ мубориза бурд ва ба ин восита оромии мамлакатро то ҳадди имкон таъмин намуда, барои тараққии илм, адабиёт, санъат ва

дигар соҳаҳои дониш заминаи мувофиқро ба вужуд овард»¹. (Таржимаси: Агар Юсуф Миср Азизи бўлиб, яъни донишманд бош вазир сифатида мамлакатни оқилона идора қилиши натижасида халққа етти йиллик қаҳатчиликда очлик ва талафотдан нажот берган бўлса, Алишер Навоӣ ҳам XV асрнинг донишманд вазири сифатида марказӣ ҳукумат қудратини таъминлаб турди ва шу восита билан мамлакат осойишталигини то имкони борича сақлаб турди, илм, адабиёт, санъат ва ӛ. соҳаларнинг тараққийси учун мувофиқ бир замин вужудга келтирди).

Ҳақиқатан ҳам ўз даврида тадбиркор вазир «Навоӣнинг буюк маданият арбоби, шеърӣят ва санъат ҳомийси сифатидаги шухрати яқин шарқ ўлкаларида афсонавий бир тус олган»².

Бинобарин, «Юсуф ва Зулайҳо»да Алишер Навоӣ ҳақида Жомӣӣ ёзади:

Муборак бар шаҳу аркони давлат,
Ғазанфарҳайбатони шерсавлат!
Ба тахсис он жавонмарде к-ш аз дер,
Насаб чун ном бошад шер бар шер.
Яке дар аз дижи даврон кананда,
Яке сарпанжа бо гўрон зананда.
Ба расми таъмия з-он бурдамаш ном,
Ки монад дур аз он андешаи ом.
Ва гар не, кай тавон з-он фаҳми даррок,
Ба сад ҳуққа нахуфт ин гавҳари пок.
Кунад дар шеър табъаш мўшикофӣ,
В-аз он мў нўги килкаш шаър бофӣ.
Ниҳад з-ин шаъри мушкин доми дилҳо
Дихад аз шеъри ширин коми дилҳо...
Вале, дар боргоҳи одамият,
Чуз ў кам ёфт роҳи махрамият...

Бу шеърӣй парча Юсуф образида Жомӣӣ Навоӣӣни кўзда тутган, деган фикрни қувватлайди.

«Абдурахмони Жомӣӣ... агар фаолияти дар идора кардани мамлакат аз худ нишон додаи Юсуф шакли як навъи кордорӣи вазири донишмандро дар назар дошта бошад, бо эҳтимоли қавӣ ҳамин тариқа ҳам ҳаст, пас бидуни ҳеч як шубҳа ў аз ин дар мартабаи аввал симои Алишер Навоӣро дар назар дошта будааст. Зеро агар чунин намебуд,

¹ Мирзоев А. Тасвири Навоӣ дар «Юсуф ва Зулайҳо»и Чомӣӣ.// «Садо Шарк», 1971, №5, с. 140, Душанбе.

² Ҳ. Арасли. Аҳдий Бағдодӣӣ Навоӣӣ ҳақида.// ЎТА, 1977, №4, 43-ӛ.

шоири бузург маснавии худро бо чунин мадҳ ва фахрияи баланд ба охир намерасонид».¹ (Таржимаси: Абдурахмон Жомий агар мамлакатни идора қилиш фаолиятида ўзидан Юсуфдек бир донишманд вазир нишонини кўрсатган кишини назарда тутган бўлса, юксак эҳтимол шу тариқаки, бунга ҳеч бир шубҳа ҳам йўқ, у, энг аввалги мартабада Алишер Навоий сиймосини назарда тутган. Зеро, агар бундай бўлмаганда, буюк шоир ўз маснавийсини бу қадар баланд мадҳ ва фахрия билан охирига еткизмас эди.

Жомий Навоийни ҳам зоҳиран, ҳам ақлу камол ила ботинан Юсуф пайғамбарга қиёс қилса, Алишер Навоий устози Жомийни илм ва кашфу каромат ила мукаррам бўлган зот – Хизр алайҳиссаломга ўхшатади. Шоир «Ҳайрат ул-аброр» достонида устози таърифида шундай ёзади:

Зулмат этиб, жамъ давоти анинг,
Маъни ўлуб оби ҳаёти анинг.

Қатрасидин кимки бўлуб комёб,
Умри муаббад қилибон иктисоб,

Назми ақолими жаҳонни тутуб,
Насри дағи кишвари жонни тутуб,

Файзи гадову шаҳ аро мунташир,
Хизматиға шоҳу гадо муфтахир...²

Алишер Навоий донишмандона сиёсат юргизиб, юрт равнақини таъминлаб, Абдурахмон Жомий нақшбандия каби умрбоқий таълимот билан гўзал хулқларни камолга етказиб фаолият олиб борар эканлар, бир-бирларини пайғамбарларга қиёс қилиб, ўзларининг даврдаги мавқеъ-мартабаларига ғоятда тўғри баҳо берганлар.

Бу икки мутафаккир дунёқарашларининг яна бир умумий нуқтаси борки, у ҳам бўлса ёшликларидан тақдирлари боғланган шаҳар – Самарқандга бўлган умумий муҳаббатдир. Абдурахмон Жомий бу шаҳар таърифида шундай деган:

Агар бойликни кўрмоқчи бўлсанг Ҳиндистонга бор,
Агар покизаликни кўрмоқчи бўлсанг Маккага бор,
Агар иккаласини ҳам топмоқчи бўлсанг Самарқандда қол.
Алишер Навоий эса бу шаҳарни қиблаи муборакка ташбеҳ берган:

¹ Мирзоев А. Тасвири Навоий дар «Юсуф ва Зулайҳа»и Чомӣ.// «Садо Шарқ», 1971, №5, с. 140, Душанбе. 140-б.

² Алишер Навоӣ. МАТ. 20 томлик. VII–т. Тош.: «Фан», 1991, 53-б.

Самарқанд сайқали рӯи заминдур,
У меҳрим қибласи – жонга яқиндур.

Бу икки дилбар шахснинг танишувлари санаси ҳақида фанда аниқ маълумот учрамайди¹. А.Мирзаев «Хамсат ул-муттаҳаййирин»даги баъзи ишораларга кўра, бу ходиса Султон Абусаид Мирзо ҳукмронлиги даврида (1451-1469) Ҳиротда содир бўлган, дейди². Самарқандлик олим Б.Валихўжаев эса Жомий ва Навоийнинг танишувлари айнан Самарқанд сафарларида юз берган бўлиши мумкин, деган мулоҳазани баён этади³. Олимнинг таъкидлашича, Абдурахмон Жомий тўрт марта Самарқандда бўлган. У биринчи марта Мирзо Улуғбек даврида, яъни 1436 йилда бу шаҳарга келади.

Ёш Жомий Улуғбек мадрасасининг талабаси сифатида ўқишни давом эттириб, замонанинг машҳур олимлари Қозизода Румийдан, Улуғбекнинг ўзидан дарслар тинглаган. Ана шу вақтда у Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийдан ҳам таълим олган. Маълумки, Навоий ҳам 1465-69 йилларда Самарқандда яшаган, бу ернинг йирик уламолари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Вали, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлардан таълим олган, уларнинг «фарзандим», деган илтифотларига сазовор бўлган. Навоий ҳам, Жомий ҳам 1469 йилдан эътиборан Ҳиротда муқим бўлганлар. Б.Валихўжаевнинг уларнинг учрашувлари мадрасада таълим олган йилларида ёки ўша пайтда кўп серкатнов бўлмаган карвон йўлларида содир бўлган бўлиши мумкин, деган хулосаси мантиқан ҳақиқатга яқиндир. Е.Э.Бертельс шоирлар учрашуви 1469 йилдан кейин Ҳиротда содир бўлган, деган фикрини шундай мантикий асослайди: «Трудно думать, что такой знаток и любитель поэзии, как Навои, мог долго жить в Герате, не стремясь лично познакомиться с его знаменитейшим поэтом».⁴ (Таржимаси: Навоийдек шеърят билимдони ва ошиғи Ҳиротда узоқ йиллар яшар экан, бу шаҳарнинг энг машҳур шоири билан шахсан танишишга интилмаганлигига ишониш қийин). Худди шунингдек, бир муршиди комил билан учрашган (Хожа Аҳрори Вали), бир устоз таълимини олган (Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий) икки ҳиротлик мусофир йигит Самарқандда бир-бирларини танимасликлари мумкин эмас эди.

Масаланинг бундан ҳам муҳимроқ бир жиҳати бор. Самарқанд келажакда буюк мутафаккирлар бўлиб таниладиган икки ёш толиби илмнинг эътиқодлари камолга етган, фалсафий кизиқишларига жавоб

¹ Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Москва, «Наука», 1965. с 225.

² Мирзаев А. Кўрсатилган китоб, 8-б.

³ Валихўжаев Б. Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари. Мулоқот. 1991. 2-сон. 23-31-бетлар.

⁴ Е.Э.Бертельс. Навои. М.-Л, 1948. 148.

топилиб, тасаввуфий дунёқарашлари муқим шаклланган шахардир. Улар бу ерга толиби илмлар сифатида келдилар, сафар ниҳоясида эса бирлари йирик сўфий (Жомий), бирлари эса мутасаввиф (Навоий) сифатида Ҳиротга қайтдилар.

Бу ўринда яна шундай савол туғилиши табиий: нега Абдурахмон Жомий Самарқанд сафарлари давридаёқ бир муршидга қўл бериб, ўзига пир танлади, Навоий эса бу ҳодисани анча кечиктириб, Ҳиротга қайтгач, 1476 йилда амалга оширди? Ахир у Самарқандга ўзининг эътирофига кўра муршидталаб бўлиб келган (машҳур маснавийни эсланг), бу ерда муршиди офоқ Хожа Аҳрори Вали суҳбати ва илтифотига мушарраф бўлган эмас эдими?!

Нега Навоий Хожа Аҳрори Валига қўл бермади?

Бунинг сабаби, фикримизча, қуйидагилар бўлиши мумкин: биринчидан, Жомий Навоийдан 27 ёш катта эди. У Самарқанд сафарида юрган йилларида 40 ёшлар атрофидаги диний-фалсафий дунёқарашини тўла шакллантирган, кўпгина зоҳирий ва ботиний илмлардан хабардор шахс эди. Бошқача айтганда, Жомий тариқат йўлига кириш учун ҳам ақлан, ҳам соҳиби илмлик нуқтаи назаридан анча етилган эди. Иккинчидан, нақшбандия тариқатининг йирик шайхларидан бири, кейинчалик Жомийнинг қайнотаси бўлган Шайх Саъдуддин Қошғарий ҳар доим у билан бирга эди. Шунинг учун Абдурахмон Жомий ортиқ кечиктиришни лозим кўрмай шайх Саъдуддин Қошғарийга қўл бериб, тариқатга киради.

Алишер Навоий эса Самарқандга келганда 24-25 ёшли йигит эди. У бу даврда бутун Хуросонга танилган машҳур шоир бўлишига қарамай, ҳали тариқатга киришга тайёр эмас эди. Навоийнинг Самарқандда кечирган ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганган олим академик В.Абдуллаев шоирнинг бу ерда фалсафа, тарих, астрономия, математика, географияни яхши ўрганганлиги, Ибн Сино, Форобий, Абул Фазл Муҳаммад Самарқандий, Макдисий, Ёқут Ҳамавий, Ибн Хавқал, Наршахий, Шамсиддин Самарқандий (XIII) кабиларнинг поэтика, фалсафа, тарих, география, астрономия ва риёзиётга оид бўлган китобларини ҳамда Улуғбек, Низомий Арузий Самарқандий, Юсуф Саккокий Хоразмий, Саъдиддин Тафтазоний, Қозизода Румий, Али Қушчи Самарқандийнинг асарларини ўқиганлигини таъкидлаб ўтади.¹

Маълум бўлаётганидек, Навоий Самарқандда кечирган 4-5 йиллик ҳаёти давомида асосан аниқ ва табиий фанларни ўрганишга зўр

¹ Абдуллаев В. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Тош. «Фан», 2002. 40-49-бет.

иштиёқ кўрсатади. Илми ирфонни эса кейинчалик, Ҳиротга қайтгач, Ҳазрат Жомий билан узлуксиз суҳбатларда, яқин алоқада бўлиб такомилга етказди. Шоир Самарқанд сафаридан кўзлаган мақсадига эришади. У ўз даврининг йирик диний раҳнамози Ҳожа Аҳрори Вали билан учрашди, аммо авлиё даргоҳида муқим бўлиб қола олмади. Чунки, илми ҳолга кириш учун аввало илми қолни (зохирий билимларни) такомилга етказиш зарур эди. Бунинг учун бу даврда Самарқандда имконият ниҳоятда кенг эди.

Шоир 1469 йилда Ҳиротга қайтиб, Жомий билан ниҳоятда яқин алоқада бўлди, унинг маърифий суҳбатларидан баҳраманд бўлди ва етти йил давомида ўзининг тасаввуфий дунёқарашини камолот даражасига етказгач, 1476 йилда тариқатга расман кирди. Икки юксак салоҳият, ўткир тафаккур ва ўта нозик маданият соҳиблари бўлмиш бу назокатли шахсларни илми ирфондан бўлак нарсани қониқтира олмас эди. Жомий ва Навоий дўстлиги ва ҳамкорлигининг асосий пойдевори ҳам фақат шеърят, адабиёт эмас, балки тариқат эканлиги аён бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Жомий ва Навоий курраи замин тарихида ёрқин ҳодиса бўлиб қолган темурийлар даври миллий юксалишининг бетимсол йўлчи юлдузлари эдилар. Бу юлдузлар шўълаларининг бирлашиб, сомон йўли ҳосил қилишида жаннатмисол Самарқанднинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Самарқанд тарихи учун шу даврда Жомий ва Навоий ниҳоятда керак эдилар, улар учун ҳам Самарқанд сафарлари катта ҳаётий эҳтиёж эди. Улар ўз ташрифлари билан Самарқанд тарихини юксалтирдилар, Самарқанд эса икки буюк даҳонинг юзага келиши учун ҳозирланган ўзига хос замин эди. XVIII асрда ўтган Никола – Себастьян де Шамфор номли француз файласуфи шундай сўзларни ёзиб қолдирган экан: «Адабиётда ҳам худди сиёсатдагидай ўз вақтида туғилган, яъни муайян замин ҳозирланган пайтда пайдо бўлган кишигина буюк бўлиши ёки жуда бўлмаганда чинакам ижодий инқилоб қилиши мумкин». Ҳақиқатан ҳам, темурийлар ренессанси учун зарур бўлган пайтда туғилган Жомий ва Навоий даҳоларини – илоҳий тарихий тақдир, улар орасидаги самимий дўстлик ва ҳамкорликни эса давр адабий муҳити учун мисли кўрилмаган ижобий ҳодиса деб баҳоласа бўлади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги ва ҳамкорлигининг асосий ғоявий сарриштаси нимадан иборат эди?
2. Навоий Жомийнинг қайси асаридан илҳомланиб янги асарлар яратган?
3. Навоий нега Жомий хузурида нақшбандия тариқатига расман кирди?

Зарурий адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. XX томлик. VII-том. Тошкент: Фан, 1991.
2. Абдуллаев В. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Тошкент: Фан, 2002. 40-49-б.
3. Мирзоев А. Тасвири Навоий дар «Юсуф ва Зулайҳо»и Чомӣ.// «Садои Шарқ», 1971, №5, с. 140, Душанбе.
4. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Москва, «Наука», 1965.
5. Валихўжаев Б. Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари. Мулоқот. 1991. 2-сон. 23-31-бетлар.
6. Воҳидов Р. Маънавият оламининг порлоқ қуёши. Бухоро, 2004.
7. Жомий ва Навоий. Тошкент: Фан, 1996.
8. Қайюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. Тошкент: Фан, 1992.

АЛИШЕРНИНГ ЁШЛИГИ ҒАРОЙИБОТЛАРИ

Таянч иборалар: *шоир аждодлари, арбоб, Хуросон, амир, жалойир уруғи, Маиҳад, воқеабанд газал, Абулқосим Бобур.*

Низомиддин Амир Алишер Навоий ҳазратларининг ёшлик айёмидаги ҳаётлари ҳақида кўп тарихий ва илмий асарларда қисқа-қисқа маълумотлар учрайди. Шоирнинг 20 ёшларидан кейинги ҳаёти тафсилотлари тарихий манбаларда анча муфассал ёритилган.

Навоийнинг ёшлик йиллари ҳақида сўз борганда, унинг темурийлар оилалари билан яқинлиги айтиб ўтилади. Уни темурий шаҳзодалардан Ҳусайн Бойқаро Мирзо билан кўкалтош эканлиги, яъни, бир энаганинг тарбиясини олганлигини Хондамир ўзининг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида таъкидлайди. Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарида эса Амир Алишер – бобоси соҳибқирон Амир Темурнинг – ўғли Умаршайх Мирзо билан кўкалтош бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Бундан кўринадики, Алишер Навоийнинг – бобоси бўлмиш Ғиёсуддин Баҳодирнинг отаси Амир Темур саройида шаҳзодалар билан бирга бир онанинг тарбиясида вояга етган. Уларга Ғиёсуддин Баҳодирнинг катта онаси – бувиси кўкрак сути билан боқувчи энага бўлган бўлиши мумкин. Чунки, шаҳаншоҳ ўзининг шавкатли кунларда дунёга келган ўғлини кўкрак сути бериб боқиш учун энг покиза, тақводор, соғлом ва эътиборли оилалардан бирининг – Навоий аждодлари хонадонининг янги фарзанд кўрган бекасини саройга таклиф қилган. Шунга кўра, Ғиёсуддин Баҳодурнинг отаси ва Умаршайх Мирзо ёшлари қарийб тенг бўлган.

Оилавий анъаналарга кўра, шоирнинг отаси Ғиёсуддин Баҳодур ҳам темурий шаҳзодалардан бири билан кўкалтош бўлган бўлиши мумкин. У Шохруҳ Мирзонинг эътиборли мулозимларидан бўлиб, шу подшоҳ томонидан Сабзавор ҳокими этиб тайинланган. Кичкина Алишер туғилганиданок шоҳ саройида тарбияланишидан у ҳам келажакда шу салтанат соҳибларининг ишончли, садоқатли кишиларидан бири сифатида давлат тинчлиги ва равнақи учун жон куйдирувчи арбоб бўлиб етишиши кўзда тутилган эди. Темурийларнинг бу орзу-умиди тарихдан маълумки, аъло даражада рўёбга чиқди.

Тарихий манбалардан шоирнинг расман давлат хизматига кириши 1469 милодий, яъни Султон Ҳусайн Мирзо Хуросон тахтига чиқиш

йили, деб кўрсатилади. Шу йили Навоий Сарой муҳрдори лавозимига тайинланади ва унга катта имтиёз, мартаба, мулк берилади.

Шоир болалик йилларида Ҳиротда, кейин Машҳадда, кейин яна Самарқандга кетгунга қадар Ҳиротда яшаган даврларида бирор масъулиятли давлат хизматини бажармаган. У бу даврда Хуросонда машҳур шоир бўлиб етишган. Аммо, Абусаид Мирзо саройида ўз қобилияти ва куч-қудратига муносиб бирор вазифани бажаришни умид қилган. Афсуски, шоир маълум муддатга Ҳиротни ташлаб кетишга мажбур бўлади ва ёш йигит орзу-умидлари Самарқандда рўёбга чиқади.

Бухоро амири Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминхон ўзининг – «Том ут-таворих» («Тарихларнинг тугали») асарида Навоийга махсус боб бағишлайди. Унинг берган маълумотига кўра, Алишер Навоий Самарқандда Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими эди, «Чигатой амири» деган мансабга эга эди. Бу ҳақда «Мажолис ун-нафоис»ни форс тилига ўгирган таржимон Султон Муҳаммад Фаҳрий Ҳиротий ҳам шундай маълумот беради: «Дарҳол Ҳусайн Мирзо бир кишини юбориб, Султон Аҳмад Мирзодан Навоийни талаб қилди». Демак, шоир «амир» даражасига Самарқандда кўтарилган.

Шоирнинг онаси ҳақида ҳам баъзи тафсилотларни аниқлаш мумкин. Ўз фарзанди қаторида Султон Ҳусайн Бойқародек шаҳаншоҳни бағрига босиб катта қилган бу мўътабар аёл афғонистонлик амирлардан Абу Саид Чангнинг қизи бўлган. У туркий – жалойир уруғига мансуб бўлган. Буни шоир вафоти билан боғлиқ бир маълумот тасдиқлайди. Навоий китобдорларидан бири Мавлоно Али Бурҳоний шундай дейди: Навоий подшоҳни кутиб олишдан олдин бир шеър ёзган экан. У китобдорни ярим кеча чақириб, «кўчир», деб буйруқ беради. Кўчирилган уч байтдан иборат шеърни бир йигит орқали подшоҳга жўнатади:

Не кўзум ёрой ул оразни манзур айламак,
Не тилим ҳадди онинг отини мазкур айламак.
Яъни ул кўнглумда, бал жонимда дард ўти эрур,
Кўз била тилни анинг ишида маъзур айламак.
Эй Навоий, қил фидо жонғаким жон, лоф эрур –
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак.

Навоий шоҳ билан Работи Шоҳмалик яқинидаги Хожа Аббос деган жойда Ҳиротдан 11 тош узоқда, Астробод йўлида учрашади. У шу учрашувдан сўнг пайғамбар ёши саналмиш 63 ёшида сакта касали билан вафот этади. Навоийнинг дафн маросимини шоирнинг тоғаси Ҳасан Али Жалойир бошқарган. Шоирнинг жасади ўзи қурдирган

Масжиди Жомеъ бурчагидаги макбарага қўйилади. Демак, шоир она томонидан жалойир уруғига мансуб экан.¹

Шоир онасининг шахсияти ҳақида бирор манбада аниқ маълумот учрамайди. Ҳатто, бу мўътабар аёл исми ҳам номаълум. Бу борада илмий фаразларгина мавжуд. Шоирнинг онаси қачон вафот этганлигини ҳам биз билмаймиз. «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги бир кичик маълумот ўспирин Алишер подшоҳ Абулқосим Бобур Мирзо билан янги пойтахт Машҳадга кетгунига қадар онаси ҳаёт бўлганлигидан далолат беради. Навоий бу асарда Мавлоно Лутфий билан бўлган мулоқотлари ҳақида гапириб, шундай ёзади: «Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳа ўқур эрди ва доим волида мулозаматиға, ризои хотириға тарғиб қилур эрди». Ушбу парчадан маълум бўлишича, Навоий Мавлоно Лутфий ҳузурига бориб юрган йилларида онаси ҳаёт бўлган, Лутфий унга онасини рози қилишни насихат қилган.

Алишер жуда кичиклигиданок фазилатли, улуғ кишилар даврасига интиланган. Тафт чўлларида машҳур Шарафиддин Али Яздий ўйнаб юрган болалардан бирини ёнига чорлаганда, биринчи бўлиб Алишер югуриб борган ва шайхдан дуо олган. Ҳиротга қайтгач эса табиатан илмталаб Алишер шаҳар аслзода зодагонлари хонадонларидаги шеърят мажлисларида иштирок этган. Лутфийшунос олим Э. Аҳмадхўжаев Алишернинг энг яқин дўсти, кейинчалик соҳибдевон шоир Шайхимбек Суҳайлий ҳақида шундай ёзади: «Лутфийнинг диққат-эътибори ва муҳаббатини жуда эрта қозонган ва унинг доимий дўстона муносабатига сазовор бўлган ёш Алишер Навоий қалби шеърятга муҳаббат билан тўлган ёш дўсти Суҳайлийни улуғ шоир билан таништирган бўлиши мумкин». Ушбу муаллифнинг фикрича, бу учрашув ва дўстлик муносабатларининг бошланиши Лутфийнинг 90 ёшларига, яъни 1456 йилларга тўғри келади. Бу даврда Суҳайлий 11-12 ёшларда, Навоий эса 14-15 ёшларда бўлган.

Ҳ. Зариповнинг «Навоий Лутфий билан танишуви балки Саййид Ҳасан Ардашер воситаси билан бўлгандир, чунки Саййид Ҳасан Ардашернинг уйида бўлган суҳбатларда Лутфий ғазаллари макталиб ўқилар эди», деб ёзади.

Худди шу йилларда бўлажак миллат қуёшига подшоҳ Абулқосим Бобур Мирзо эътибор беради ва уни давлат хизматиға тайёрлаб тарбиялаш учун ўзи билан бирга Машҳадга олиб кетади. Аммо, умри

¹ Қаранг: П. Равшанов. Тарих бадийати. Тошкент, 1989.

вафо қилмай Бобур тез орада вафот этади, Навоий эса Машҳаддан Ҳиротга машхур шоир сифатида қайтади.

* * *

Ёш Алишернинг Машҳадга кетгунга қадар бўлган ҳаётида юз берган бир ажойиб воқеа учқунлари бизгача етиб келган. Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов «Болаликнинг шеърӣ ихтиролари» номли мақоласида Алишер мактабга қатнаб юрган йилларида ўзи билан ҳамсабақ бўлган, ниҳоятда одобли, ойга ёки юлдузчага ўхшаган бир қизчани тоза муҳаббат билан севганлигини маълум қилади. Бунга шоирнинг «Қачон мактабда ул моҳи муаддаб» мисраси билан бошланувчи ғазалини мисол келтиради. Ғазал мазмунидан маълум бўлишича, ёш Алишер қизчани чақириб, учрашиш учун унинг муаллимига хат киритиб илтимос қилади:

Муаллим қуллуғига хат берурмен,
Ғар озод ўлса ул сарви шакарлаб.

Шу мазмундаги маълумот шоир форсий шеърӣати мажмуаси бўлмиш «Девони Фоний»даги «Дар баёни воқеъ» (Бўлган воқеа баёни) деб номланган ғазалида ҳам бор. Ғазал:

Сўйи гулшан рафтаму сарви хиромонам набуд,
Гиря зўр овард, к-он гулбарги хандонам набуд.,

деб бошланади. Маълум бўлишича, ёш Алишер ўзи севган қиз билан бир боғда (шубҳа йўқки, қизнинг боғида) учрашишга ваъда олган. Аммо, у боққа келганда уни «рақиблар» (балки қизнинг ака-укаларидир) кутиб олишган ва ўртада жанг бўлган. Бу пайтда ёмғир ёғиб турган эди, дейди шоир. Аммо, мен рақиб билан шундай олишдимки, ўша пайтда қотил қўриқчиларга ишқим сири аён бўлди ва менда жон ғами ҳам йўқ эди:

Бо нигоҳбонони қотил сирри ишқам шуд аён,
З-он ки аз бадҳоли он соат ғами чонам набуд,

дейди.

Ёш Алишер ҳаётининг Машҳадга боргунга қадар бўлган баъзи тафсилотлари, самимий, болаларча муҳаббати учқунлари ана шулардан иборат. Шоирнинг бетакрор севги қиссасининг кейинги давр тафсилотлари ўзбек адабиётшунос олимлари А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, И. Салоҳий каби олимлар тадқиқотларида анча батафсил ёритилган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шоир оиласи аъзоларининг шахсиятлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Навоий тақдирида ҳукмдор шахслар таъсири қандай бўлди?
3. Навоийнинг шахсий севги фожиаси тафсилотлари ҳақида нималар дея оласиз?

Зарурий адабиётлар:

1. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. II жилдлик, I-жилд. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.
2. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. Бухоро: «Бухоро», 1994.
3. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1973.
4. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Тошкент: Фан, 2003.
5. Қаюмов А. Алишер Навоий. Тошкент: «Камалак», 1991.

АЛИШЕР НАВОИЙ САМАРҚАНДНИНГ АЗИЗ ФАРЗАНДИ

Таянч иборалар: *Мовароуннаҳр, Самарқанд, Абуллайсийлар хонадони, таҳсил, расадхона, дўстлар, тазкира, газал, қимматбаҳо тошлар.*

Рубъи маскуннинг сайқали дея таърифланмиш азим шаҳар Самарқанд тарихимизда ўтган кўпгина мутафаккирлар тақдирида ёрқин из қолдирган. Қадимул айёмдан, милоддан аввалги VIII асрлардан буён бу муқаддас юртга қараб йўл олган илм ва маърифатталабларнинг, устоз ва муршидталабларнинг қадамлари тингани йўқ. Шеърят мулкининг соҳибқирони Амир Низомиддин Алишер Навоийни ҳам ҳаётининг энг масъулиятли даврларида шу шаҳар меҳр билан ўз бағрига олган эди. Бунинг натижаси сифатида эса Самарқанд бир умр шоир қалбида нодир инжудек таассурот қолдирди, дилбар инсонларнинг сиймоси эса ширин хотира бўлиб қолди.

Алишер Навоий Мовароуннаҳрнинг маркази бўлмиш Самарқандни жаннатларга тенглаштириб «Самарқанди фирдавсмонанд» деб атайди. Унинг тасавурида Самарқанд – жаннат, атрофидаги ариқлар ҳам жаннат ариқлари. Руди Кўҳак (Зарафшон дарёсининг) суви асал билан тенгдир. Бу сув беморни даволайди. Ундан бутун Самарқанд водийси баҳраманд бўладилар. Самарқанддаги Кўҳак (Чўпонота тепалиги) жаҳон хазинасининг тилсимотидир. Ундаги ҳатто «ушоқ тошлар» ҳам «лаълу инжу» билан тенгдир, ўт-ўланларнинг ям-яшил ранги мовий осмонни эслатади.

Ҳазрат Навоийнинг 24-25 ёшларида Самарқандга қилган сафарлари, бу ерда кечирган ҳаёти, бу сермашаққат, аммо фараҳли йилларнинг шоир кейинги ижодига таъсири масалалари самарқандлик олимлар томонидан анча муфассал тадқиқ этилган. Ўтган асрнинг ўрталарида академик Воҳид Абдуллаев улуғ шоиримизнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида фундаментал тадқиқот яратди. Бу тадқиқот бугунги кунга қадар ҳам ўзининг юксак илмий қимматини йўқотгани йўқ. Унинг навоийшуносликдаги аҳамияти шундан иборатки, буюк шоир ҳаёти даврларининг Машҳад, Ҳирот (Самарқандга келгунга қадар), Астробод тафсилотлари муфассал ёритилмаган. Фанимиз бу соҳада умумий маълумотлар билан кифояланмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор, албатта. Навоий Машҳадда жуда ёшлик даврларида бўлган. Унинг бу ердаги фаолияти асосан ўқиш-

ўрганишдан иборат бўлиб, қуршаган адабий-маърифий муҳит ҳақида ўз асарларида маълумотлар қолдирган. Астрободда эса шоир бори ўғи бир йил бўлган. Шунинг учун унинг бу давр ҳаёти тафсилотларини ёритишнинг мушкуллик жihatлари бор. Самарқандда эса шоир онгли ҳаётининг энг жўшқин даври кечди. У бу ерга машҳур шоир бўлиб келди. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Вафоий уни ўз мартабасига муносиб тарзда иззат-икром қилди, самарқандлик йирик олимлар унга дарс берганларида алоҳида эътибор билан муносабатда бўлдилар. Аммо энг муҳим ва жиддий масала борки, бу Самарқанднинг ҳазрат Навоийнинг Машҳадда шайх Камол Турбатий, Паҳлавон Муҳаммадлар воситасида шакллана бошлаган фалсафий-маърифий, диний-тасаввуфий қизиқишлари бир ўзанга тушишига йўл очган, бу соҳадаги дунёқараши шаклланишига имкон яратган шаҳарларидан бири эканлигидир. Академик Ботурхон Валихўжаевнинг илмий асосланган мантиқий хулосаларига кўра, ҳазрат Навоий Ҳиротдан чиқиб кетишни ният қилар эканлар, қайси шаҳарни танлаш ўзларининг ихтиёрларида эди. Ул зот Камоли Турбатийдек, Паҳлавон Муҳаммаддек дўсту ёрлари бор бўлган ер Машҳадни танлашлари ҳам мумкин эди. Бунинг устига, шоир Ҳиротдан кетишни ният қилган пайтлари отахонлари Саййид Ҳасан Ардашер ҳам Машҳадда эди. Аммо Навоий Самарқандни танлади. Чунки бу ерда ақли камолга етган, қаламининг шуҳрати кенг ёйилган ёш шоирни меҳригиё сингари ўзига тортиб турган янги илм – илми ирфон дарғаси, муршиди комил Ҳазрати Носуриддин Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Вали бор эдилар. Навоийнинг Самарқанддаги таҳсил йиллари, ул зотни қуршаган маънавий, адабий муҳит, шоир ва Абуллайсийлар хонадони, шоирнинг машғулотлари ва билим доираси, адабий фаолияти, унинг Ҳиротга қайтиши ва Самарқанд билан доимий муносабатда бўлиши, Навоийнинг самарқандлик издошлари каби мавзулар академик В. Абдуллаев илмий тадқиқоти ва «Навоий Самарқандда» деб номланган монографиясида кенг таҳлил этилган бўлса, кейинги йирик навоийшунос олим Б. Валихўжаев шоир фаолиятининг янги тафсилотларига аҳли илм эътиборини тортди. Олим Навоийнинг шайх Хожа Аҳрори Вали назарига тушиши, унинг илтифотларига мушарраф бўлиши, йирик фақих Хожа Файзуллоҳ Абулайс Самарқандий ва унинг оиласи билан муносабатлари, Самарқандда яратилган ёки бу шаҳар билан боғлиқ асарлари хусусида фикр юритади. У ўзигача яратилган тадқиқотларни тўлдиришга, янги илмий фактлар билан бойитишга интилар экан, шоирнинг нақшбандия тариқатига расман кириши ҳам Самарқанд

билан бевосита боғлиқ эди, деган фикрни ўртага ташлайди. Унинг кузатувларига кўра, шоир ўзининг пири, шайх Нуриддин Абдурахмон Жомий билан ҳам Самарқанд сафарида, карвон йўлларида учрашган эди. Олим Навоийнинг самарқандлик ёру биродарлари, энг қадрли ҳамсабоқ дўстлари билан муносабатларини ҳам назардан қочирмайди, Навоийнинг Самарқандда ёзилган

Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокрок,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок.

матлаъси билан бошланувчи ажойиб дилтортар ғазали ҳақида кизиқарли маълумотлар келтиради.

Шоирнинг зулқофиятайн санъати билан дарж этилган, ўткир фаҳм-фаросати билан «саромади замона» саналган дўсти Мирзобек хотирасига ёзиб тугатилган

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур

деб бошланувчи ғазали ҳам Самарқанддаги ижодиёти намуналаридан биридир. У дўсти қалами натижаси бўлган мазкур матлаъни унинг хотирасини абадийлаштириш учун тўлиқ ғазал ҳолига келтирганлиги ҳақида «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот беради.

Навоийнинг Самарқанддаги адабий-илмий фаолияти ҳали жуда кўп тадқиқотлар учун мавзу бўлиши мумкин. Навоийшунослик соҳасида изланишлар олиб борувчилар шоирнинг бу ерда аниқ ва табиий фанларни ўрганиш бўйича қилган сайъ-ҳаракатлари, кизиқишлари доираси ҳақида чуқурроқ фикр юритмоқлари, унинг мактуботи (ёзишмалари)даги Самарқанд билан боғлиқ тафсилотларга аниқлик киритишлари, Самарқанддаги қадамжолари харитаси хусусида ўйлаб кўрмоқлари лозим кўринади. Шоир шеъриятида осмон жисмлари, сайёралар билан боғлиқ чуқур илмий мулоҳазалар кўзга ташланади. Бу унинг Мирзо Улуғбек расадхонасида олган таълими самаралари эмасмикин? Шоир асарларида қимматбаҳо тошлар, жавоҳирлар ҳақида ҳам теран илмий тушунчалар, ташбеҳлар, бадий лавҳалар учрайди. Бу бевосита Навоийнинг бирор жавҳаршунос устози ҳам бўлгандир, деган тасаввур уйғотади.

Бу каби қатор саволларга жавоб топиш учун ҳали самарқандлик толиби илмлар ихлос билан жуда кўп изланишлар олиб боришлари лозим.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ижодиётидан нималарни биласиз?
2. Навоий Самарқандда қайси олимлар даргоҳида таҳсил олди?
3. Навоий фалсафий-сўфиёна дунёқараши шаклланишида Самарқанддаги ҳаёти қандай ўрин тутди?

Зарурий адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Тошкент: Фан, 2002.
2. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. - Тошкент: Бадиий адабиёт - 1968. - 136 б.
3. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари //Мулоқот.- 1991.- № 2. - Б.23-31.
4. Муҳиддинов М. Навоийнинг ишқ баёни//Саодат.- 1991.- № 3. - Б.8-9.
5. Мирзоев А. Алишер Навои ва Абдурахмони Чоми. – Душанбе: Ирфон,1968. - 64 с.
6. Равшанов П. ва б. Тарих бадиияти. – Тошкент: ФАН,1989. - 234 б.
7. Шукуров Н. Бу олам саҳнида... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. - 248 б.
8. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва самарқандлик шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1970.- № 6. - Б.24-28.

НАВОИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ-ТАСАВВУФИЙ ФИКРЛАРИ

Таянч иборалар: *ҳамд, наът, таълимот, адабий тафаккур, коинот сирлари, комил инсон, ҳақиқат, Ясриб, ошиқона, орифона, риндона.*

Шоир девонларидаги ҳамд ва наътлар, сўфийлик руҳида ёзилган шеърлар VIII асрлардаёқ Шарқда кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача давом этиб келаётган, лекин, ўзининг илмий таҳлили ва таърифини мукаммал топа олмаган сўфийлик фалсафасини ўрганиш нуқтаи назаридан, шунингдек, ҳазрат Алишер Навоийнинг бу фалсафий оқимга муносабатини белгилаш жиҳатидан ҳам ғоятда бой материал бўлиб хизмат қилади. Маълумки, Алишер Навоий Мавлоно Фаридуддин Аттор, Хожа Аҳмад Яссавий, адиб Аҳмад, шайх Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий адабий меросларидан чуқур баҳраманд бўлган шоирдир. У пирлари Баҳоваддин Нақшбанддан билвосита, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Нуриддин Абдурахмон Жомийлардан бевосита сўфийлик таълимоти ҳақида таълим олган шоирдир. Шунинг учун ҳам шоирнинг аксарият шеърларида ана шу таълимотнинг ўзак масалаларини тушунишга имкон берувчи байт ва парчалар кўплаб учрайди. Алишер Навоийнинг дунёқарашига кўра, адабий тафаккур инсоннинг катта жисмоний, руҳий меҳнатларнинг заҳматини чекиб, ўзини ҳар томонлама поклаб эришадиган башарий бойлигидир. Бу тафаккурга шу дунёнинг ўзида ҳам етишиш мумкин ва лозимдир. «Лисон ут-тайр»ни кўрайлик. Бутун заҳматларни бошдан кечириб, абадият, ҳақиқат излаб олий даргоҳга етиб борган ўттизта қуш тимсолида адолатли ва фаровон ҳаёт изловчилар ўзларини кўрадилар. Ёки «Садди Искандарий»даги ўзи океанда яшаб, яна сув ахтариб ҳалок бўлган балиқ ҳақидаги қисса ҳам биз кўзда тутаётган фалсафий дунёқараш руҳидадир. Алишер Навоий жуда кўп шеърларида инсонни ўзи яшаб турган заминда ҳақиқатга эришиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлари билан сўфийлик фалсафий таълимотининг таркидунёчиликни рад этувчи алоҳида бир қиррасини очиб берадики, бу буюк шоирнинг Шарқ фалсафаси тараққиётига қўшган қимматбаҳо улушидир.

Маълумки, бой фалсафий қарашларга эга бўлган Шарқ илмий маданияти намояндалари олий ҳақиқат, адолат, фаровонлик тимсоли сифатида Тангри таолони кўзда тутганлар. Уларнинг қарашларича, олий ҳақиқат ва мукаммал адолат фақатгина Оллоҳда мавжуддир.

Оллоҳ эса азалий ва абадий, моддий дунё ҳам ана шу замонларга сиғмовчи, макони ҳам йўқ – ломакон Илоҳий Қудратнинг кашфиётидир. Шунинг учун ҳам моддий Оламнинг ҳар бир заррасигача, ёмғир торларидаги ҳар бир қатрагача ўзининг йўқдан бор бўлганлигига чуқур маъно бериб, яратувчисига шукрона келтириши керак. Бунга эса ҳар бир мавжудот аввало ўзининг мавжудлигига баҳо бериб, оламга ақл кўзи билан қараш орқали эришади:

Эй мусхафи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикрингга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдингга гўё,
демак, Алишер Навоий қарашларига кўра, бутун коинот, башар авлоди унинг сирларини билишга қодир бўлмаган илоҳий бир қудрат томонидан яратилган:

Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак ҳаёл ақлу фаросат била санга.

Навоий ҳамдларда ҳам, наътларда ҳам дунё, башарият ҳаёти, инсон шахси хусусида ғоятда бадиий фикр юритади. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя»даги 6-ғазални кўздан кечирайлик. Бу ғазалда ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида фикр юритилади. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом фаришта эмас, башар фарзанди бўлганлар. Навоий ўз ғазалида ана шу башарнинг покиза фарзандини улуғлаш орқали Одам Ато авлодларини, демакки, оддий инсонни кўкларга кўтаради:

Эй нубувват хайлига хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам сен ул отким, бўлур хотам аро.

Юз эшигинг туфроғига сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Пайғамбарлар элининг хотами Муҳаммад алайҳиссалом комил инсон эдилар. Демак фалакнинг буюк чароғи Қуёш ҳам «башар фарзандининг эшиги тупроғига юзимни суртай», деб ҳар кун Чархдан Ерга тушади, ўзининг заррин нурларини умидвор ва миннатдорона тўкади. Ҳатто, Маккаи мукаррамадаги Зам-зам қудуғи сувида ҳам инсон юзининг шуъласи мавжуд. Пайғамбар алайҳиссалом, маълумки, кўп марта Зам-зам қудуғи бошига келганлар, сувидан ичганлар. У кишининг кўзлари ва юзларидаги нур туш чоғида сув юзида ўйнаб, жилоланиб турган. Зам-зам қудуғи суви юзидаги нур

Қуёш нури эмас, балки набининг чехраси ва кўзларидан таралган нурдир:

Соф кўнглида юзинг меҳрини гўё асрамиш,
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Зам-зам аро.

Яна бу байтда гўё Зам-зам қудуғи ўзининг покиза юрагида пайғамбарнинг меҳрини асраган, деган яширин ўхшатиш ҳам бор.

Ғазалнинг кейинги байтларида ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг пок сиймолари таъриф тавсиф қилинади. Жумладан, учинчи байтда пайғамбаримизнинг чехралари меърож шомида юлдузлар орасида порлаган шабчароққа ўхшатилади. Юлдузлар эса шабчароқдан сачраган гавҳарларга қиёс қилинади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг юзларидан таралган нур шабнамда қайта акс этади:

Анжум ичра оразинг меърож шоми ўйлаким,
Тушса дури шабчароғи ҳар тараф шабнам аро.

Кейинги байтда «фаришталар сенинг қабринг бошида Ойни чароғдек тутиб турадилар» деган маъно ифодаланган:

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошига
Ой чароғи ҳар кеча бу нилгун торам аро.

Навбатдаги байтда Макка яқинидаги Батҳо водийси ҳақида фикр борадики, Батҳо водийсидаги қумлар қум эмас, балки наби ҳажрида зарра-зарра бўлиб тўкилган жисмлардир:

Қум эмас Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Ғазалнинг давомида гап пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратлари ҳақида кетади. Ясриб – Мадинанинг номи. Ҳазрати Муҳаммад ҳабибуллоҳ Маккадан Мадинага йўл олар эканлар, Мадинадаги йўллар йўл эмас, балки у кишининг қадамларини орзулаб юзларини пора қилган тирноқ изларидир:

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Ниҳоят, лирик қаҳрамон ғазалнинг мақтаида пайғамбар эшигидаги итларга ҳавас билан қараганлигини изҳор этади. Чунки, итлар шарафли даргоҳ учун хос бўлиб, лирик қаҳрамон эса бу шарафдан маҳрумдир:

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ошиқона, орифона, риндона дея нисбий жиҳатдан тасниф этилган лирикасида соф маънодаги илмий-маърифий ёки таълимий-ирфоний асарлар ҳам мавжуд. Бунга унинг

ғазалларидан ва кичик лирик жанрлардаги асарларидан мисоллар келтириш мумкин. Бундай асарларда маърифат тушунчаси бошдан-оёқ изчил мазмун-моҳиятга эга бўлган ҳолда, баъзан тадрижли тарзда баён этилади.

Бизни чуқур мушоҳадага чорлаган бир ғазалда шоир ҳақиқат асроридан сўз юритар экан, мажозий маънода қўлланиладиган май, маъшуқа, соқий каби бадий тимсолларга мурожаат этмайди. «Ғаройиб ус-сиғар» девонига жойлаштирилган бу ғазалда ҳаёт ҳақиқатини изловчи, истовчи билан (кўнгул, солиқ, дўст, пири дайр) маърифий суҳбат қурилади. Ғазалда на мажозий ошиқона, на риндона, на дунёвий ижтимоий руҳ мавжуд. Асар чуқур мушоҳадавий, ирфон асрори сабоқларидан иборат:

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу саҳфани барбод бил.

«Ул кесак» – Ер курраси, «бу саҳфа» – кўк, осмон. Демак, баъзан абадийга ўхшаб кўринган ҳаёт ниҳоятда омонат, сувда эриб йўқ бўлиб кетадиган кесакдан ҳам, йиғиб олиниб, ғижимлаб ташланадиган қоғоздан ҳам хор, субутсиз экан.

Ғазалда ўз даври ижтимоий масалаларига, муаммоларига муносабат тўғридан-тўғри баён этилмаганлиги боис, уни соф ирфоний мазмунга эга, дедик. Аммо, ислом шариати ва тасаввуф таълимоти шоир яшаган даврнинг етакчи мафкураси бўлганлиги аён-ку. Шундай экан, жамиятнинг энг чуқур фикрловчи аъзолари – сўфийлар тарбиясига киришган шоир, аввало, ўз илми, ижоди ва пирлик фаолияти билан жамият поклиги ва барқарорлиги учун хизмат қилади. Ушбу ғазалида Навоий пир сифатида намоён бўлади.

Навоийнинг ўз даври ижтимоий ҳаёти масалаларига сўфиёна нигоҳ билан қай тарика муносабат билдирганлиги диққатга сазовор. Маълумки, шоир илмий ва бадий ижодида, давлат арбоби сифатидаги ижтимоий фаолиятида ислом сарчашмалари бўлмиш Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардаги умумбашарий илғор ғояларга таянди, тасаввуф назарияси, унинг илмий-ғоявий асоси бўлмиш вужудуюн таълимотини чуқур ўрганди ва тарғиб этди. Унинг фалсафий-бадий тафаккури тараққиёти ислом маънавиятини кенг идрок қилиш ва уни ўз ижодий ва ижтимоий фаолиятида тарғиб этиш ғоялари билан бевосита боғлиқдир.

Ғазалнинг аввалги уч байтида шоир калом олими сифатида намоён бўлади. У Қуръони карим оятларига асосланиб Ер қиёмат кунда

титроққа тушиб, текис ёйилиб қолиши, тоғлар капалаклардек титилиб кетиши, осмон Ер устидан сидириб олиниб, ғижимланиши ҳодисаларига ишора қилади. Албатта, инсон жисми ҳам худди шундай бебақо:

Жисм уйи чунким, эрур фоний, тафовут йўқ ани
Гар фано сайлобидин вайрону гар обод бил.

Жисм уйини йўқлик сели вайрон қилса ҳам, обод қилса ҳам фарк йўқ. Тўрт унсур – ҳаво, сув, тупроқ, оловдан яратилган вужуд ўзидаги нафс юкидан қутулмас экан, ҳатто тўрт илоҳий китоб – Таврот, Забур, Инжил, Қуръони Каримни ёд билса ҳам ҳеч қандай фойда кўрмайди:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен, нафъ эмас,
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Ғазалнинг бундан кейинги байтларида Навоийни энди тасаввуф олими сифатида кўрамыз.

Лирик қаҳрамон навбатдаги байтда суфиёна мушоҳадага берилиб, тангри таолони таърифу васф билан идрок этмоқчи бўлади. Аммо, бунинг ҳам имкони йўқ. Оддий кўз билан Қуёшни кўриб бўлмаганидек, оддий тил яратгучи сифатларини муносиб тарзда васф этишдан ожиз:

Эйки дебсан, ҳақни не таърифу васф ила билай,
Васфдин мустағнию, таърифдин озод бил.

Дунё неъматларига майл этмайдиган покиза хилқатлар – фаришталарнинг руҳий озиғи тангри таоло зикридир. Ҳақ йўлига кадам қўйган эл поклар сафига қўшилмоқ учун худди шундай озиққа рағбат этмоғи даркор:

Тенгри зикриким, малойикка ғизои руҳ эрур,
Бу ғизони ҳақ йўлига кирган элга зод бил.

Ҳар қандай тариқат тарбиясининг асосларидан бири зикрдир. Тариқатларни бир-биридан фарқловчи унсур ҳам зикр. Пир эътиқодига кўра дил покизалиги зикр биландир. Зикр – ботин сабоғи бўлиб, зоҳирий сабоқлардан кўра муҳимроқдир. Зикр меваси эса маърифатдир. «Маърифат лаззати дилда бўлади, - дейилади Хожа

Муҳиддинхоннинг (қ.с.) «Мактубот»ларидан жой олган бир мактубда, - Маърифат лаззати ҳамма лаззатлардан яхшироқ ва хушроқдир. Маърифат самараси эса муҳаббатдир».¹ «Қалбида хос муҳаббат асари кўринган менинг севимли дўстим сўз бошлаганда, масиҳанфос Исо ҳам онадан туғилган гунг каби бўлади».

Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исойи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Фард бўлмоқ – нафс юкидан, ўзлигидан ажралмоқ демак. Нафс кетгач, руҳ қолади. «Билсинларким, - дейдилар шайх Муҳиддинхон (қ.с.), - илм руҳнинг таъсиридан ҳосил бўлади. Аммо, Ҳақ субҳонаху ва таъоло оинадай пок қалбга назар қилади». «Мактубот»даги яна бир танбеҳда шундай дейилади: банда ва Ҳақ таоло ўртасида уч нур бор. Аввал – нури илмки, уни эгаллагач, йўлни кўради; иккинчи нури ҳикматки, уни қўлга киритгач яратганни топади; учинчи нури ҳақиқатки, унга етгач, Ҳазрати Ҳақнинг юзини кўради.² Ҳақ таоло юзи зуҳур этган қалб эса чин ошиқ қалбидир:

Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлганларни бу йўлда анга афрод бил.

Май кўҳанпири – тавҳид асроридан солиқни огоҳ этгувчи пири тариқат, муршид. У солиқни бу дунёда эл оёғи остида тупроқ каби ястаниб ётишидан авлиёуллоҳ даражасига етиб олгунига қадар тарбиялаб, сўнгра рухсатнома беради:

Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини
Май кўҳанпиридин ушбу дайр аро иршод бил.

Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдир десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган куни мийъод бил.

Худодан бошқа барча борлиқ йўқ бўлиб кетган муддатда солиқ мақсадига етади, яъни ваҳдат ҳосил бўлади. У вужудан ҳақ вужудида сингиб кетади. Аммо, солиқ илм истовчи эмасми, тавҳид асрорини идрок этишга интилади:

¹ Шайх Муҳиддин Ургутий. Мактубот. Тош: Мовароуннахр, 2006. 73-б.

² Шайх Муҳиддин Ургутий. Мактубот. Тош: Мовароуннахр, 2006, 79-б.

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.

Тавҳид масаласида шоирнинг дунёқараши қандай? Тасаввуф таълимотининг назарий масалаларидан бўлмиш «тавҳид» тушунчаси Навоий шеъриятида анча чуқур ифодасини топган. Унинг комил эътиқодига кўра, Яратувчи табиатга, борлиққа ёйилиб, сингиб кетгандир (Ойбек, В. Зоҳидов, И. Султон, М. Орипов, А. Қаюмов, И. Ҳаққул, Р. Воҳидов асарларини эсланг). Бу – ваҳдати вужуд, пантеизм. Аммо, Навоий ваҳдати мавжуд, ваҳдати шухуд таълимотларига ҳам баъзан ғазалларида муносабат билдириб ўтади. Хусусан, қуйидаги байтда барча махлуқот Яратгучи вужудининг инъикоси, заррасидир, деган фикр бор. Бу – ваҳдати вужуд демакдир.

Зиҳе камол ила кавкайн нақшига наққош,
Мукавванот вужудин вужудинг айлаб фош.

Қуйидаги байтда эса, Ибн Арабий асослаб берганидек, бутун коинот, табиат Аллоҳ таолодан пайдо бўлган, аммо моҳият жиҳатидан Яратувчи билан бир эмас. Бу ваҳдати мавжуд таълимоти:

Вужудинг айлади мавжуд улусниким, бўлмас
Вужуд заррага мавжуд бўлмағунча қуёш.

Навоий шеъриятида тавҳиднинг ваҳдати шухуд хусусиятига ҳам эътибор қаратилади. Ваҳдати шухуд – руҳоний бир ҳол сифатида оламда мавжуд ҳар нарсада Аллоҳни мушоҳада этмоқдир. Яъни, Имом Раббоний (қ.с.) таълимотига кўра, Яратгучининг зоти ва исми, сифатлари алоҳида борлиқлардир. Коинот Ҳақ таолонинг ўзи эмас, балки сифатларининг тажаллийси (кўриниши) ва зухури (акс этиши) дан иборатдир. Форобий ушбу инъикосни «Субстанция ва акциденция» дея таърифлайди: «Билгилки, (оламда) субстанция ва акциденция ҳамда субстанция акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир».¹ Яъни, Яратгучи Ҳақ – мутлақ борлиқ, яратилмиш олам эса, нисбий борлиқдир. Ваҳдати шухуд фалсафаси қалбан қилинадиган мушоҳада, завқ ва ҳол воситасида эри

¹ Форобий. Рисолалар. Тош: «Фан», 1975. 50-б.

шиладиган маърифатдир. Париваш юзини куёш сифатида мушоҳада қилиш кўнгул жунунига сабаб бўлади:

Қаю париғаки қилдинг юзин куёш, бердинг
Кўнгул жунуни учун анбарин ҳилол ила қош.

Аммо, шоир биз ўрганаётган ғазалда таъкид этганидек, ҳар қандай тариқатнинг асоси шариатдир. Кимки шариат ҳукмларига тажовуз қилса, динсиз, худосиз бўлибди, демакдир.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг бу соҳадаги қарашларига кўра, инсонда уч қувват мужассам: жисмоний қувват, ақл-идрок қуввати ва руҳий қувват. Тавҳидга эришишда бу уч қувват бирдай ишга солинмоғи лозим. Шариат амалларини бекаму кўст бажариш, сулук талабларини чин ихлос билан қадамба қадам босиб ўтиш, ирфон давлатига мушарраф бўлиш учун зоҳидлик ва қаттиқ тан риёзати меъёрида бўлиши лозимлиги уқтирилади. Яъни, мушоҳада қудрати тан қуввати билан кучлироқ бўлиши мумкин:

Руҳи мутлақ ба арзи дониши фан,
Ноз дорад ҳамон ба қуввати тан.
Қуввати тан саломати аъзост,
Ки ҳаворо дар он тасарруфҳост,
Дар саломат агар футур афтад,
Қудраташ аз камол дур афтад.¹

(Мазмуни: тан қувватида руҳи мутлақ кўринади. Тан қуввати тан саломатлигидадир. Унда ҳаво бор. Агар саломатликка футур етса, қудрат ҳам камолга етмайди).

Ғазал мақтаъсида шоир ўзининг камолот йўлида ҳамон йўлчи эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, «эй дунё ва жаннатдан кечиб ягона беҳамто дўст васлини топа олмаган толиб, бу дардингга бир далил, исбот келтирмоқчи бўлсанг, Навоий ҳолига боқ, у тасдиқлаб беради».

Дўст васлин топмаған дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардингға Навоий ҳолин истишҳод бил.

¹ Бедил. Куллиёт. Душанбе. Ирфон. 1974. с.111.

Бу ғазал «ёшлик даври шеърляти» деб номланган девондан ўрин олган бўлса-да, аслида шоирнинг ўрта ёшлик даври ижоди маҳсулидир. Чунки, Навоий ғазалларида маърифий мавзу шоир ҳаётининг турли даврларида ўша давр мазмуни билан ҳамоханг равишда намоён бўлади. Чунончи, ёшлик даврида анъанага эргашиш («Илк девон» мисолида), йигитлик даврида ҳаётсевар фалсафий моҳият касб этади («Бадоеъ ул-бидоя» мисолида). Ўрта ёшликда шоир суфийнинг назарий масалаларига мурожаат этиб, таълимий-дидактик асарларга майл кўрсатади. Бу ҳодисани унинг таржеъбанд, таркиббанд, соқийнома ва қитъа жанрларида яратган асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қарилик лирикасида эса ғазалларда мавзу-ғоя ифодаси, тасвирланмиш ва тасвирий имкониятлар турлича бўлса-да, пировард натижада якуний фикр, хулоса бир маънода, яъни ўзликдан кечиб, фанога юз тутиш мақсади ифодаси билан интиҳо топади.

Навоийнинг ҳаёт фасллари маъносидаги байтларида «йигитлик» ва «қарилик» иборалари кўпроқ учрайди. Ёшлик ва ўрта ёшлик даврларига ишора этувчи фикрлар ёки иборалар қарийб учрамайди. Шоир «Ҳазойин ул-маоний» девонларини инсон ҳаётининг ва йилнинг тўрт фаслига ўхшатиб номлаган бўлса-да, лирикасини асосан икки фасл – йигитлик ва қариликка ажратади.

Шоирнинг кексалик даврига мансуб, деб хулоса қилинган орифона ғазалларда (бу ҳақдаги мулоҳазалар Ҳ. Сулаймонов, А. Ҳайитметов, Ё. Исҳоқов, А. Абдуғафуров ва шу сатрлар муаллифи илмий ишларидан ўқувчига маълум) аввалги девонларнинг шу мазмундаги ғазалларида кўринмаган хусусият – тасвир объекти бўлмиш Тангри таолога муножот, илтижо оҳангларининг устуворлиги кўзга ташланади.

Бадий ифоданинг васф, таъриф, тавсиф усулида ижод этилган ҳамдлар туркуми шоир кексалик лирикасида шарҳи ҳол, мушоҳада типигади тасвирий усуллар воситасида мазмунан кенгайиб боради. Мамдуҳга бевосита мурожаат, ўтинч, илтижоли фикрлар баён этилади. Қуйидаги ғазал Навоийнинг йигитликда кўтаринки рух, юксак савия ижод этилган васф типигади, ўрта ёшликда биз кўриб ўтган ғазал мисолида таълимий-ирфоний руҳдаги ғазалларидан фарқли равишда лирик қаҳрамон – шоирнинг ички кечинмалари, тушкун кайфияти, шу билан бирга ғоявий мақсадининг тушкун руҳдаги ифодаси билан ажралиб туради. Ғазал муножотнинг тадрижий ифодасига асосланган:

Ёраб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо
Ул бўлиб мундин жудо, сен бўлмағил андин жудо.

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу боридин
Не ғамим сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Нақди жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглумға сол
Айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо.

Хонумондин ойириб қилғонда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

Хашр ғавғоси аро осийлиғимға раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо.

Элга махлас истасанг етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шўъла бу оҳи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат, қилмағил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.

Борчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё раб, ани мундин, муни андин жудо.

Аввалги ғазалда Навоий каломчи олим ва тасаввуф пири бўлиб, илм ёйувчи сифатида намоён бўлган бўлса, бу ғазалда биз уни оддий мўмин қиёфасида тасаввур этамиз.

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали чуқур маънолар хазинасидир. Биз бу хазинанинг бир кичик нуктасига эътибор қаратдик. Аммо, шуни ҳам тўлиқ тушундик, дея олмаймиз. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам таъкидлаб, «менинг нукталарим жуда нозикдир, улардаги рамзий маънолардан бир заррасини изҳор этиш учун мени тушунадиган бир киши бўлса эди, кошки», - дея умид қилади:

Нукта нозук бўлди асру бўлғай эрди, кошки
Шаммае бу рамздин зоҳир этарға маҳраме...

Мухтасар сўз, Навоий маърифатига интилган ҳар бир покиза қалбли инсон Навоийга маҳрамлик бахтига мушарраф бўлишга муносибдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий лирикасида Олий ҳақиқат ва комил хилқат тимсоллари қай тариқа ифода этилган?
2. Навоий диний-фалсафий дунёқараши асосини нима ташкил этади?
3. «Тавҳид» тушунчаси Навоий шеъриятида қандай ифодасини топган?

Зарурий адабиётлар:

1. Исҳоқов Ё. Ўзбек адабиёти ва нақшбандия таълимоти. Тошкент, 2008.
2. Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Тошкент: Фан, 2005.
3. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Тошкент: Фан, 2003.
4. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 220 б.
5. Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. – Тошкент: Фан, 1991. - 70 б.
6. Ҳаққул Иброҳим. Камол эт касбким... – Тошкент: Чўлпон, 1991. - 240 б.
7. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 240 б.
8. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 240 б.

НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ

Таянч иборалар: *жамият ҳаёти, фазилатлар, орифона газаллар, шахс эрки, ватан, нафс юки, ҳикмат, ибодат, таълим.*

Алишер Навоий ўз умри ва жамият ҳаётига назар ташлар экан, унинг бебаҳо ҳамда инсон учун бахт манбаи эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бироқ, у жамиятдан юз ўгиришни ҳаёлига келтирмайди. Балки, қаноат, сабр каби фазилатлар воситасида инсонни яхши ахлоқ ва ибратли ҳаётга ташвиқ этади. Унинг бундай фикрлари ижтимоий руҳдаги шеърларида ўз аксини топган.

Алишер Навоийнинг қарашларига кўра, Тангри таоло яратган нарсалар ичида энг шарафлиси инсондир. Инсон ўзига насиб этилган умрни беҳуда эмас, онгли кечириши, шу билан бирга у эркин ва худо манзури бўлиши лозимдир. Шоир шахс эркинлиги масаласини бир неча йўналиш бўйича таърифлаб беради. Биринчидан, инсон ижтимоий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам эркин бўлиши керак:

Қушқа юнг маскан аро хушроқдурур озодлик,
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.

Заҳрни ўз коми бирла ичса андин яхшиким,
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлик жоми била.

Сўнгра, шоирнинг таъкидлашича, эркинлик шахснинг ўз ватани билан бевосита боғлиқ бўлиб турган пайтда қўлга киритилади. Яъни, инсон ўз севимли масканидан чеккада ҳақиқий эркин бўла олмайди:

Юз дилором айлагандин равза ҳибси яхшироқ,
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.

Масаланинг бошқа, учинчи бир томони ҳам борки, шахс озодлиги фақат ижтимоий, сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан бировга мутеъ бўлмаслигидангина иборат эмас. Шахс комил эркин бўлиши учун у ўзини руҳан поклаши, ҳаром-ҳаришдан, барча салбий хусусиятлардан нафратланиши, адолат, ҳақиқат сари интилиши лозим. Чунки, руҳий покликка мол-давлатга ортиқча ҳирс қўйиш билан, ёхуд мансаб, ёки бировнинг қўллаши билан эришиб бўлмайди. Биз юқорида келтириб ўтган байтлар мавжуд бўлган ғазалнинг давомида ҳам шундай

фикрлар баён этилган сатрлар мавжуд. Навоийнинг орифона ғазалларида катта маърифий, ахлоқий аҳамиятга молик фикрлар учрайди:

Бўлмоқ итлар мунъими тан тўма айлаб яхшироқ,
Танни қилғунча самин нокаслар инъоми била.

Ислом динида фарз саналмиш шариат аҳкомларидан бири рамазон рўзасини тутишдир. Ҳар бир мўъмин учун маънавий ва жисмоний покланиш, эътиқодини тарбиялаш воситаси бўлгани сабабли ҳам бу муборак ой юксак руҳий кўтаринкилик, байрамона кайфият билан ўтказилган, унинг илоҳий ғазилатлари тараннум этилган.

Ҳазрат Алишер Навоий назмиётларида орифона ва ошиқона, ижтимоий мавзулардаги, алоҳида шахсларга бағишланган турли хил ва турдаги ғазаллар қаторида рўзаи рамазон, ийди қурбон байрамлари тараннум этилувчи назмиёт дурдоналари ҳам учрайди. Пири комилнинг «Бадоеъ ул-бидоя» девонларидаги:

Етишти байраму дафъ этти рўза қайғусин,
Шамол муқили ёғутти бода кўзгусин.

матлаъли ғазалларида ихлос билан дил, тил ва тан ибодатларини адо этган мусулмонларнинг муборак рамазон ойи охириги тунини кузатиб, ийд саҳарини кутиб олишлари тасвирланган. Аммо, матлаъ мазмунига эътибор берар эканмиз, шоирнинг зухду тақво, таъмагирона ибодатдан безган, ўзининг хос ўқувчиларигагина таниш ва севимли бўлган лирик қаҳрамони кўз ўнгимизда жонланади.

Зоҳиду авомнинг намоёишкорона ибодатлари тугаган байрам куни аҳли дил яна бода тўла жомни илгига олади. Майнинг жилваланиб турган юзида уч кунлик ой мисоли маъшуқа жамоли гавдаланади, балки маъшуқа жамолининг ёғдуси ваҳдат майи тўла бўлган ошиқ кўнгли жомини жилолантиради. Ахир, аҳли дил нафсларини тийиш, имонини сайқаллаш муддати саналмиш бир ойлик рўзаи рамазонда ўзини нималардан поклади? Унинг қалби Ҳақ таоло муҳаббатидан лиммо-лим, ўзлигидан асар ҳам қолмаган бўлса?! Ҳақ таолони топиб, унинг моҳиятига сингиб кетган сўфий учун авомга хос рамазон рўзасини тутиш қайғудан бошқа нарса эмас. Чунки, унинг фоний дунёдаги бутун умри рўза тутишдангина иборатдир. Бунинг мукофоти ҳам авом рўзасининг мукофотига ўхшамайди. Авом тутган рўзасининг мукофоти сифатида Аллоҳ таоло розилиги ва жаннатидан

умидвор бўлади. Аҳли хос эса маҳбуби мутлақ висолини талаб қилади. Авом жаннат неъматларига у дунёда эришса, хос ошиқ учун эса тириклик, ўлим, ўлимдан кейинги ҳаёт деган тушунчалар қолмаган, боқий дунё моҳиятини у аллақачон тушуниб етган. У жисмонан мавжуд бўлса ҳам, ўзининг тасаввурида номавжуд, фақат рух оламидангина иборатдир. Демак, бу рух ўз мабдаъига интилаверади ва ниҳоят, ваҳдатга эришади. Унинг учун энг олий мукофот ана шудир. Шу сабабдан ҳам хос ошиққа авомнинг бир ойгина давомида ўзини ёмон нафсларини маълум даражада тийиб, байрам қилаётганлиги эриш туюлади ва бетоқатлик билан «етишти байраму дафъ этти рўза қайғусин...», дея ҳайқиради.

Бироқ, ошиқ қалбида кечаётган бу ҳаяжонлардан қатъий назар, табиат байрам тонгини қаршилайверади:

Сипеҳр жоми ҳилолига жилва берди магар,
Ки бода забт эта олмас нашот кулгусин.

Фалак шу қадар қоронғу бўлдики, жоми ҳилолий (май тўла жомга ўхшаб кўринган Ой) ниҳоятда жилоланди, чунки қора ранг оқликни янада равшанроқ кўрсатади. Ваҳоланки, байрам тонги завқи, шодлигини бода ҳам боса олмайди.

Ийд шоҳиди бўлмиш янги Ой қоронғу тунда пайдо бўлиши билан чарх унинг суюнчисига инжу каби юлдузларини сочиб юборади:

Магарки қилди шабистонга азм шоҳиди ийд,
Ки тўкти чарх аёғига ахтар инжусин.

Шоир ийд туни манзарасини тасвирлар экан, яна янги ташбех, янги лавҳалар чизишда давом этади: зангори жом рангига шафақнинг зангори йўли гувоҳ бўлди, лекин, сен шафақ майини ва фалакнинг шишаранг жомини солиштириб кўрчи, қай бири устун экан:

Далил роҳи шафақ рангу жоми мийнони,
Шафақ майини кўру чарх жоми мийнусин.

Шундан кейинги байтларда шоир ўз ижодий анъанасига кўра лирик тасвирдан чекиниб, шеърга ижтимоий-фалсафий тус беради:

Фароғате тилар эрсанг, куп оғзи хиштини ол,
Ушат бу хишт била нангу номусин.

Куп – май солинадиган идиш, унинг оғзига ғишт («хишт» - форсча сўз, туркийси «кирпич») қўйиб қўйилади. Байтнинг зоҳирий маъноси шуки, куп оғзи ғиштини ол-да, шу билан таъмагир зоҳиднинг номусини уриб синдир, риёкордан қутулиб кўнглинг таскин топади, дейилади. Бироқ, байтга чуқурроқ эътибор қилсак, унинг иккинчи хил маъноси ҳам кўринади: куп оғзи ғиштини ол, унинг ичидаги ваҳдат шаробидан ичсанг, Ёрга етишасан ва фароғат топасан. Сенинг бундай бахтдан сарафроз сархушлигингни кўриб, бенасиба зоҳид уяту номусдан адои тамом бўлсин. Кейинги байтда шоир фикрини давом эттириб, муболаға қилади: сахар чоғи халқ ибодат қилиш учун жойнамозга бош қўяр экан, сен бу дамни ғанимат бил ва ўткинчи риёий дунёдан қочиб қол:

Сахарки, халқ Мусаллоға юз қўяр, хуш тут,
Борурга дайри фано сари тонг қоронғусин.

Тасаввуфнинг ҳаётсевар нақшбандия тариқатига мансуб бўлган Навоийнинг энг кичик фардларидан тортиб барча асарларида ушбу тариқатнинг ўзак масалалари тарғиб этилади. Мазкур ғазалда ҳам ҳаёт неъматларидан воз кечиб, умрни ёлғиз тоат-ибодат билан узлатда ўтказиш Яратганнинг хоҳиш-истагига ҳам зид эканлиги бадий лавҳалар орқали тасвирланади. Ҳали нақшбандийлик тариқати дунёга келишидан анча илгари Юсуф Болосоғуний айтган «Тангрини тоат ила топмас қули» ҳикмати – ибодат дилдан бўлиши лозимлиги, намойишкорона ибодат эса шуҳратталаблик, мунофиқликдан бошқа нарса эмас эканлигини уқтиради. Худди шу маънода машҳур сўфий Жалолиддин Румий тариқат йўлига кирган сўфийларга шундай дейди: «Муфтилар ҳар қанча фатво берсалар ҳам, сен олимнинг фатвосига қулоқ ос». Зеро, Оллоҳни танимай туриб, гумроҳона адо этилган рўза ҳам, намоз ҳам суратдан ўзга нарса эмас экан. Ҳақиқий ибодат Ҳақ васлидан огоҳлик билан пинҳона қилинган ибодатдир. Нақшбандийлик тариқати йўлчиси ўзи қаерда, қай мақомда ва қай тарзда бўлмасин, бирор дам тангри ибодатидан фориғ бўлмайди ва бу фақат унинг ўзигагина аён дир. У тангри қошида жуда улуғ мартабада бўлиши мумкин, лекин бундан халқ беҳабар бўлиши лозим. Унинг талаби гумномликдир. Яъни, шуҳратдан, халққа танилишдан қочиш. Чунки, шуҳрат дилни ўлдирувчидир. Ҳазрат Навоий мансуб бўлган сўфийлик тариқатининг худди ана шу ҳукми биз таҳлил этаётган ғазалнинг мақтаъсида намоён бўлади:

Навоий, ич қадаху фоний ўлки, топти бақо,
Биравки, топмадилар эл сўроғу белгусин.

Навоийнинг мазкур шеъри зоҳиран рамазон ҳайити шодлигига бағишланган ғазал намунаси бўлиб кўринса-да, аслида унинг ҳар байтида шоирнинг ғоявий интилишлари, идеаллари акс этиб, мисраларда пинҳона ётган навоиёна дард учқунлари зийрак шеърхонни ҳайратга солади. Ҳазрат Навоий ижодлари боқий ҳайратдир.

Хуллас, Ҳазрат Алишер Навоийнинг улуғлиги шундаки, у шеърларида ИНСОН ҳақида фикр юритади. Бу фикр доираси эса ҳар қандай миллий, диний, мазҳабий, мафкуравий ҳудудларни ёриб чиқади. Шу нуқтаи назардан унинг ҳар битта байти катта бир рисолавий тадқиқотни талаб қилади:

То ғамдадур Навоий, даҳр анга тийрадур,
Шод англамас улусни биров бўлса қайғулик.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий ўз шеъриятида қандай ижтимоий масалаларни тилга олиб муносабат билдиради?
2. Шахс эрки ғоясини шоир қай тариқа баён этади?
3. Навоийнинг ижтимоий ҳаётдаги идеали қандай инсон?

Зарурий адабиётлар:

1. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. - Тошкент: Фан, 1966. - 316 б.
2. Воҳидов Р. ХУ асрнинг иккинчи ярми ХУ асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. – Тошкент: ФАН, - 1983. - 141 б.
3. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. // Шарқ юлдузи.- 1991.- № 4 -Б. 159-166.
4. Муҳиддинов М. Шарқ адабиётида адабий-танқидий қарашлар тарихидан. – Самарқанд: Зарафшон, 1989. - 204 б.
5. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Тошкент: «Маънавият», 2005.
6. Сирожиддинов Ш. Инсон руҳий камолоти талқини. - Самарқанд: Зарафшон - 1992.-204 б.
7. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. - 172 б.

НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ИШҚ-МУҲАББАТ МАВЗУСИ

Таянч иборалар: *олийжаноб инсоний фазилат, қасидалар, пок ишқ, ҳижрон, қосид, мактуб, «кўнглум ўртансун», фардлар.*

Алишер Навоий шеърятининг асосий қисми «Хазойин ул-маоний» девонлар куллиётидан жой олгандир. Унинг шеъряти мавзуси уч қисмга бўлинади: фалсафий-тасаввуфий мавзу, ижтимоий мавзу ва ишқ-муҳаббат мавзуси.

Навоийнинг тушунчасида ишқ — энг олийжаноб инсоний фазилатдир. У ғайриихтиёрий равишда юзага келган покиза ҳистуйғудир. Шоир «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ёзишича, ишқ шундай бир юлдуздурки, башар фарзандлари кўзининг нури ва равшанлиги ундан, сўнгра, у бир қуёшдирки, қайғули хотирлар тиканзори ундан чаман ҳосил қилади. Хуллас, у кишилик тожининг беазаги, инсон ишқи билан баҳоланади. Муаллиф ишқ ҳақида кенг ва ибратли таъриф бергач, уни уч қисмга бўлади: авом (оддий киши) ишқи ва хавос (хос кишилар) ишқи ва пок ишқ. «Хазойин ул-маоний» девонларида ишқнинг ана шу учала қисмига ҳам доир шеърлар анчагина. Шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида, «Ситтаи зарурия» номли форсий қасидалар мажмуаси таркибига кирувчи «Қасидаи Рухул-қудси тавҳиди бори таоло» асарида подшоҳ тарзида тасвирланган «кўнгул» образини кўздан кечирайлик. Навоий лирик шеърларида кўнгулнинг хилма-хил ҳолатлардаги тасвирини чизиш билан ўзининг фалсафий, ахлоқий фикрларини нафис тараннум этишга эришди. Шоирнинг айрим ғазалларида кўнгул лирик қаҳрамоннинг энг яқин мусоҳиби, муҳиби тарзида гавдаланади. У лирик қаҳрамон билан ўзининг энг нозик туйғуларини ўртоқлашади:

Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким эрур ҳам сатри, бал, ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул.
Лафз йўқ, ҳар ҳарфи жон ҳирзи, дағи ҳар нуқтаси
Мардумак янглиғ, бияйних, кўзга матлуб, эй кўнгул.

Мазкур байтларда ёрдан келган мактубнинг ошиқ қалбида ўйғотган туғени муболаға ва инкор ҳамда мусалсал ташбеҳ санъатлари воситасида жуда нафис очиб берилган. Яъни, маъшуқа мактуби таърифланар экан, бундай таъриф ошиқнинг ўзини ҳам қониқтирмайди. У мактубни янада асослироқ таърифлашга киришади: «Йўқ-йўқ, хатнинг ҳар лафзи эмас, балки ҳар бир ҳарфи жонимни бало-қазодан асрагучи тумордир (ҳирзи жон — тумор). Унинг ҳар бир нуқтаси эса кўз қорачиғи янглиғ азиз ва севимлидир»,

деган фикр баён этилади. Учинчи байтда яна бир фавкулодда поэтик фикр баён этилади. Маълумки, тумор инсоннинг феълидаги жунун асарларини дафъ этса, маъшуканинг мактубидан қилинган тумор эса ошиқни «илгида мағлуб» қилиб қўяди:

Айладим тумор, агар тумор этар дафъи жунун,
Бу мени қилмиш жунун илгида мағлуб, эй кўнгул.

Буюк шоир ғазал матлаъсида тасвирланган фикрни тадрижий ривожлантира бориб, шундай поэтик фикрларни баён этадики, ўқувчи тасаввури поэтик тасвир қаршисида мўъжизавий бир ҳолат олдиға келиб қолгандай лол бўлиб қолади. Шоирнинг тасвирича, тумор қилинган хатнинг мўъжизаси шунда эмишки, унда маҳбуба ўз муҳаббатининг шарҳини ёзган эмас экан. Балки, ўзи кофиргун либос кийиб, ажойиб маҳбуба қиёфасида ошиқнинг олдиға келган экан:

Сафҳада эрмас муҳаббат шарҳиким, келмиш кийиб
Ўуллайи кофиргун бир турфа маҳбуб, эй кўнгул.

Шеърнинг давомида лирик қаҳрамоннинг ўша париваш номасини такрор-такрор ўқийвериши (ёки кофиргун – оппоқ либосли маҳбубани такрор-такрор кўравериши) туфайли эл орасида мажнунликка мансуб бўлиб қолганлиги баён этилади. Бу ерда париваш ва мажнун сўзлари воситасида ҳам таносиб санъати яратилган. Зеро, эл орасида пари инсонга учраса, унинг ақлу хушини олиб девона қилиб қўяди, деган ривоят шоёндин. Ана шу воқеалардан кейин лирик қаҳрамон Кўнгулга насиҳат қилади:

Асру кўп такрор этардин ул париваш номасин,
Бўлмишам эл ичра мажнунликқа мансуб, эй кўнгул.
Ғайрдин саҳфангни қилғил пок, яъни айлама
Хотиринг лавҳини ҳар хат бирла маъуб, эй кўнгул.

Ғазалнинг мактаъсида хат сўзини икки маънода қўллашдан иборат яна бир чиройли санъат – ийҳом ишлатилган:

Ғамдин озод ўлди хаттидин Навоий, бермаса,
Бегиға қуллуққа хат бўлғайму маҳсуб, эй кўнгул.

Биринчи мисрани маъшуқа хати туфайли Навоий ғамдан озод бўлди, маъносида тушуниш мумкин. Яна уни ёрнинг лаби устидаги хаттини кўриб, Навоий ғамдан озод бўлди, деган мазмунда англаса ҳам бўлади. Охирги мисрада эса хат сўзи учинчи маънода қўлланилган. Яъни, лирик қаҳрамонни хўжайини – беги – маъшуқаси ғамдан озод этган, унга «сен энди озодсан» деб тилхат бермаса бўлмайдику, бу нарса беклик ва қуллик ўртасидаги шериклик қоидасидир, деган фикр англашилади. Шу тариқа Навоий кўнгул образи воситасида мажозий ишқнинг турфа бир лавҳасини яратади.

«Бадое ул-бидоя»нинг 134 ғазалида ҳам ҳижрон дардида ўртанаётган ошиққа хабарчи (қосид) ёрдан келтирган мактуб туфайли ошиқ қалбида туғён урган қувонч ҳиссиётлари бадий акс эттирилади. Ғазалнинг умумий мазмуни қуйидагилардан иборат: қосид томонидан менинг жонимга ором бағишлаш учун етказилган хабар шундай бир жонбахш шаббодаки, унда оби ҳайвоннинг бўйи бор. Номаку, менга хабарчининг қўлидан, хабарчи эса ёрим ёнидан келди. Елдан жон ҳиди келмоқда, ел эса Канъон осмонидаги ойдан хабар беряпти. Агар эътибор берилса, айти шу фикрларни ифодалашда муаллиф ёнма-ён қўйиш (параллелизм), яширин ўхшатиш (ташбеҳи пўшида) ҳамда талмеҳ санъатларини ўта санъаткорлик билан тасвир воситасига айлантирган. Чунки, моҳи Канъон истилоҳи остида шоир ҳазрати Юсуф ҳамда Яъқуб пайғамбар қиссаси воқеаларига ишора қилмоқда:

Нома қосид илгидин, қосид ҳабибим оллидин,
Муждаи жон елдину ел моҳи Канъондин келур.

Навбатдаги байтда ёр томонидан васл ваъда қилиб юборилган мактуб ҳижрон азобида ўртанаётган ошиққа жон бағишловчи жарангдор сўз сифатида баҳоланади. Ошиқнинг назарида мазкур хатни ёзаётганда ёр қаламининг учидан томаётган ҳар томчи сиёҳ – гавҳардир. Лекин, оддий гавҳар томчиси эмас. Хатни ўқиётганда ошиқнинг киприкларида томган шодлик ёшларига ўхшаган гавҳардир. Мана, мусалсал ташбиҳ, занжирли ўхшатиш деб аталувчи санъатнинг гўзал намунаси бўлган ўша байт:

Гавҳаредурки, чиқмиш хомасининг нўгидин,
Нома узра шодлиғ ашкимки мужгондин келур.

Навбатдаги мисраларда ёр юборган мактуб мазмуни аҳли дард кишиларининг номақбул жамиятда чекаётган азоблари баёнидан иборат эканлиги айтилади ҳамда аҳли дард, яъни жамиятнинг асл фарзандлари бошига тушган дарду балолар чарху гардондан эканлиги қайд қилиниб, ёрнинг мактубига жиддий ижтимоий-сиёсий либос кийдирилади:

Ваҳки, мазмунидир аҳли дард саргардонлиғи,
Ҳар бало мактубиким, бу чархи гардондин келур.

Шеърнинг мақтаъси ҳам ўзининг миллий руҳи билан халқимиға хос сўз ўйини (аския) услубидан яхши фойдаланилганлиги жиҳатидан ҳам диққатни тортади. Байтнинг мазмунига кўра, мактуб эгаси «менинг номамга Навоий жонини нисор қилмайди», деган мазмунда қочирим қилади. Бу қочиримга эса муаллиф «кошкийди, менда жон бўлса, йўқ жонни қандай қилиб хатингизга нисор этай», деган жавоб

кайтаради. Чунки, у ҳижрон азобларини торта-торта жонсиз танага айланиб қолган эди:

Деб эмиш номамға қилмайдур Навоий жон нисор,
Анда жон бўлса, қачон бу навъ иш ондин келур.

Байтда «Анда жон» иборасини ийҳом қилиб, шоир «Ёрим Андижонда бўлса, шунча йўлга жонни нисор қилиб юбориш қандай қўлимдан келсин», деган мазмунни ҳам баён этади.

Ғазалда жон ва кўнгул сўзларининг бир неча бор такрорланишидан иборат санъатлар ҳам мавжудки, булар ҳам шеърнинг мукаммал чиқишига таъсир кўрсатган.

Навоий ижодини асосан ишқий мавзудаги шеърлар ташкил этади. Бу албатта, тасодифий эмас. Чунки, Шарқнинг мутафаккир шоирлари ишқни жуда чуқур маънода тушунганлар. Уларнинг назарида ҳақиқий ошиқ комил инсон бўлиши керак. Шундай экан, ишқ ҳам лойқа туйғулар пардаси остидаги хира нимарса эмас, балки покиза инсоннинг қалб кўзгусида акс этувчи бекиёс гўзаллик, унинг онгини ҳам гўзалликка йўлловчи илоҳий нурдир. Шунинг учун ҳам, мумтоз Шарқ шоирлари бутун қобилиятларини ана шундай шеърларни яратишда намоиш этганлар. Алишер Навоий комил инсоннинг хислат хусусиятларини акс эттирувчи юзлаб ғазаллар яратган. Унинг «Ашрақат...», «Ул паривашким...», «Кўргали ҳуснунгни...», «Кўнглум ўртансун агар...», «Не ажаб...», «Навбаҳор айёми бўлмиш...» ва бошқа ўнлаб ғазалларининг халқ оғзидан тушмай келаётганлигига сабаб ҳам шу.

Шоир рубоийларида ҳам дунёвий муҳаббатнинг завқбахш онлари санъаткорлик билан берилган:

Бир сори сориғ пўлову мен тутсоғ йўл,
Не тоғу не туз десанг, не ободу не чўл.

Йиртуқ кепанакдин чикоруб яланг қўл,
Ул қочсаву мен қовсаму, мен қочсаму ул.

Фардларда эса буюк Навоий санъаткорлиги янада равшан кўзга ташланади. Масалан, мумтоз адабиётимизда кўзнинг ташбеҳи аксарият қотил, лаб эса оби ҳаёт манбаи сифатида тилга олинади. Навоий ана шу анча сийқаланиб қолган ташбеҳлардан қуйидагича саҳли мумтане яратган:

Икки кўзингу лабинг ғамидин
Мен хаста ўлиб-ўлиб тирилдим.

Байтда «ўлиб-ўлиб» сўзининг икки бор такрорланишидан ҳар кўзинг учун бир марта жон бердим, аммо лабинг хаёли мени тирилтирди, деган маъно чиқади.

Белу оғзингдин, дедиларким, дегил афсонае,

Бошладим филҳолким: «Бир бор эди, бир йўқ эди».

Бу ерда «бир бор» деганда ингичка белни, «йўқ» деганда оғизни англаш лозим. Қуйидаги фардда ҳам ажойиб сўз ўйини ишлатилган:

Ўқ эди, эй тонгки, оттинг жонима вуслат туни,

Бу жиҳатдин ёрума дермен сени ҳар субҳидам.

Фарднинг биринчи маъноси: эй тонг, вуслат туни жонимга ўқ оттинг (менга ёр васли насиб этган тун), ана шу жиҳатдан сени мен «ёришма» деб қарғайман. Иккинчи маъноси: васл туни жонимга отган ўқингни, эй тонг, ҳар субҳидам ёримга айтиб, шикоят қиламан.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий ўзининг ошиқона шеърларида қандай поэтик тимсоллардан фойдаланади?
2. Шоир таърифлаган маҳбуба қандай фазилатларга эга?
3. Шоирнинг ўзига хос поэтик усулларини тушунтириб беринг.

Зарурий адабиётлар:

1. Абдуғафуров А. Шеърят саройи.// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». – 1998. 6-февраль.
2. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.
3. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент: Фан, 1983.
4. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Тошкент: Фан, 2003.
5. Ҳаққулов И. Занжирбанд Шер қошида. Тошкент: «Юлдузча, 1989.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ ВА МУСИҚА

Таянч иборалар: *шеър, мусиқа, аруз, тоника, «Шашмақом», «завқ улашиш», сарахбор, авж, «Исфаҳоний».*

Академик Ойбек: «Шеър ва мусиқанинг ички чуқур робитасини билган Навоий ҳар бир шоирнинг мусиқадан хабардор бўлишини истаган» деб таъкидлайди. А. Ҳайитметов эса «Навоийнинг фикрича, ҳар қандай лирик шеър маълум бир мусиқага тушадиган бўлиши керак» дейди.

Навоий ғазалларининг равонлиги ва мусиқага ўнғай тушиши ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да маълумот беришича, шоирнинг ўзи мусиқа ва унинг назарий масалаларидан яхши хабардор бўлгани ҳолда, мақом йўлларига кўпгина нақш пешрав, амаллар боғлаган бастакор эди. Шеър ўлчови асослари ва қоидаларини эгаллашда мусиқанинг ритмик асоси ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар аруз илми мусиқа назарияси асосида юзага келганлигини уқтириб ўтганлар. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида шеър вазнларини бузиб ёзган шоирларни танқид қиларкан, мусиқа илмида уларнинг истеъдодсиз ва билимсиз эканликларини кўзда тутди. Чунки, у аруз санъатини эгаллашда, шоирдаги эстетик ҳисни тарбиялашда мусиқа илмининг катта аҳамиятга эга эканлигини яхши билар эди. Ўзининг «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарида Навоий бир неча олимларга, шу жумладан, Абдурахмон Жомийга ҳам мусиқа ҳақида рисола ёзиб беришни илтимос қилганлигини сўзлайди. Натижада Абдурахмон Жомийнинг «Рисолайи мусиқий», Зайнулобиддин ал-Ҳусайнийнинг «Қонуни илмий ва амалий мусиқий» каби асарлари яратилди.

Ўзбек куй-қўшиқлари ва туркий наволар Алишер Навоий бадиий тафаккурида ёрқин намоён бўлган. Шоирнинг «Навоий» таҳаллусини танлаши ҳам аҳамиятли. Маълумки, форс-тожик тилидаги «наво» сўзи ўрта асрлар Шарқ адабиётида бир неча, яъни: 1) товуш, овоз, оҳанг, куй, қўшиқ; 2) восита, имконият, бойлик, қувват; 3) набира; 4) гаров, омонат, қалин ва б. маъноларда ишлатилган. Аммо, бу сўзнинг маъно доираси нечоғлик кенг илмий-фалсафий мазмун касб этмасин, Навоий ўз таҳаллусида, асосан, унинг мусиқий-эстетик талқинини назарда тутди ва ушбу маънони қатор асарларида ёритиб беради:

Бўйла булбул навоси сўздуру бас,
Нағмаи жонфизоси сўздуру бас,
Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,

Булбули нутқ бенаво бўлғай...
Бўйла булбулни бенаво тутма,
Бенаволиғ анга раво тутма.
Хосса сўз булбули Навоий зор,
Ким анга нукта боғидур гулзор.
«Сабъаи сайёр»

Ёки:

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.
«Ғаройиб ус-сиғар»

Ёки, яна:

Зухд оҳангин Навоий ҳар нечаким соз этар,
Бир наво бирла муғанний ёна йўлдин озғирур.
«Ғаройиб ус-сиғар».

Навоий мусиқий мероси унинг кенг қамровли эстетик оламининг таркибий қисми бўлиб, мазмунан ранг-баранг, шаклан тугал кўринишга эга. Бу бебаҳо бойлик ўзбек мусиқа маданиятининг асоси, миллий маънавиятимизнинг хазинасидир. Ўрта асрларда риёзиёт фанининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган «илми мусиқий»га улкан ҳисса қўшган буюк алломалардан Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Хожа Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий ва бошқалар. араб ва форс тилларида қалам тебратишган бўлса, Алишер Навоий илк бор туркий мусиқашуносликка илмий, теран амалий ва методологик замин яратди. Айни вақтда Навоийнинг мусиқий оламини фақатгина бир миллий-жуғрофий ҳудуд билан чегаралаб бўлмайди. У байналмилал таъсир ва алоқалар жараёнида шаклланган, тарихий илдизлари эса қадимий туркий ва форсийзабон халқларнинг асотирлари, шеърӣ-мусиқӣ анъаналарига, Юнон, ҳинд ва араб маданиятларига бориб тақалади.¹

Навоий ўзининг барча лирик асарларини аруздан мукаммал фойдаланган ҳолда юксак даражада яратганлиги маълум. Бироқ, шу нуқтаи назардан мутахассислар томонидан махсус илмий ишланмаган бир соҳа бўлиб, у ҳам бўлса, Навоийнинг ғазал яратиш асносида аруз қонуниятлари билан бир қаторда мусиқа назарияси қонун-қоидаларига ҳам қатъий амал қилганлиги масаласидир. Навоий ғазалиётидаги бадиий тасвир усули ўн икки мақом йўлларидаги ва унинг асносида ташкил топган «Шашмақом»даги ҳаракатлардан бирига мос келади. Яъни, ... ўзбек ва тожик куйлари асосий

¹ Бу ҳақда яна қаранг: А. Назаров, И. Тухаринов. Навоийнинг мусиқий олами. // «Ёшлик», 1991, №8. 70-73-б.

тоникадан бошланиб, секин-аста ривожланиб, ўрта ва катта авжга чиқади-да, яна ўрта авж орқали тоникага қайтиб тушади». Бу ходисани, албатта, мақом йўлларига нисбатан доим жорий эта бериш нотўғри, бироқ, мусикада шундай ҳаракатнинг борлиги маълум. Мусиқа илмидан мукаммал хабардор бўлган Навоий ўз ғазали мусиқий ижросида ҳар бир байтнинг мазмунан ва эмоционал бадиий ифода жиҳатидан куй қисмларидан қайси бирига мос тушишига катта аҳамият берган.

Бинобарин, ашуланинг Сарахбор, Талқин, Наср ва Уфарларида, Намуд ва Авжларида, Тароналарида маъно-мазмун ва бадиий завқ улашиш жиҳатидан, ғоя-мақсад ифодаси юзасидан куй мазмунига ҳамоҳанг байтларни ижод этган. Куйнинг авж пардаларида ғазал матнидаги бадиий тасвир жиҳатидан энг мукаммал, сермазмун, ғоявий мақсад моҳиятини чуқурроқ акс эттирувчи ёки бошқача айтганда, лирик асар кульминация даражасини ифодаловчи байтларни келтиришга ҳаракат қилса, талқин пардаларида эса «Насиҳатомуз ва маърифатангез», ўзининг ижтимоий-фалсафий, баъзан сиёсий-фалсафий қарашларини ҳам ифода этувчи байтларни жойлаштирган. Мусиқа илмининг чуқур билимдони бўлган Навоий «Исфаҳоний» деб номланган куй ҳам басталаган.

Хуллас, Навоийнинг Шарқ мусикаси ва шеърятини хусусидаги назарий қарашлари ва амалий меҳнати доираси ниҳоятда чуқур ва кенг. Бу соҳани илмий ўрганиш янги давр навоийшуносларининг зарурий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоийнинг мусикага муносабати қандай бўлган?
2. Навоийнинг қўшиқ қилиб куйланадиган қандай машҳур асарларини биласиз?
3. Бадиий тасвир яратишда шоир Шарқ куйларидан қай тарика фойдаланган?

Зарурий адабиётлар:

1. Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари. Илмий мақолалар тўплами. - Самарқанд: СамДУ, - 1990. - 182 б.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. – Тошкент: Фан, - 1993. - 194 б.
3. Назаров А., Тухаринов И. Навоийнинг мусиқий олами. //Ёшлик, 1991, 8-сон. 70-72-б.
4. Ойбек. Асарлар. 1X том. – Тошкент: Фан, 1974. – 178 б.
5. Проблемы восточного стихосложения. – М.: Наука, 1973. – 184 б.

НАВОИЙ ВА ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Таянч иборалар: *туркий юксалиш, таржима, «айбгинаси», туркийгўй, суруд, жанр, мусаммат, тазмин, татаббу.*

Марказий Осиёда мўғул истибдодидан сўнг бошланган туркий юксалиш даврида туркий тилда бадий асар яратишга табиий эҳтиёж пайдо бўлди. X-XII асрлар ўзбек диний адабиётида, хусусан, Хожа Аҳмад Яссавий ижодида туркий шеъриятнинг асосий таркибий омилларидан бири бўлмиш халқчиллик анъанаси – бадий фикрнинг тил ва услуб жиҳатидан оддий халққа тушунарли ва таъсирчан шеърий ифодаси кўзга ташланса, XIV аср бошларидаги адабий ёдгорликларда нафақат мавзу ва мазмун, балки шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос турконаликка интилиш, аниқроғи туркий кўшиқ услуби ва вазнига мурожаат этиш ҳоллари кузатилади. Носуриддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» (1310-11) асарида туркий кўшиқнинг шоён вазнларидан бири рамали мусаммани махсурда ёзилган шеърнинг учраши бунга бир мисол бўла олади:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечди баҳман, замҳарир қиш, қолмади қори бўзи...

Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достони таржимасига киришар экан, туркий тилда ёзилиши лозим бўлган назмий асарларнинг бадий жиҳатдан юксак, яъни том маънода туркона бўлиши учун шеърнинг кўшиқ жанри билан уйғунлиги муҳим талаблардан бири эканлигини таъкидлаб, “Гулшан ул-асрор” достонида ёзади:

Турк зухуридур ўчунда букун,
Бошла улугъ йир била туркона ун,
Рост қил оҳанги навоу ҳижоз,
Туз ётуғон бирла тудурғуни соз.
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла кубуз.

Туркий тилдаги халқчил шеъриятнинг туркий мумтоз шеърия даражасига етиш жараёни, маълум бўлганидек, XV асрнинг иккинчи яримларигача давом этди. Бу ижодий такомил жараёнига Алишер Навоий лирикаси якун ясади. Навоий қадимги ўзбек тилининг тақдири юзасидан Султон Ҳусайн Бойқаро амалга оширган сиёсат ва амалий тадбирларни ўзига хос йўсинда қўллаб қувватлади. Ҳар икки тилда (форсий ва туркий) ижод қилиш иқтидорига эга бўлган Ҳусайн Бойқаронинг ўз асарларини асосан ўзбек тилида яратганлиги

тасодифий эмас эди ва Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да ёзишича, унинг томонидан “... Илтифот ва ихтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубига таъйинлар ва адосига таълимлар ҳам изҳори бўлди” (207-б.). Шу нуқтаи назардан Навоий Ҳусайнийнинг ўз ижодига мурожаат қилиб, “Мажолис ун-нафоис”нинг 8-мажлисида Ҳусайний ғазалларининг қофия ва радифларига ихтироларини таъриф этади. Навоий асарида туркийгўй шоирлар ижодида қофия масаласига жиддий эътибор бериб (Атоий байтини эсланг), қофиянинг оҳанг жиҳатидан мувофиқ бўлишини туркона (яъни, содда, халқона, оғзаки ижод намуналарига яқин) деб баҳолайди. Бироқ, бу ходисани классик шарқ шеърятни бадий қонуниятлари талаблари нуқтаи назаридан танқид (“айбғинаси”) қилади. Шоирнинг Ҳусайний девонидан келтирган байтлари мазмунан туркона, қофиянинг асоси бўлмиш равий нуқтаи назаридан эса классик адабиёт қофия назарияси талабларига жавоб берадиган бўлганлиги сабабли ҳам таҳсинга сазовор бўлади. Демак, шу муносабат билан Навоий Ҳусайнийнинг ижоди туркий шеърятни мумтоз адабиёт поэтикаси қонун қоидалари доирасига кириши учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини билвосита таъкидлайди. Туркий шеърятнинг бадий қонуниятлар тизими талабларига яқин, табиий ривожини янада тезлатиш унинг адабий эстетик ўзига хослиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш учун нималарга эътибор қилмоқ кераклигини Навоий биринчи бўлиб англаб етди. Энг аввало шоир туркона услубий асослардаги шеърятнинг классик услуб даражасидаги такомили учун турконалик анъаналаридан катта маҳорат билан фойдаланиб ижод қилди. Иккинчидан, туркий шеърятни мустаъзод ва мусаммат каби янги жанрлар билан бойитди. Бундан сўнг, бетакрор бадий тасвир усуллари ва фавқулудда таъсирчан бадий лавҳалар яратиш билан бир қаторда татаббу ва тазмин санъатларининг ҳам янгича намоёишини кўрсатди.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг “туркона” атамасига нисбатан бўлган муносабатини аниқлаб олмоқ лозим кўринади. Навоий бу атамани ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўллайди. Таниқли адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов Навоийнинг туркона шеърятга бўлган салбий муносабатини қуйидаги мулоҳазалар билан изоҳлайди: “... Поэтик синтаксиснинг оддийлиги, енгил вазнларнинг (кўпроқ енгил вазнга эга рамал ва ҳазаж баҳри) қўлланилиши, қофия масаласида фольклорга яқинлик (яъни, аллитерацион-интонацион принципнинг сақланганлиги) жанр ҳукмронлиги (кўпроқ туюқ) поэтикаси (ғазалнинг ҳажми, композицияси, тематикаси) борасида

хам ўзига хосликка эга. Лекин, бундай характердаги шеърлар учун хилма-хил мураккаб фигуралар характерли бўлмасда, тажнис санъати муҳим мавқеъга эга. (II, 5; 5-б.). Шоирнинг “туркона”га бўлган ижобий муносабатини эса “туркий” деб аталмиш кўшиқ турига нисбатан айтилган мулоҳазаларидан англаб олиш мумкин: “Яна сурудедурким, ани “туркий” дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубдур ва ул ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлиға судманд ва мажлисаро суруддур...” (I, 2; 131-б.). Кўринаётгандек, Навоий туркона шеъриятга шакл ва поэтика талаблари нуқтаи назаридан баҳо берганда салбий муносабат билдиради, мавзу, маъно-мазмун нуқтаи назаридан ёндашганда эса ижобий фикрлар баён этади. “Мезон ул-авзон” асарида шоир туркий тилдаги шеърларни “асосан, кўшиқлар” вазнлар нуқтаи назаридан таҳлил этар экан, “туркий” деб аталмиш кўшиқ турига алоҳида тўхталади. Навоий юқорида келтирилган тавсифда “туркий”ни “суруд” деб атаган. Суруднинг бир маъноси ашула, кўшиқ бўлса, иккинчи маъноси шеър демакдир. Академик Б.Валихўжаев мулоҳазаларига кўра Навоий “туркий”нинг ёзма адабиёт поэтикаси қонуниятларини қабул қилганлигига эътибор бериб, унинг шеърлик маъносига кўпроқ мойиллик кўрсатганлиги сезилиб туради. Шу нуқтаи назардан, “... шоир “туркий”га алоҳида шеър жанри сифатида қарайди ва унинг ўзига хос жанрий хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади. Булардан биринчиси шундан иборатки, туркий эски ўзбек тилида ёзилиб, шу муносабатда туркий номи билан шуҳрат қозонган... Иккинчидан “туркий” “ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва мажлис аро суруддур”, учинчидан “туркий”да фикр равон тил ва бадиий жиҳатдан нозиклик билан ифодаланган, ва ниҳоят, тўртинчидан, у рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган” (II, 2; 57-б.). Шу тарзда олим Навоийнинг “Мезон ул-авзон”да берган маълумотларига асосланиб, “туркий”нинг бошқа шеърий жанрлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларини, қисқача бўлсада, баён этади. Шу нуқтаи назардан, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Мезон ул-авзон” асарларидаги бошқа маълумотлар ҳам “туркий”нинг жанр хусусиятларини аниқроқ тасаввур этишга имкон беради. Навоий Ҳусайний ижоди таҳлили воситасида “туркий”нинг поэтик хусусиятлари – қофия, бадиий санъатлар тасарруфи, композицияси соҳаларидаги шоир ихтироларига алоҳида эътибор беради. Бобур ҳам халқ кўшиқларидан тархоний ва туркий турлари ҳақида маълумот берар экан, “Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида яна бир суруд чикдиким, “туркий”га ўқ мавсум бўлди, анга ушбу вазни тақсим

килурлар, ул дағи икки даврда боғланибдур”, - дейди. (I, 3; 155-б.). Демак, Алишер Навоий ва Бобурнинг илмий рисолаларида махсус қайд этилиб, муайян шакл ва мазмун ҳамда тематик жиҳатдан ўз қиёфасига эга бўлган “туркий” шеър бу даврда лирик жанр даражасига кўтарила борган. Хўш, бу соҳада Навоийнинг ихтироси нимада кўринади?

Алишер Навоий кўп асрлардан буён шарқ шеърлятида ўзининг муайян бадиий тасвирий принциплари, лексик-стилистик баён тарзи, поэтикаси билан ажралиб турган маҳаллий туркий халқлар лирикасини мумтоз адабиёт мезонлари асосидаги мукамал шакл ва мазмунга эга бўлган асарлар билан бойитди, ғазал жанрида “туркий” вазни ва мавзу – мундарижасининг етакчи жанр хусусиятини белгиловчи омиллардан бири даражасига кўтарилиши учун хизмат қилади, “туркий”нинг мавзу ҳудудларини кенгайтирди ва шу муносабат билан туркона услубнинг давр поэзиясидаги ижтимоий мавқеини оширди.

Шеърлятда шакл ва мазмун муносабатлари масаласида мазмун етакчилигини доим таъкидлаган Навоий “туркий”ни янги мазмун ва ранг-баранг мавзулар билан бойитишни мақсад қилди. Яъни, Алишер Навоий “туркий”си фақат ишқ ва муҳаббат билан боғлиқ бўлган кайфият баёни ёки тасвиридан иборат бўлиб қолмай, унда фалсафий муносабат кучаяди, ишқ ва муҳаббат тушунчаси, ёр ва унинг тасвири тушунчаси янада кенгаяди. Шу нуқтаи назардан, Навоийнинг “туркий” услубда муайян сюжет чизиғига эга бўлган якпора ва тадрижли ғазалларни кўплаб ихтиро қилиши эътиборлидир. Бундай маҳорат намойиши шоирнинг илк ижодидаёқ кўзга ташланиб, “Илк девон”дан “Кеча келгумдур дебон...”, “Ул паривашким...”, “Ёғлиғинг, эйким, тикарсен...” каби ғазалларнинг ўрин олиши бунга мисолдир.

Навоий “туркий”сининг яна бир хусусияти шуки, шоир девонларида бир томондан асл маънодаги ошиқона туркий шеър мавжуд бўлса, иккинчи томондан, “туркий” хос вазнида ва услубида ёзилган ижтимоий, фалсафий ва сатира ғазаллар ҳам учрайди.

Демак, Навоийнинг туркий тил ва туркий вазндаги жуда кенг ва хилма-хил мавзуларда халқчиллик тенденцияси асосида ёзилган ғазаллари “туркий” жанри билан ёнма-ён ва биргаликда туркона услубнинг назарий тараққиёти, шунингдек, Навоий олий услубининг шаклланиви учун ҳам хизмат қилди.

Алишер Навоийга қадар яшаган ва унга замондош бўлган туркийгўй шоирлар ижоди асосан маълум маънода тематик жиҳатдан чегараланган “туркий” жанридаги шеърлар доирасида қолган бўлса

(туюқ жанрини истисно этганда), Навоий бу жанр имкониятларидан, вазни ва бадий тасвир услубидан фойдаланиб, янги мавзу ва шаклдаги ғазаллар яратди.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да кўшиқларнинг бир неча турини тавсифлаб беради, яъни, “Бириси “туюғ” дурким, ...”, “Яна “кўшук” дурким, ...”, “Яна “чинга” дурким, ...”, “Ва яна турк улусида бир сурудурким, ани “муҳаббатнома” дерлар...”, “Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким... ани “мустаъзод” дерлар эмиш...”, “Яна Ироқ аҳли тарокимасида суруде шоеъким, ани “арузворий” дерлар...”, “Яна сурудедурким, ани “туркий” дебдурлар” каби. Ана шу кўшиқ турларидан бўлмиш мустаъзод Навоийга қадар ижод қилган шоирлар орасидан Гадоий девонида биттагина учрайди.

Навоий мустаъзод тавру услубида шеърлар ижод қилиб, ўзининг биринчи расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”га учта мустаъзод киритди. “Хазоин ул-маоний” девонларининг ҳар бирига биттадан шу навдаги асарни жойлаштирди. Шоирнинг ўз девонлари дебочаларида батафсил асослаб берган тадвинчилик (девон тартиб бериш) соҳасидаги бадий-эстетик тамойилларини назарда тутадиган бўлсак, унинг бу ҳодисадан кўзда тутган мақсади аён бўлади. Буюк шоир девон тартиб берганда имкон қадар барча лирик жанрлардаги асарларни киритмоқ лозимлигини таъкидлар экан, мустаъзодни ўзбек мумтоз шеъриятининг лирик жанрларидан бири сифатида ўрнашиб қолишини кўзда тутди. Шунинг билан биргаликда ўздан кейин девон тартиб берувчиларга бу жанрда ҳам шеърлар ижод қилиш лозимлигини билвосита уқтиради.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз поэзиясида мусаммат жанри тараққиётига асос солган ижодкордир. Навоийга қадар мусамматнинг фақат мустақил (табъи худ) шаклларидаги намуналаригина яратилган эди. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат тарихи ва ривожини муфассал тадқиқ этган олим Р.Орзибеков бу хусусда шундай мулоҳазалар баён этади: “... туркийгўй шоир Ҳофиз Хоразмий девонида учровчи биттагина мухаммас ҳам мустақил мухаммасдир. Мусамматнинг тазмин усулидаги илк намуналарини яратиш билан Навоий ўз ғазали асосида мусамматлар яратиш анъанасини бошлаб берди. Алишер Навоий бошқа қатор лирик жанрларнинг реформатори бўлганидек, шарқ мусамматчилиги имкониятларини кенгайтди. У ўз ижоди мисолида бу соҳада ҳам ҳаётбахш адабий мактаб яратди. Мусамматнинг мухаммас, мусаддас ва мусамман каби тазмин шакллари кашф этди.” (II, 3; 9-10-б). Олим кейинги йилларда Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” номли асари топилиши

ва илмий жамоатчиликка тақдим этилиши муносабати билан ёзган мақоласида гарчи Навоий ва Ҳусайнийнинг ижодида мусамматнинг ғазаллар асосидаги тазмин намуналарини яратиш усуллари кашф қилинган ва бадиий ижод тажрибасига жорий қилинган бўлса-да, унинг мустақил (табъи худ) намуналари XV аср 1-ярми туркий-ўзбек шеъриятида ҳам мавжудлиги аён бўлганлигини қайд этади. Яъни, олимнинг уқтиришича, Ҳофиз Хоразмийга замондош бошқа қатор туркийгўй ҳамда форс-тожик тилида қалам тебратган шоирлар ҳам мустақил мухаммаслар яратганлар, аммо: “Шу заминда Алишер Навоий даври адабий ҳаётида мусамматнинг тазмин усулида яратилган намуналари ҳам кашф этилиб, туркий, ўзбек шеъриятининг жанр таркиби бойитилган”. (II, 4; 50-б.).

Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девонига 5 та мухаммас киритган бўлиб, 3 таси Лутфий ғазалига, 2 таси ўз ғазалига ёзилган. Девондан жой олган 2 мусаддаснинг ҳар иккаласи Лутфий ғазалига ёзилган.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган уч мухаммаснинг биттаси Лутфий ғазалига, иккитаси ўз ғазалига боғланган. Девонга кирган бир мусаддас Навоийнинг ўз ғазалига ёзилган. Шунингдек, “Наводир уш-шабоб”даги уч мухаммасдан биттаси Лутфий, иккитаси ўз ғазалига, бир мусаддас ўз ғазалига боғланган.

“Бадоеъ ул-васат” девонига биттадан Лутфий ғазалига ва ўз ғазалига мухаммаслар, биттадан яна Лутфий ғазалига ва Ҳусайний ғазалига мусаддаслар жойлаштирилган.

“Фавойид ул-кибар” девонидан эса шоирнинг ўз ғазалларига боғланган икки мухаммас, Лутфий ғазалига олтиланттирилган бир мусаддас ва яна шоирнинг ўз ғазалига саккизланттирилган бир мусамман ўрин олган. Демак, Навоий ҳаммаси бўлиб Мавлоно Лутфий ғазалларига уч мухаммас ва икки мусаддас, Ҳусайний ғазалига битта мусаддас ва ўз ғазалларига етти мухаммас, икки мусаддас ва бир мусамман боғлаган. Навоийнинг ўз ғазалларидан ижодий фойдаланиб, янги лирик жанрлардаги асарлар яратганлиги ҳодисаси ҳақида навоийшунос олим А.Абдуғафуров ҳам ўзининг мулоҳазаларини билдирган: “Хазойин ул-маоний”даги қолган ўн мусаммат Навоийнинг ўз ғазаллари асосида яратилган. Навоий биринчи галда ўз замонасида шуҳрат қозонган ғазалларини мухаммаслар шаклига келтирган.

Шоир мусамматларини девонларига бир хил тартибда жойлаштирган, яъни мустазоддан кейин аввал мухаммаслар, кейин мусаддаслар, сўнгга эса мусамман ўрин олган. “Хазойин ул-маоний” девонларининг аввалги иккитасида учтадан мухаммас ва биттадан

мусаддас, кейинги иккитасида иккитадан мухаммас ва иккита мусаддас (“Фавойид”да биттаси мусамман) киритилган. Шоир риоя қилган яна бир эстетик қонуният шуки, барча девонларда Мавлоно Лутфий ғазалларига боғланган мусамматлар биринчи ўринда келтирилади. Девон таҳлили соҳасида мукаммал бадиий эстетик принципларни ишлаб чиққан Навоий шу йўсинда мусаммат жанрларининг девон композицияси учун муҳим таркибий унсурлардан бири эканлигини таъкидлаб, унинг туркий тилдаги ажойиб намуналарини намоиш этади.

Навоий девонларида яна бир ажойиб ҳодиса учрайди. Бу ҳодисани бадиий усуллардан тазмин ва татаббу қилиш санъатида шоирнинг тутган ўзига хос услуби, деб баҳоласак бўлади. Масалан, шоир “Наводир ун-нихоя” девонига кирган етти байтли 575-ғазалида матлаъдан фойдаланиб, “Хазойин ул-маоний”га етти байтли янги ғазал ёзиб киритади. Бу ғазал тўла маънода Навоийнинг ўз ғазалига қилган татаббуси деса ҳам бўлади. Шоир ғазалининг матлаъини айнан келтириб, унинг вазни ва учта нусхасида янги контекстда сақлаб қолади. Ғазаллар ишқий мавзуда бўлиб, мазмунан ҳам бири-бирига жуда яқиндир. Худди шундай усулни у “Наводир ун-нихоя” девонидаги 546чи ва “Хазойин ул-маоний”даги 433чи ғазалларида ҳам қўллайди. Яъни, бу ғазалларнинг матлаълари айнан бир хил, ҳажм жиҳатидан ҳам ҳар икки ғазал етти байтлидир.

Тазмин ва татаббу санъати ишлатилган “Хазойин ул-маоний”даги 433-ғазалда аввалги ғазалнинг вазни, радифи ва бешта қофияси сақланган. Иккала ғазал ҳам тасвир асосида қурилган бўлиб, семантик-эмоционал тасвир ғазаллар композицияси асосини ташкил этади. Ғазалларни байтма-байт текширадиган бўлсак, биринчи ғазалда тасвирланган бирор образ ёхуд бадиий лавҳа иккинчи ғазалда худди шу тасвир объекти ёки у билан боғлиқ воқеаларни янада ёрқинроқ, кенгроқ ифодалаб келади. Икки шеърда мазмунан мос бўлган байтларнинг қофиялари ҳам бир хил. Бундай байтларни ёнма-ён қўйиб, муқояса қилиб кўрайлик. Кўнгул образи билан боғлиқ лавҳа:

Теманг кўнглунг қаниким, ҳажрдин беҳуш эдим,
Қай сори борғонни ул беҳонумоним билмадим.
(“Наводир ун-нихоя”, 3-байт)

Ул пари то жилва қилди борди кўнглум, ваҳ, қаён,
Бўлди ул оввораи беҳонумоним билмадим.
(“Хазойин ул-маоний”, 5-байт)

Ёрнинг таъна қилиши билан боғлиқ лавҳа, “Наводир ун-ниҳоя”, тўртинчи байт:

Васлидин сўз деб бу янглиғ таъниға хуш келмасин,
Билмадим, эй қотили номехрибоним билмадим.

“Хазойин ул-маоний”, учинчи байт:

Демадингму, дема рашкимники, боқтинг ғайрима,
Билмадим, эй кофири номехрибоним билмадим.

Ошиқнинг маъшукани бирор ҳолатда кўриб жон бериши билан боғлиқ лавҳа, “Наводир ун-ниҳоя”, бешинчи байт:

Истадим сўзинг лабинг тишлаб мени қилдинг ҳалок,
... қилганингни қасди жоним билмадим¹.

"Хазойин ул-маоний" ("Наводир уш-шабоб"), тўртинчи байт:

Кўргали келганда заъфимдин ўзумдин бормишам,
Чун кўруб кўпти, не янглиғ чиқти жоним билмадим.

Мақтаъдан олдинги байт икки ғазалда ҳам ижтимоий-фалсафий фикрлар ўзанида, шоирнинг фоний бўлмоқ, ўзлигидан қутулмоқ хусусидаги мушоҳадалари асосида қурилган.

"Наводир ун-ниҳоя", олтинчи байт:

Ўзлукимдин ранжа эрдим ичкали жоми фано,
Бехуд ўлдум ўйлаким ному нишоним билмадим.

"Наводир уш-шабоб", олтинчи байт:

Дўстдин билдим нишон, то топмадим ўздин нишон,
Лек ўздин токи бор эрди нишоним билмадим.

Ғазаллар мактаъларида мазмунан лирик қаҳрамон – шоирнинг руҳий ҳолати баёнида тафовут кўринади. Биринчи ғазал мактаъида ошиқнинг тушкун, шикоят этувчи ҳолати тасвирланса, иккинчи ғазал мактаъи ҳаётсевар руҳ билан суғорилгандир:

"Наводир ун-ниҳоя", еттинчи байт:

Эй Навоий, ошиқ ўлғонда дедим қолғай ниҳон,
Бўйлаким оламни тутқай достоним билмадим.

"Наводир уш-шабоб", еттинчи байт:

Эй Навоий, ёр кўнгли меҳрму қилди аён,
Ё асар қилди анга ўтлуғ фиғоним, билмадим.

Ана шу жиҳатлардан "Хазойин ул-маоний" девонига киритилган мазкур ғазални таҳрир натижаси эмас, балки татаббу санъатининг чиройли намунаси сифатида ижод этилган деб тушунмоқ лозим.

Шунингдек, ғазалларига ўзининг байтларини тазмин қилиш ҳодисаси бошқачароқ шаклда шоирнинг яна бир ғазалида учрайди.

¹ Шу сўз қўлёзмада ўчиб кетган

"Наводир уш-шабоб" девонига 468 чи, 469 чи ўринларда кетма-кет жойлаштирилган ғазалларнинг иккинчи байтлари айнан ўхшаш, матлаълари эса мазмунан жуда яқиндир. Бу ғазаллар мисолида ҳам Навоий татаббуънинг ижодий намунасини, ихтизо санъатини ва тазмин санъатининг салх шаклини намоёйиш этади. Яъни, 468-ғазалга татаббуъ қилиб яратилган 469-ғазалнинг иккинчи байти тазмин қилиниб, аввалги ғазал матнидан айнан олингандир. Тазминнинг салх шакли эса ғазалнинг матлаъи:

Ваҳки, ўтлуғ чехра очиб хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдан айтиб нукта, жоним ўртадинг.
(468-ғ)

Оташин рухсора очиб хонумоним ўртадинг,
Хонумоним худ не бўлғай жисму жоним ўртадинг.
(469-ғ)

тўртинчи байти:

Ўт аро қил тўлғониб куйгондек ул юз шавқидин,
Нечаким тоб урди жисми нотавоним ўртадинг.
(468-ғ)

Тўлғониб куйсам ажаб йўқ ўтқа тушган шўъладек,
Чун фироқ ўтида жисми нотавоним ўртадинг.
(469-ғ)

Ва мактаъида ишлатилган:

Эй Навоий, то белу оғзи хаёли айладинг,
Бору йўқ, яъники пайдову ниҳоним ўртадинг.
(468-ғ)

То Навоийдек белу оғзинг хаёли бирла мен,
Ушбу йўқ савдода пайдову ниҳоним ўртадинг.
(469-ғ)

Бу ғазалларнинг "Наводир ун-ниҳоя" девонига кетма-кет жойлаштирилиши ҳам уларнинг бир ғазал нусхалари эмас, балки ҳар бири алоҳида ўз тасвир усули, ихчам, яхлит композициясига эга бўлган ғазаллар эканлигидан далолат беради. Ғазалларнинг бири (468) "Наводир ун-ниҳоя" девонига 354-ўринда, иккинчиси (469) "Бадоеъ ул-васат"га 358-ўринда ўзгартиришсиз киритилган. Демак, Навоий ғазалларини девонларига тартиб билан жойлаштирар экан, уларнинг семантик структураси, композицион тузилишига алоҳида эътибор берган. Бунинг натижасида ғазал композицияси билан боғлиқ бадиий санъат усулларининг (татаббуъ, тазмин) ўз ғазалиётида ижодий ривожланишига ва бу соҳадаги анъаналарнинг янги-янги ўзанларда тараққий этишига имконият яратган.

Ушбу мулоҳазалар донишманд адабиёт назариётчиси ва мутафаккир олим Алишер Навоий ўзининг беназир лирикасида ўзбек шеъриятининг қадимий анъаналари ва бадиий ўзига хослигидан ижодий фойдаланиб янги-янги ихтиролар қилганлигидан далолат беради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий ўзининг адабиётшуносликка доир илмий асарларида туркона шеъриятга қандай баҳо беради?
2. Шоир туркона шеърият усулларида қай тариқа ижодий фойдаланди?
3. Навоийнинг туркий шеъриятга киритган янгиликлари (кашфиётлари) нималардан иборат?

Зарурий адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, XVI-т. Тошкент: Фан, 2000.
2. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. Тошкент, 1979.
3. Валихўжаев Б. Алишер Навоий туркий ва туркийгўйлик ҳақида. Илмий тўплам: Адабий жанр ва бадиий маҳорат масалалари. Самарқанд, 1988.
4. Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби. Бухоро, 1994.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Тошкент, ЎзРФА Адабиёт музейи, 1959.
6. Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи. //ЎТА, 1990, 5-сон.
7. Носуриддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Тошкент: «Ёзувчи», 1990.
8. Орзибеков Р. Ўзбек поэзиясида ўз ғазалига тазмин мусаммат яратиш анъаналари. //ЎТА, 1989, 5-сон.
9. Орзибеков Р. Адабий тур ва жанрлар генеологиясини ўрганишга доир муҳим манба. //ЎТА, 2004, 5-сон.
10. Салоҳий Д. Алишер Навоий шеъриятида туркона услуб анъаналари. Самарқанд: СамДУ, 2003.

НАВОИЙ ЭПИК ШЕЪРИЯТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА»СИ ЯРАТИЛИШИ АРАФАСИДА ХУРОСОН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУҲИТИ КЎРИНИШЛАРИ

Таянч иборалар: монументал асарлар, бадиий ижод, рассомлик мактаби, ренессанс, кутубхона, хаттот, тасаввуф.

Шарқ шоирлари ижодидаги умумийлик, уларнинг асарларини яхлит ғоявий қолипга солиб турувчи хусусиятлардан бири – инсонпарварлик, гуманизмдир. Бу ғояни улар бир байтда ҳам, йирик монументал асарларда ҳам маҳорат билан ифода этганлар. Алишер Навоий:

Одамий эрсанг демагил одаме
Оники йўқ халқ ғамидин ғами

дейиш билан шарқ уйғониши моҳияти ҳақида теран фикр юритди.

Уйғониш даври – инсонни, шахсни кашф этди. Бу даврнинг ижодий методи инсонни улуғлашдан иборат эди.

Уйғониш даври маданият ва санъат, бадиий адабиётнинг барча соҳаларига таъсир қилди. Зеро, ренессанс – бадиий тафаккур демакдир.

Ренессанс ғарб бадиий тафаккурининг йирик вакиллари Рафаэл, Леонардо до Винчи, Микеланжелолар қаторида Шарқ Рафаэли – Камолиддин Беҳзодни майдонга келтирди. Беҳзод ва унинг мактаби дунёга келишида Шарқда замин бор эдими?

Ҳа, ренессансга қадар Шарқда бадиий санъатнинг миниатюра жанрида ажойиб асарлар яратилган эди. Масалан, «Меърожнома» номи билан яратилган миниатюралар туркумида Муҳаммад (а.) нинг кўкка парвозлари ва ўша даврдаги ҳодисалар ўз аксини топган эди.

Бу даврда рассомчиликда реалистик қарашлар юзага кела бошлаган. XIV-XV асрларда рассомчилик фақат қоғоз билан чекланиб қолмаган, балки қаср ва маъмурий биноларда, маданий иморатларда шер ва аждаҳолар, арслон ва кийиклар, лайлак ва ҳумойлар расми чизилган. Ҳиротдаги «Тарабхона» қасри деворларида подшоҳларнинг юриш манзаралари ўз аксини топган.

Ўша даврдаги рассомчилик ривожига икки йўналишни кўрсатиш мумкин:

1) анъанавий (китобий); ва 2) ҳаётий (реалистик).

Рассомчиликдаги тарихийлик анъанаси тарихий шахсларнинг расмларини чизишга олиб келди. Бунга мисол сифатида Беҳзод томонидан чизилган Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Алишер

Навоийнинг портретларини келтириш мумкин. Буюк рассомнинг шогирди Махмуд Музаҳҳиб шоирнинг кексаликда ҳассага таяниб турган расмини чизади.

Ҳиндистонда Ҳумоюншоҳнинг ўғли Акбар замонида миниатюра санъати жуда ривожланиб кетади. Ҳиндистон рассомлик мактаби томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур портрети дунёга келади.

Бобур расми эсдаликлар асосида чизилган. Акбар сарой олимларига бобосининг адабий меросини тўплашни, эсдаликлар ёзишни буюради. Унинг аммаси Гулбаданбегим томонидан «Ҳумоюннома» юзага келади.

Тасвирий санъатнинг бу даражадаги ривож бадиий адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мисол учун Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида кичкина шахзоданинг касал бўлишлиги сабабли тўрт қаср қурилади ва бу қасрларда йилнинг тўрт фасли таровати ўз аксини топади. Фарҳод улғайгач, «Баҳр ул-хаёт» ва «Наҳр ун-нажот» деб номланган ариқ ва ҳовуз қошида яхлит тоғнинг тошидан қаср қуради ва унинг ичида Шириннинг сиймосини чизади.

Алишер Навоий бой кутубхонага эга эди. Навоий Мирхондни мукамал тарих ҳақида асар ёзишга даъват этади. Олим «Равзат ус-сафо»ни яратишда Навоийнинг Унсиядаги уйига келиб, кутубхонасидан фойдаланади. Кутубхонадаги китоблар теридан қилинган сандиқларда сақланар эди.

Мирхонднинг набираси (қизининг ўғли) Хондамир Навоий кутубхонасини ипидан игнасиғача билган. Кутубхонанинг биринчи мудир Султонмурод Наққош шахзода Бадиуззамон Мирзо томонидан тайинланган, ундан кейин Хондамир мудир бўлган ва барча асарларини шу кутубхонада яратган.

Ана шу тарихчиларнинг ўз асарларида маълумот беришларича, теурий шахзодалардан бири учун чинни идиш – гулдон тайёрланган. Уни яратишда Хожа Али Кулол раҳбарлигида 32 хунар эгаси жалб этилган. Бу ҳодиса ўша даврда хунаrmандчиликнинг ҳам ниҳоятда ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

«Макорим ул-ахлоқ»да Фарангистон – Ғарбий Европадаги бир шаҳардан сандиқ-соат келтирилганлиги ҳикоя қилинади. Султонмурод Наққош шунга ўхшатиб сандиқ-соат ясаган. Сандиқ устида одам, унинг қўлида ноғора, ноғора юзида соат, одамнинг қўлларида чўплар ясалган. Соат бир бўлса одам ноғора чўпини бир марта, икки бўлса икки марта уради. Бу соат Навоий кутубхонасида

сақланган. Шоир кутубхонасида ҳатто чиннидан ясалган сандиқлар бўлган.

Амалий санъат йўналишининг бундай ривожини ҳам албатта бадиий адабиётга ўз таъсирини кўрсатди. Бунга мисол сифатида Навоийнинг «Сабъи сайёр» достонидаги иккинчи ҳикоятни келтириш мумкин. Унда Зайд Заҳҳокнинг подшоҳга яхши кўриниш учун саккиз зинадан иборат ўзи юрар тахт (эскалатор) ихтиро қилганлиги ҳикоя қилинади. Бу ўша даврдаги амалий санъат тараққиёти даражасини ва унинг бадиий сўз санъати билан узвий боғлиқлиги ҳолатини намоён этади. Маданият, санъат ва адабиётнинг барча соҳаларидаги ҳар томонлама бир-бири билан маҳкам алоқада ривожланиб юксак бир маданий жараённинг пайдо бўлишига олиб келган.

Бу жараёнда музика санъати ривожининг ҳам ўз ўрни бор. Ғижжак, доира, уд (арфа), чанг, қонун, дутор каби чолғу асбобларидан фойдаланилган. «Дутор ҳақида рисола» каби асарлар яратилган.

Шу тариқа амалий санъат ва ҳунармандчиликнинг уйғун ривожини натижасида ҳунармандларнинг санъаткорларга, шоирларга айланиши юзага келди. Кўп шоир ва санъаткорлар ҳунармандлар оиласидан чиққан.

Бу даврда баланд мавқега эга бўлган хаттотлик санъати ҳақида ҳам тўхталиш ўринли. Хаттотлар жуда эъзозланганлар. Ҳиротнинг машҳур хаттотлари Султонали Машҳадий ва Абдулжамил Котиблар томонидан кўчирилган қўлёзмалар ҳозирги кунда жаҳоннинг нуфузли кутубхоналарида сақланади.

Хаттот ўз даври бадиий тафаккури ютуқларини авлодларга етказадиган шахс бўлган. Шоир – яхши хаттот, яхши рассом, яхши музикачи бўлиши лозим бўлган.

Алишер Навоийнинг кичик замондоши Фаҳрий Ҳиротий шоирнинг раҳбар ва раҳнамолигида Ҳирот маданий ҳаёти гуллаб-яшнаганлиги ҳақида маълумот беради. «Шу даража, - деб ёзади Фаҳрий, – кўп нодир хаттоту хонанда, созандаю наққош, музаҳҳибу мусаввир, муҳаррир, шоиру муаммой камолга етиб, нашъу намо топдиларки, бирон-бир давр бунчалик тараққиётни билмайди».

Марказий Осиё, хусусан Хуросон ҳаётида илмий-фалсафий тафаккур ва тасаввуф таълимоти тараққиёти ҳам ўз мавқеига эга бўлган. Ўзининг ғоявий йўналиши жиҳатидан яхлит оқим бўлмай, бир неча тариқатлар (қодирия, мавлавия, кубравия, чиштия, яссавия, нақшбандия ва б.) кўринишида ривожланган тасаввуф таълимоти

бошланғич даврида йирик экстазчи¹ суфийлар Мансур Ҳаллож, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румийлар фаолияти воситасида биргина борлиқ, Воҳид, бошланғич, ягона ҳақиқат, биргина моҳият борки, у ҳам бўлса Ҳақ, яъни Худодир, деган мазмунда ёйилган бўлса, кейинроқ, Имом Ғаззолий, Хожа Аҳмад Яссавийлар даврига келиб тасаввуфда Худо билан бирлашиб кетиш ғояси илгари сурилади. Мусулмон ренессансининг фаол ривожиди даврида Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, ўз даврига нисбатан илғор оқим бўлган Нақшбандия тариқати асл моҳиятига кўра, тасаввуфдаги аскетизм, яъни таркидунёчиликни кескин рад этди.

Алишер Навоий даврига келиб бу тариқат ўзининг ҳаётийлиги, инсон ва жамият эҳтиёжларига мослиги билан тараққийпарвар аҳамият касб этди ва шоир бу фалсафий таълимотни чуқур ўзлаштиргач, ўз ижодида уни янада бойитишга, ижтимоий ҳаёт талабларига яқинлаштиришга ҳаракат қилди.

Хуллас, ана шундай юксак маданий тараққиёт ва бадиий тафаккур ривожиди донишманд шоир Алишер Навоийнинг шоҳ асари туркий тилдаги «Ҳамса» яратилиши учун муҳим омил бўлди ва шоир инсоният ва ҳайвонотни тўфон балосидан ўз кемасида асраб, омон олиб чиққан Нух алайҳиссалом сингари Шарқ Уйғониши ютуқларини ўзининг бебаҳо асарлари орқали келажак авлодга етказиб берди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шарқда бадиий тафаккур, маданият ва санъат ривожиди, хусусан, даҳо мутафаккирлар ижоди шаклланишида Уйғониш даврининг таъсири қандай бўлди?
2. Шарқ Рафаэли – Бехзод мактабининг дунёга келишида Шарқда замин бор эдими?
3. Алишер Навоийнинг хунара аҳлига муносабати қандай бўлган?

Зарурий адабиётлар:

1. Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. Тошкент: 1986.
2. Валихўжаев Б.Н. Мумтоз сиймолар. II жилдлик, I-ж. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент: 2002.
3. Воҳидов Р., Эшонқулов Ҳ. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: 2002.
4. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент: 1986.

¹ Якуний эстетик кечинмалар тасаввуф адабиётида «важд» гоҳо «тараб» деб номланади. Бу Европа тилларидаги «экстаз»га яқинроқ тушунчадир.

АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА»СИ ВА ШАРҚ ХАМСАЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ

Таянч иборалар: эпик асарлар, достон, яхлитлик, комил ахлоқ, подшоҳ, адолат, романтизм, реалистик руҳ.

Алишер Навоий бадий юксак девонлар тартиб бериш билан бирга бир неча эпик поэмалар – достонларни ҳам дунёга келтирди. У 1483-1484 йилларда «Хамса» достонлар туркумини, 1501 йилда эса «Лисон ут-тайр» достонини яратди. Аммо, шоирнинг ўзи маълумот беришича, бу соҳада унинг баъзи режалари ҳам бўлган. У «Юсуф ва Зулайҳо» сюжети билан бир достон ёзишни, ўз ишқий фожеаси ҳақида бир достон яратишни, дўсти ва ҳамфикри Ҳусайн Бойқарога бағишланган достонни дунёга келтиришни ният қилганлигини айтади. Аммо, шоирнинг бу режалари амалга ошмаган кўринади.

Навоийгача шарқ адабиётида туркум асарлар яратиш анъанаси бор эди. Араб адабиётида «Алфа лайло ва лайло» («Минг бир кеча»), ҳиндларда «Калила ва Дамина», «Шубхисаддати» («Тўтинома»), форсларда Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Рудакийнинг «Синдбоднома», туркийларда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» каби асарлари мавжуд эди. Аммо, Алишер Навоий бошқача асар ёзишни ният қилди. У 24-25 ёшларидаёқ ўзини катта асар ёзишга тайёрлайди:

Газал тарзиға чу аввал айлаб ситез,
Жаҳон ичра солдим улуғ рустахез
Вале қонё ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эрди улуғ печ-печ.
Не майдон аро сурсам эрди саманд,
Ҳавосин кўнгул қилмас эрди писанд.
Хаёлимда кишваристонлиғ кириб,
Мамоликда соҳибқиронлиқ кириб.
Бу андешадин эрди кўнглумда шайн
Ки бўлди кўнгул мойили хамсатайн.

Алишер Навоий ўзининг эътироф этишича «хамса дунёсига мафтун бўлиб қолди» ва бешлик анъанасига мурожаат қилди. Навоий ўз «Хамса»сида биринчи бўлиб Низомий Ганжавийни (XII аср) тилга олади. Низомий Ганжавий (1141-1209) 1179-1201 йиллар оралиғида форс тилида бешта достон яратди. Уларнинг биринчиси «Махзан ул-асрор» (1179), иккинчиси «Хусрав ва Ширин» (1180-81), учинчиси «Лайли ва Мажнун» (1188-89), тўртинчиси «Ҳафт пайкар» (1196-97),

бешинчиси «Искандарнома» (1196-1201)дир. Низомий бу дostonларини ўзи «Хамса» деб атамаган. Унинг мухлислари бу асарларни йиғиб, уларга «Панж ганж» («Беш хазина») деб ном берганлар.

XIII аср охири ва XIV аср бошларида Ҳиндистонда яшаган ватандошимиз (асли Шаҳрисабздан бўлмиш) Хусрав Дехлавий (1253-1325) 1299-1302 йилларда форс тилида беш дoston яратди ва уларни «Хамса» деб атади. Бу туркум қуйидаги дostonлардан иборат: «Матлаъ ул-анвор», «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий», «Ҳашт беҳишт».

Бу икки шоир асарларининг ўзаро умумий хусусиятлари ҳам бор, яъни, улардаги биринчи дostonлар сюжетли эмас, кейинги дostonлар эса сюжетли, иккала туркум асарларда ҳам воқеалар исломгача бўлиб ўтади.

XIV асрда Хожуи Кирмоний ҳам бешлик яратиб, уни «Хамса» деб атади. Бу асар тамомила янги хусусиятларга эга бўлган асардир. Буни дostonларнинг номларидан ҳам сезиш мумкин: «Ҳумой ва Ҳумоюн», «Гул ва Наврўз», «Равзат ул-анвор», «Камолнома», «Гавҳарнома» (1332-1348).

Бундан ташқари, Алишер Навоийгача Салмон Савожий, XV асрда Жамолий Табризий, Котибий, Кавкабий, Ашраф каби шоирлар турли тарздаги бешликларни яратган эдилар. Жумладан, Ашраф Мароғавийнинг шахсияти (ваф. 1459) ва унинг «Хамса»си ҳақида Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида тўхталиб ўтади. Ашраф бешлигининг таркиби қуйидагича: «Минҳож ун-нажот», «Ширину Хусрав», «Лайлову Мажнун», «Ҳафт авранг», «Зафарнома». Бу асарлар орасида Низомий ва Хусрав Дехлавий дostonлари ғоявий-бадий жиҳатдан яхлитликка, умумийликка эга. Демак, «Хамса»лар икки хил типдан иборат экан, Навоий ўзигача хамсанависликда бўлган яхлитликни ташкил этувчи анъанани давом эттиришни ният қилди.

Бу даврда «Хамса»ларнинг типлари қуйидагича бўлди:

- Низомий ва Хусрав дostonлари (ғоявий-бадий яхлит асарлар, қахрамонлари яхлит);
- Хожуи Кирмоний «Хамса»си фақат беш дostonдан иборатлиги жиҳатидан «Хамса» деб номланган;
- Абдурахмон Жомий сабъаси (етти дostonдан иборат асар).

Алишер Навоий биринчи бўлиб туркий тилда ўзининг «Хамса»сини яратар экан, Низомийдан ижтимоий-фалсафий ифода тарзини, Хусрав Дехлавийдан саргузашт асар яратиш тажрибасини

ўрганди. У «Хайрат ул-аброр» достонини ёзишда Низомийга, «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» достонларида Хусрав Дехлавийга эргашади. Чунки, бу икки асар ўша даврда жуда катта аҳамиятга эга машҳур асарлар эди.

Алишер Навоий «Хамса»сининг тўнғич нусхаси 1484 йилда Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган. Бу нусха Самарқанддан топилган эди ва бунда профессор Е.Э.Бертельснинг хизматлари катта бўлган. Шундан кейин Навоий «Хамса»сини Султонали Машҳадий ва бошқалар кўчирганлар. 1485 йилда «Хамса»нинг Султонали Машҳадий кўчирган нусхаси Лондонда сақланади.

1960 йилларда Порсо Шамсиев «Хамса»нинг 1485 йилги нусхасидан фойдаланиб, нашр эттирди. Бу иккинчи таҳрир этилган нусха бўлиб, унда баъзи сўзлар ўзгартирилган.

«Хамса» 25615 байтдан иборат асардир. Ҳажм жиҳатидан энг катта достон «Садди Искандарий» достонидир. Чунки, Навоий ўз идеаллари бадиий тарзда ифода этилган достонларга катта эътибор беради. «Хайрат ул-аброр» достони 3988 байтдан, «Фарҳод ва Ширин» 5282 байтдан, «Лайли ва Мажнун» 3622 байтдан, «Сабъаи сайёр» 5008 байтдан ва «Садди Искандарий» 7215 байтдан иборат.

Алишер Навоийнинг ўзи эътироф этишича, у «Хамса»ни олти ой ичида ёзган. Лекин, бу машаққатли меҳнатга узок тайёргарлик кўрган. У 25-27 ёшларидан 42 ёшигача ҳам илмий салоҳият, ҳам бадиий маҳорат жиҳатидан муайян юксак даражага етади, ҳам ёзилажак асар учун материал йиғади, фикрларини «пишитади». Шоиргача туркий тилда битилган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-ҳақойиқ», Ҳайдар Хоразмийнинг «Маҳзан ул-асрор» каби эпик асарлари бор эди. Лекин, туркий адабиётда «Хамса» типигаги туркум асарлар тажрибаси йўқ эди. Навоий бундай асарни яратишдан мақсадим «Хамса»ни такомиллаштириш эди, бу асар халқнинг майлига лойиқ бўлиши керак», дейди. У ўзаро ўхшаш нарсалардан ўхшамайдиган (назираи беназир) нарсаларни дунёга келтирди.

Низомий ўз асарини Шарқ маърифий юксалишининг бошланишида ёзган бўлса, Навоий ижоди Шарқ Ренессансининг якунига тўғри келди. Навоий «Хамса»си кенг жуғрофий ҳудудни камраб олиб, ўзида Ренессанс даври илмий-бадиий тафаккури маҳсулини ифода эттирди.

«Хамса»да араб, юнон, ҳинд, форс, турк адабиётшунослиги ўз аксини топди. У давр адабиётшунослигининг асосий талаби янги асар ёзиш эди. Навоийнинг улуғворлиги шундаки, эскирган деб

ҳисобланган дostonларга мурожаат этиб, уларни янгитдан энг баланд савияда қайта яратди.

Бу ҳодиса фақат жасорат ва қаҳрамонлик эмас, балки сўз топиш қийин бўлган жуда юксак бир ҳислат эди. Навоий «Хамса»си ўз давридаёқ тўғри тушунилган эди. Бу юксак маҳорат маҳсулини шоирнинг устози Мавлоно Абдурахмон Жомий қуйидаги самимий сатрларда мадҳ этиб, унинг моҳиятига баҳо берган эди:

Туркий тилда дағи нақш келди ажаб,
Ҳатто сеҳргарлар боғлади лаб.
Бундай ёқимли нақш туширган қалам,
Бошига офарин ёғдирсин олам.
Кечирсин форсийда гавҳар терганлар,
Дарий тилида дур, ғазна терганлар,
Бунинг тили ҳам гар бўлганда дарий,
Мажолсиз қоларди уларнинг бари.

(«Оинаи Искандарий»).

Туркий тил мавқеини баланд мақомга кўтариш ишини давлат сиёсати даражасига кўтарган шаҳаншоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро эса шоирга қарата «Сиз менинг пиримсиз, мен Сизга муридман. Мен мамлакат подшоҳи бўлсам, Сиз назм мулкининг шоҳисиз», дейди.

Хуллас, буюк маънолар уммони, шарқ адабиётида мўъжизавий ҳодиса бўлмиш Алишер Навоий «Хамса»си ҳали узоқ йиллар ўрганилиши лозим бўлган асардир.

Алишер Навоий «Хамса»сининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»дир.

«Хамса»да Алишер Навоийнинг идеаллари ўзининг бадиий ифодасини топади. Унинг ҳақиқий дўст ҳақидаги, одил подшоҳ ҳақидаги орзу-хаёллари «Ҳайрат ул-аброр» достонида акс этади. Бу асар шоирнинг бутун «Хамса» учун ёзган дастурномасидир.

«Фарҳод ва Ширин» достонида шоирнинг қаҳрамонлари фаол, ғайратли, «Лайли ва Мажнун»да эса қаҳрамонлар пассив. «Ҳайрат ул-аброр»да шоир лирик чекиниш қилади.

Навоийга хос бўлган тасвир услуби – романтик тасвир услубидир. Маълумки, романтик услубда ёзилган асарлар қаҳрамонлари реал ҳаётга яқинлашган сари фожиага учрайди. Масалан, Мажнунни хайвонлар тушунади, лекин одамлар тушунмайди. Фарҳод ва Ширин ўсган муҳитда ёшлар учун ҳамма нарса муҳайё қилинган эди, аммо, улар бахтли бўла олмайди. «Лайли ва Мажнун» достонида эса ёшларга ижтимоий номуносиблик ҳалал беради. Бу идеаллар орзуси амалга ошмаганлигининг биринчи сабаби бўлса, иккинчи сабаб

тўртинчи дostonда очиб бeрилади. Яъни, комил инсонлар бахтига Баҳром каби подшоҳлар тўғаноқ бўлиши мумкин. Шоир шундай савол қўяди: «Идеаллар амалга ошмоғи учун нима керак?», ва ўзи жавоб бeради: Искандар керак, яъни одил шоҳ керак.

«Хамса» дostonлари яхлит асар сифатида яратилган. Уларнинг хатто ўрни алмаштирилса, бу яхлитликка путур етади. Буни Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтган:

Чу «Ҳайрат»га солдим кўнгул рағбатин,
Анга ғолиб эттим улус ҳайратин.
Чу «Фарҳод»га бўлдум андешавар,
Туз эттим бaсe тоғ – ўлуб тешавар.
Чу «Мажнун» ҳадисиға туздум фунун,
Бaсe халқни қилди шайдо жунун.
Яна «Сабъа»га табъим ўлғоч қарин
Эшиттим ети чархдин офарин.
Скандарга тил тортиб озар киби,
Дедим они «Сади Скандар» киби.

Шу боис «Хамса»га таъриф берганда беш мустақил дostonдан иборат, деб айтиш тўғри эмас. Чунки, «Хамса» ғоявий-бадий яхлит асардир.

«Ҳайрат ул-аброр» («Яхшиларнинг ҳайрати») 3988 байтдан иборат бўлиб, аруз вазнининг сареъи матвии макшуф матнида ёзилган:

Ҳайрати аб/рор кўруб/ зотини,/
«Ҳайрат ул- аб/рор» дедим/ отини
-vv- -vv- -v-
муф та и лун/ муф та и лун/ фо и лун/

Бу байтда чўзиқ ва қисқа ҳижолаp олти марта такрорланади. Шунинг учун мусаддас – олтилик дейилади. Бу жуда ўйноқи вазн.

Достон 63 бобдан иборат. Унинг асосини 20 мақолат ҳамда 20 ҳикоят ва масаллар ташкил этади. 23 боб эса асосий бобларга хизмат қилувчи боблар бўлиб, кириш ва якунловчи қисмлардан иборат.

Достондаги ҳар бир мақолат 2 қисмдан иборат, яъни, аввал назарий фикр билдирилади, кейин ҳикоят келтирилади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг архитекtonикаси – қурилмаси шундан иборатки, унда мақолат ва ҳикоятларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. «Хамса»нинг яхлитлиги бу ҳолатларда ҳам намоён бўлади.

Достондаги биринчи мақолат имон ҳақида, иккинчиси эса ислом ҳақида. Бу мақолатда тасаввуфий ва каломий йўналишлар бирлашиб кетади ва шоирнинг фалсафий дунёқараши намоён бўлади.

Учинчи мақолат адолатли султонлар – шоҳлар мадҳига бағишланган, тўртинчи мақолат икки хил шайхлар таърифига, бешинчи мақолат – карам ва саховат васфига, олтинчи мақолат – адаб зикрига, еттинчи мақолат – қаноат тариқига, саккизинчи мақолат – вафо, тўққизинчи мақолат – ишқ, ўнинчи мақолат – ростлик, ўн биринчи мақолат – илм, ўн иккинчи мақолат – қалам аҳли ҳақида, ўн учинчи мақолат – булут каби фойда келтирувчилар зикрида, ўн тўртинчи мақолат – афлок (дунё) ҳайъатидан шикоят, ўн бешинчи мақолат – жоҳил ва майпараст амалдорлар ҳақида, ўн олтинчи мақолат – худнамолар ҳақида, ўн еттинчи мақолат – баҳор фасли ва унинг фазилатлари ҳақида, ўн саккизинчи мақолат – фалак ғамхонаси ҳақида, ўн тўққизинчи мақолат – Ҳирот ва Хуросон тасвирида, йигирманчи мақолат – валиаҳд шахзода Бадиуззамон Мирзо ва унинг таърифига бағишланган.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг лейтмотиви (бошидан охиригача ўтадиган масала) ижтимоий ҳаёт – ижтимоиёт масаласидир. Бу асарда қаҳрамонлар кўп. Лекин бу асарнинг бош қаҳрамони мутафаккир шоирдир. Навоий ўз замонасидаги камчиликларни кўпроқ танқид қилди. Шоир деҳқон шахсини ниҳоят даражада юксакка кўтаради. Подшоҳ ҳам мамлакатни бошқаришда деҳқондан ўрганиши керак, дейди шоир. У подшоҳдан кўра деҳқонни фазилат ва инсонийликда юксак эканлигини тасвирлашга интилади. Шоир ўз замонасини «фарҳодкуш замона» деб атайдиган. Унинг ўзи ҳар доим халқ манфаатини ўйлагани учун бу аҳволдан ниҳоятда изтироб чекади.

Алишер Навоий мусулмон эди. Аммо, у мусулмон бўла туриб халқни алдовчи, мўминларга зарар келтирувчи риойи шахсларни «девила шайтон» деб атайдиган:

Бу эл эрур барча ямондин ямон,
Кимса йўқ андин ямон, андин ямон.

Албатта, Навоий яшаган XV аср шароити ҳам ҳавас қилгулик эмас эди. Буни шоир ниҳоятда ҳаққоний ифодалайди:

Неча ситам қилгучи обод ўлуб,
Барча ситам чеккучи барбод ўлуб...

«Ҳайрат ул-аброр»да гарчи алоҳида бош қаҳрамон ёки образ бўлмаса-да, бу асар бадиий жиҳатдан жуда кучли асардир.

Шоир инсонни тарбиялаш орқали уни тузатиш мумкинми?, деган масалага эътибор бериб, инсонни илм тарбиялаши мумкин, деган фикрни айтади. У «илм» сўзини Ғ – қуёш, Ҷ – ой, Ғ – кундуз, деб шарҳлайди. Шоирнинг назарида илмнинг бор – йўғи ёруғликдан

иборат. Илм жаҳолат нуруни ёритади. Илмли инсон эса илмига яраша амал қилмоғи лозим. Аммо:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию элини барбод этар.

Шоирнинг фикрича, «жаҳолат тунини ёритаман», деган одамгина ҳақиқий олим бўла олади. Олимлар ганж сингари ер остида тупроққа кўмилиб ётади, жоҳиллар эса тиканлар каби ер юзида юради.

Инсонийликнинг шартларидан бири илм бўлса, бири – ишққа садоқат, дейилади:

Ёрки бор анда вафо бордир,
Умр дегин, ёри вафодордир.

Шоир бу тушунчани ниҳоятда кенг тушунади. Унинг наздида ишқ инсонларга нисбатан, худога нисбатан, касбга нисбатан, ота-онага нисбатан, дўстга нисбатан ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Аммо, унинг асли, моҳияти поклик бўлмоғи лозим:

Ошиқ аниким бил, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Саховат ҳақида сўз юритар экан, мутафаккир «Саховат – бу исрофгарчилик эмас», дейди. Яъни, шундай кишини сахий деб бўладими –

Ким юборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам узотиб зирани Кирмон сари.

Муҳтожнинг ҳолатини чиқариш – сахийликдир.

Ҳотами Тойий ҳақидаги ҳикоятни келтирар экан, Навоий «Ким сахий?», дея савол қўяди.

- Давлатманд сахийми ёки ўз меҳнатидан келган неъматга қаноат қилган одамми?

Кей солибон ҳирс аёғинга банд,
Озу тамаъ бўйнунга боғлаб каманд.
Водийи ғайратқа қадам урмағон,
Кунгури ҳимматга алам урмағон.
Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.
Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Инсоннинг фазилатларидан бири ўзини тута билишдир, Яна бир фазилати – ота-онасини ҳурмат қилишидир.

«Ҳайрат ул-аброр»да жамият фаровон, ҳукумат адолатли, инсон бахтли бўлмоғи учун нималар лозим эканлиги хусусида фикр юритилади. Мақолатларда бахтли яшашни истаган инсон учун зарур

бўлган фазилатлар ҳақида сўз юритилади. Аммо, шоир достонда келтирган Шоҳи Ғозий ва Тилла кампир ҳикояти воситасида давлат мустаҳкамлиги ва жамият фаровонлигининг асоси адолатли ҳукмдор эканлигини таъкидлайди. Давлатда адолат, жамиятда осойишталик барқарор бўлиши учун подшоҳ хатто ўз фарзандларини ҳам қурбон қилмоққа тайёр бўлмоғи лозим. Бу фикрнинг муболаға эмаслигини тасдиқлаш учун шоир Хуросон подшоси Султон Ҳусайн Боқаро ҳаётида юз берган тарихий бир воқеани мисол қилиб айтади.

«Ҳайрат ул-аброр» достони ҳар жиҳатдан ғоялар хазинасидир. Унда ҳар нуқтаи назардан комил инсон Алишер Навоий даврининг зукко ўқувчиси кўз ўнгида гавдаланиб туради.

«Фарҳод ва Ширин». Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги идеалларини «Фарҳод ва Ширин» достонида ёритиб беради. Навоийга қадар турли халқларнинг ёзма адабиётида, халқ оғзаки ижодида ҳамда бадиий адабиётда бу сюжетдаги каби асарлар бор эди. Аммо, Навоий тамоман янги мазмун ва услубдаги асар яратишни ният қилади:

Ани назм этки, тархинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.

Фарҳод тимсоли барча асар ва ривоятларда халқ наздида меҳнаткаш инсон сифатида намоён бўлади. Хоразм водийсида тарқалган ривоятларга кўра Фарҳод – тошйўнар, Сирдарё водийсида эса Фарҳоднинг канал қазииши ҳақидаги ривоятлар бор.

Қадимги Хоразм экспедициясини амалга оширган олим А.С. Толстов «Девқалъа» деб аталмиш қалъага дуч келади. XII асрда қум остида қолиб кетган Девқалъа ҳақида шундай ривоят борлиги ҳикоя қилинади: Хоразм шоҳи қизининг гўзаллиги овозаси Фарҳоддегача етиб борибди. Дев қизга совчи қўйибди. Қизини девга беришни истамаган шоҳ бир кампирни маслаҳатга чақирибди. Кампир шоҳга «Девга қумликда тошдан иморат қуришни буюр», деб ўргатади. Фарҳоддев ишга киришади ва тез орада қалъа тайёр бўлади. Шунда кампир девдан қутулиш учун бир хийла ишлатади. 7 минг туя, от, қўйнинг кўз олдида болалари сўйилади. Фарёд урган жониворларнинг овозлари ғайритабиий эшитилади. Шу пайт кампир дев олдида келиб: «Дев, шоҳ қизи оламдан ўтди, халқ йиғлаяпти», дейди. Аламда ёнган дев охирги тошни ўз бошига отиб, ўлади.

Бу фикрлар ёзма адабиётда ҳам қайд эттирилган сосонийлардан бўлмиш Хусрави Парвез ҳақидаги асарларда, биринчи бўлиб бу мавзуда достон ёзган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида бу сюжет ўз ифодасини топади.

Низомий Ганжавий бадиий жихатдан янги «Хусрав ва Ширин» достонини юзага келтирди. Низомийнинг достонида Хусрав подшоҳ ва ошиқ бир киши. Навоийнинг фикрича, Хусрав подшоҳ экан, ҳақиқий ошиқ бўла олмайди. Достоннинг бош қаҳрамони – Ширин. Фарҳод достонда фақат битта эпизодда учрайди. У Ширинни сут билан таъминлаш учун сут каналини қазिश лавҳасида кўринади.

Хусрав Дехлавий бу сюжетдаги достонини «Ширин ва Хусрав» деб атайди. Достонда бош қаҳрамон Хусравдир. Лекин, бу Низомийнинг қаҳрамонидек маънавий тарбияланувчи, ёмон хулқларидан кутулиб, «тузалувчи» Хусрав эмас, балки у бошдан оёқ адолатли шоҳдир.

Низомий достонида Фарҳод фақат ҳунарманд эди. Хусрав Дехлавий достонида эса Фарҳод – шахзода, Чин хоқонининг ўғли. Хусрав асаридаги Ширин Низомий тасвирлаган Шириндек мағрур эмас, у бошқа Ширин.

Кўринаётганидек, «Хамса»ларнинг Алишер Навоий давригача бўлган достонларида образлар талқини ўзгариб боради.

Озарбайжон шоири Ориф Ардабели «Фарҳоднома» деган асар ёзган. Бу асар гўё икки қисмдан иборатдек тасаввур уйғотади. Асарда Фарҳод тошйўнар сиймосида намоён бўлади. У ҳам шахзода, ҳам рассом. У абхазиялик рассом Шопур билан танишади. Шопур Фарҳодга абхазиялик тошйўнар устанинг Гулистон деган қизи борлиги ҳақида хабар беради. Фарҳод уни ғойибона севиб қолади ва унга эришиш учун тошйўнарлар конкурсига қатнашади ва ғолиб чиқиб Гулистонга уйланади.

Шундан сўнг Фарҳод Абхазия подшосининг қабулига боради. Подшоҳнинг 9 яшар Ширин исмли қизи Фарҳодни севиб қолади. Бу орада Гулистон вафот этади. Шундан кейин Фарҳод ва Ширин севги можароси бошланади. Асарни «Фарҳод ва Гулистон», «Фарҳод ва Ширин» деб икки қисмга бўлиш мумкин.

Навоий ўзигача ёзилган Фарҳод қиссаларининг ҳаммасини билар эди. У Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий ижодий анъаналарини давом эттириб, ўзининг такрорланмас, Янги «Фарҳод ва Ширин»ини майдонга келтиради. Шоир бу асар устида иш бошлаган пайтда Қутб Хоразмийнинг туркий тилдаги асари (Низомийнинг таржимаси) бор эди. Лекин, Навоий Низомийнинг оригиналига мурожаат этади. Шоир бу достонида подшоҳзодалар қандай бўлиши керак, деган саволни кўяди. У Фарҳодда ўша замондаги шахзодаларда бўлмаган сифатларни мужассам этди. Бу Навоий даврининг сиёсий-ижтимоий

соҳадаги масалаларидан бири эди. Яъни, давр ижтимоий тафаккури «Шахзода қандай бўлиши керак?», деган саволга жавоб излар эди.

Давлат мустаҳкамлиги ва жамият равнақининг яна бир асосий талаби – бу шахзодалар ва бўлғуси давлат арбоблари тарбиясига каттиқ киришмоқдан иборатдир. «Муншаот»да Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро, валиаҳд шахзода Бадиуззамон Мирзога давлат ишларини юритиш соҳасидаги маслаҳат ва насиҳатлари акс этган мактублари жойлаштирилган. Шоир шахзодалар тарбиясида нималарга эътибор қилмоқ кераклигини аниқ таъкидлайди. У «Фарҳод ва Ширин» достонининг шахзода Шоҳ Ғариб Мирзога бағишланган 53-фаслида шоҳ илмни чуқур ўрганмоғи лозимлиги, ҳақиқий илм эса шоир яшаган даврнинг етакчи мафкураси бўлмиш – дин илми эканлигини уқтиради. Илмда асосийси, дейди шоир, фикҳ, яъни Ислом қонуншунослиги (юриспруденция), ҳадиси набавий – тўғри яшаш дастури ва тафсир – илоҳий китоб ҳикматларини англамоқдир:

Шаҳ улдурким, шиори илми диндур,
Нединким, илми дин илмул-яқиндур.
Улум ичра ўқусанг юз туман фасл,
Тамоми фаръу, дин илми эрур асл.
Бу дин илмики, хомам қилди таҳрир,
Эрур фикҳу, ҳадису, сўнгра тафсир.

Алишер Навоий ўз достонида идеал шахзоданигина эмас, комил инсонни гавдалантирди. Достонда намунали шахзода яратиш ғояси борлиги туфайли образ доираси ниҳоятда кенгайиб кетади. Шоир бу образни яратишда халқ оғзаки ижодига ҳам мурожаат этади. Навоийнинг Фарҳоди дев эмас, аммо девнинг ишини қилади, сув каналини қазади. Чунки, сутдан кўра халққа сув керак.

Навоийнинг Ширини ҳам мустақил, ниҳоятда ажойиб тарбия топган, атрофи хунарманд, билимдон қизлар билан ўралган образ. У ва Фарҳод бир-бирларига мувофиқ шахслар. Уларнинг ажойиб инсонлар бўлиб етишувига шароит яратувчилар бор эди. Булардан бири Фарҳоднинг отаси – хоқон, иккинчиси – Шириннинг аммаси Меҳинбону. Навоийнинг романтик қаҳрамонлари майдонга келиши учун романтик шароит мавжуд эди.

Достондаги Хусрав образи ҳам аввалги шоирларнинг асарларидаги Хусравдан фарқ қилади. Бу образ талқини Навоийнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши асосида юзага келган. Шу боисдан ҳам бу достондаги Хусрав салбий қаҳрамондир.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони 1484 йилда арузнинг ҳажази мусаддаси маҳзуф баҳрида ёзилган. Бу баҳрнинг тақтиби:

v - - - /v - - - /v - -
мафоилун/ мафоилун/ мафоил
v - - - /v - - - /v - -
мафоилун/ мафоилун/ мафоил

Ҳунарни ас/рабон неткум/дур охир,
Олиб туфроқ/қаму кетгум/дур охир.

Достон анъанавий ҳамд ва наътлар билан бошланади, қалам васфи, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ҳақидаги боблардан сўнг достоннинг ёзилиш сабаблари ва ундан кузатилган мақсад баён этилади.

Шундан сўнг қаҳрамонлик – саргузашт достоннинг асосий воқеалари баёни бошланади. Алишер Навоий достонининг асосий қаҳрамони Фарҳоддир. У ҳам худди Хусрав Деҳлавий сингари Фарҳодни Чин хоқонининг ўғли сифатида тасвирлайди. Шоир Фарҳоднинг исмини шарҳлар экан, комил инсон сифатларини санаб, унинг портретини яратишга ҳаракат қилади:

Жамолидин кўрунғач фарри шоҳий,
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи.
Қўюб юз ҳиммату иқболу давлат,
Ҳамул фар соясидин топти зийнат.
Бу жавҳарларга чун иснод топти
Мураккаб айлагач Фарҳод топти.

Шу билан бирга Фарҳоднинг:

Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок.

Алишер Навоий тасвиридаги Ширин ҳам ҳар жиҳатдан гўзал инсон. Унинг маънавий дунёси ва уни ўраб турган муҳит ҳам ҳар жиҳатдан Фарҳодга мос, гўзал ва юксак даражада. Шоир бу икки бадиий тимсол мисолида ҳам ўз даври учун, ҳам ўзидан кейинги барча даврлар учун ибрат бўла оладиган маънавий гўзал ва самимий, комил инсонлар концепциясини яратади.

Фарҳод ва Ширин саргузашти фожиа билан тугайди. Лекин, достон бу билан тугамайди. Фарҳоднинг кўкалдоши Баҳром Арман ўлкасига келиб дўсти шахзоданинг ўзини эмас, қабрини топади. У кўз ёшларини тўкиб:

Кўзим чиқсун сени кўргунча мундоқ,

Кесилсун тил сени сўргунча мундоқ,
Нелар келмуш бошингга ғурбат ичра,
Не ғурбатлар чекибсан кулфат ичра,

дея фарёд қилади. Баҳром Хусравнинг ўғли Шеруяни жангда енгади ва Арманистонга одил ҳоким қўйиб кетади. Шу билан бирга зулмга чек қўйилиб, адолат тантана қилади. Бундай хотима билан Алишер Навоий ўз идеалларига қаттиқ ишонишини намойиш этади. У Фарҳоду Ширинлар мақсадига етолмай вафот этсалар-да, барибир Баҳромлар келади ва ҳақиқат ғалаба қозонади, деган фикрни баён этади.

Алишер Навоийнинг ушбу достони икки жинс вакиллари бўлмиш етук, маърифатли инсонларга қўйилган олтин ҳайкал сифатида фақат ўзбек китобхони томонидан эмас, Европа, рус ва бошқа хорижий шарқ халқлари томонидан ҳам севиб ўқилади.

«Лайли ва Мажнун». Бу дoston Алишер Навоий «Хамса»сининг учинчи достони бўлиб, 1484 йилда ёзилган. Бу мавзуда Алишер Навоийдан олдин асар ёзган адиблар арабларнинг Омир қабиласидан бўлган Қайс қиссасига асосланадилар. Бу қисса аввало араб шоирлари шеърларида куйланган бўлса, кейинчалик «Хамса»лар таркибига киритилади. Алишер Навоий Низомий, Хусрав Дехлавий, Ашраф, Абдурахмон Жомий, Шайхим Сухайлий ёзган дostonларини ўз асарида ҳурмат билан тилга олади. Навоий бу дostonлардан фарқ қилувчи туркий тилда янги дoston яратишни ният қилади:

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.

Достон ҳажаз баҳрининг «мафъулу мафоилун фаулун» рукнида ёзилган.

Ёзмокқа бу ишқи жовидона,

- v v / v – v - / v - -

Мақсудим эмас эди фасона.

- v v / v – v - / v - -

Лекин чу рақамға келди мазмун,

- v v / v – v - / v - -

Афсона анга либоси мавзун.

- v v / v – v - / v - -

мафъулу/ мафоилун/ фаулун

- v v / v – v - / v - -

Алишер Навоий бу дostonда ўз идеалларининг фожиага учраши сабабларини очиб беради. Дostonда, гўёки, бошдан охиригача шоирнинг ҳазин йиғиси эшитилади:

Бир наъшқа солдилар иковни,
Жонсиз келину ўлук куёвни...

Сўнгин нечаким узаттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугатдим охир.

Дoston воқеалари Лайли ва Мажнун саргузашти бошланмасдан олдин «Ул тун муҳаббати таърифида...» деб номланган боб билан бошланади. Лайли ва Мажнун қиссаси ниҳоясига етгач эса, «Ишқ таърифидаким» сарлавҳаси билан бир боб келтирилади. «Бу боб диққат билан ўқилганда, шу нарса аён бўладики, - деб ёзади Б. Валихўжаев, - унда Алишер Навоий биз жавобини топишга интилган саволларга ҳам, дoston ва унинг тимсолларини таҳлил қилиш бўйича асосий йўналишларни ҳам баён этади».¹

Алишер Навоий ҳар бир дostonини бошлар экан, дostonнинг вазнини ҳам унинг мавзуйига боғлаб танлайди, асар бошланишидаги воқеа тасвири билан ҳам ўқувчини тайёрлайди. Шоир ўзининг идеалларига ҳамиша умид билан қарайди, уларнинг мағлубиятга учрашини истамайди.

Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббатини тараннум этар экан, шоир бу ишқнинг аввало оддий инсонга – ер гўзалига нисбатан бўлган мажозийдан Мутлақ Гўзаллик – Аллоҳ таолога нисбатан бўлган ҳақиқий ишқ даражасига кўтарилишини ёритиб беради:

Бу ишқки, бахти комрондин,
Холи бўлмай замоне ондин.
Гарчи ики навъ ўтти рози,
Аввалғини англағил мажозий.
Ким дурру гудозу сўз бирла,
Юз шўълаи жонфирўз бирла.
Чун айлади покликка мавсуф,
Ул навъ қилур бировга машъуф.
Ким ишқ аро фироқ ила дард,
Ўзлукдин этар тамом ани фард.
Бил сўнграғи ишқни ҳақиқий,
Ким давлат эрур анинг рафиқи...
Мажнунга бири бўлуб мусаллам,

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-қисм. Самарканд: 2002. 44-бет.

Баҳра топти иккинчисидин ҳам.

Алишер Навоий наздида Мажнун инсоний, авом ишқи – мажозий ишқда камолотга эришиб, ҳақиқий ишқ мақомига етган ориф инсонлар тимсолидир.

Лайли эса Мажнун учун Буюк яратувчи камолотини ўзида намоён этган кўзгудир. Шу боис Мажнун жисмоний хилқат бўлмиш Лайлини – кўзгуни эмас, балки кўзгу ичидаги моҳиятни севади. Буни шундай мисол орқали тушунтириш мумкин: ажойиб санъат асарини томоша қилган инсон бу асарнинг ўзини эмас, унинг устасини мақтаб, офарин айтади. Шоир ушбу дostonда дунё ҳаётида ҳар жиҳатдан покликка эришган комил йигит ва комила қиз ҳақидаги мулоҳазаларини Мажнун ва Лайли тимсоллари воситасида ёритиб беради.

Дostonда бошқа маънавий етук шахслар тимсоли ҳам мавжуд. Булардан бири шоҳ Навфалдир:

Навфалки арабда эрди нодир,
Тиғики қадар ўқига қодир.
Яхшилик ила Арабда мавсум,
Орамгаҳи бу марз ила бум...
Навфал дағи ишқ кўрган эрди,
Ғам дашти аро югурган эрди.

Аммо, Навфал ишқи, унинг қизи ва қизининг севгилиси ишқи шоир таърифлаган «аввалғи ишқ» даражасида эди. Шу боисдан ҳам Навфал Мажнун муҳаббатини чуқур тушунмай, унга ўзининг қизига уйланишни таклиф этади.

Академик Б. Валихўжаев «Лайли ва Мажнун» дostonининг хусусий ғоявий-бадий жиҳатлари ҳақида фикр юритар экан, жумладан, шундай дейди: «Агар диққат билан қаралса, бу икки дostonни («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» - М.М.) бир-бирига яқинлаштирувчи муштарак мавзу – комил инсон мавзусидир. Бу мавзу уларни бир-бирига боғлабгина қолмайди, балки мавзунинг ҳар бир дostonда ўзига хос тарзда ёритилиши уларнинг услубий ўзига хосликларини намоён этади, яъни «Фарҳод ва Ширин»да бу мавзу ижтимоий фаоллик кўламида ёритилса, «Лайли ва Мажнун»да эса асосан ишқ майдонидаги ички кечинмалар, руҳий ҳолатларнинг чуқур тасвири орқали ниҳоятда маҳорат билан тасвирланади».¹

«Лайли ва Мажнун» дostonи инсон муҳаббати ифодасининг энг ажойиб намунаси бўлиб, Алишер Навоий бадий маҳоратининг янги қирраларини ўзида намоёиш этади.

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-қисм. Самарқанд: 2002. 49-бет.

«Сабъаи сайёр». Бу дostonда Алишер Навоий «Хамса»нинг аввалги дostonларида қўйган саволларига ҳануз жавоб излайди. У инсонларнинг камолотга, ўз идеалларининг мақсадга эришмаганликларининг биринчи сабаби ота-оналарнинг уларни тушунмаганликлари бўлса, иккинчи сабаби – адолатсиз шохлардир, дейди.

Достон «Етти кезувчи, сайр қилувчи» деб аталиб, ҳафиф баҳрининг

фоилотун мафоилун фаилун

- v - - / v - v - / v v -

рукнида ёзилган. Шоир «Сабъаи сайёр»ни ҳижрий 889-йилнинг жумодиёс-соний, милодий 1484 йилнинг июнь ойида ёзиб тугатган. Достон шоирнинг ёзишича, 5000 байтдан иборатдир.

Аммо бу катта асарни у тўрт ойда, балки тўрт ҳафтада ёзиб тугатиши мумкин эди:

Менга айёми гарчи ёд эмас,
Лек тўрт ойдин зиёд эмас.
Бўлсам ўзга умурдин эмин,
Бор эди тўрт ҳафта ҳам мумкин.

Алишер Навоий бу дostonда ҳам салафлари билан мусобақага киришади. Бу дoston сюжети ҳам Навоийга қадар кўп ишлатилган. Фирдавсийнинг «Шохнома»сида Баҳром ва Озода, Низомийнинг «Ҳафт пайкари»да Баҳром ва Фитна, Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт»ида Баҳром ва Дилором, Навоийдан кейин яратилган асарлар – Озарбайжон шоири Абдибек Шерозий (XVI аср) «Хамса»сида Баҳром ва Ноҳид (Зухра), урду адабиёти вакили Ҳамид (XVII аср) бешлигида Баҳром ва Хусн, Сайқалий (XVIII аср) асарида Баҳром ва Гуландом қиссалари баён этилади. Бу мавзуда ҳиндистонлик Айшат деган шоир ҳам асар яратган.

Баҳром – тарихий шахс, сосонийлар давлатининг вакили. Унинг маъшуқаси эса тўқима образ. Шунинг учун ҳам шоирлар Баҳром номини ўзгартиришсиз қолдириб, унинг маъшуқаси исмини ўзгартирганлар.

Алишер Навоий ўз дostonини яратишда кўпроқ Хусрав Деҳлавийга майл кўрсатади. Шоир салафларидан фарқли ўлароқ, мазмунан бир-бирига боғланмаган ҳикоятларни келтирмайди. У дostonда ҳикоятларни ўзаро мантиқий боғлай боради ва асар ниҳоясида Дилором тимсолига яна қайтади. Навоийдан аввалги шоирлар дostonларида ҳикоятлар маликалар тилидан айтилар эди. Навоий бу усулни маъқул кўрмайди. Чунки, шоир яшаган даврда

анъанага кўра, ҳар бир темурий подшоҳ ва шахзодалар ҳузурида қиссахонлар бор эди. Шунинг учун шоир маликаларнинг қиссахон бўлишини хоҳламайди.

«Сабъаи сайёр»нинг қолипловчи қиссаси Баҳром ва Дилором саргузаштларидан иборат. Аммо, Алишер Навоий бу дostonни ёзишдан асосий мақсад – етти ҳикоятни ёзишдан иборатдир, деб айтади:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо етти ҳикоятдур.

Дostonнинг қолипловчи ҳикоясида шоҳ Баҳром ва Хитой савдогарининг канизаги Дилоромнинг ишқ қиссаси тасвирланади. Гўр – қулон овига чиққан шоҳ Баҳром рассом Монийдан Дилоромнинг таърифини эшитиб, суратини кўради ва унга ошиқ бўлиб қолади. У Хитой мамлакатининг бир йиллик хирожи эвазига канизакни сотиб олади ва саройига келтиради.

Дилором ўзининг бекиёс гўзаллиги ва уста санъаткорлиги билан Баҳром қалбини бутунлай ром этади. Бунинг натижасида мамлакат ишларида парокандалик юз бериб, мулк таназзулга юз тутаяди. Ов саёҳатларининг бирида ўта ғурурга берилган Баҳром Дилоромнинг ҳақ сўзларини мағрурлик нишонаси деб билиб, уни ўз сочлари билан боғлатиб, сахрога ташлаб кетаяди. Аммо, эртаси куни мастлиги таркаган Баҳром уни йўқлаб топа олмайди ва пушаймонлик ҳамда қаттиқ изтироб чекиш натижасида бемор бўлиб қолади.

Шоҳнинг бедаво дардига биров таскин бериш учун етти гўзал қаср бино қилинади ва етти иқлим подшоҳларининг қизлари етти малика келтирилади. Баҳром шанба кунидан бошлаб етти рангли қасрда етти мусофирдан ҳикоя тинглайди ва жума куни хоразмлик мусофир тилидан ҳикоя қилинган саргузаштдан ўз севгилиси дарагини топади. Шундан сўнг ўз ишқига вафодор бўлган Дилоромни яна саройига келтиради ва сўнгсиз айш-ишратга берилади. Навбатдаги ов саёҳатларидан бирида уларнинг ҳаммасини ер ютади.

Дostonнинг асосий ғояларидан бири шундан иборатки, Алишер Навоий битта шахс тимсолида ҳам адолатли подшоҳни, ҳам комил ошиқни мужассам этишни истамайди. Аммо, шоҳ Баҳром бу икки юксак масъулиятни бирдан бўйнига олмоқчи бўлади:

Ки, «Агар бўлса шоҳлиғ боқий,
Топилур бўйла махваш соқий.
Буки васлини топмишам пайваст,
Шоҳлиғ ўлмаса, бермас эрди даст».

Навоий худди шу масалада шоҳ Баҳром фожеасини кўради. Чунки, покиза ишқ инсон қалбига киришдан аввал ундаги бошқа барча дунёвий нарсаларга бўлган мухаббатни чиқариб ташлашга мажбур этади. Яъни, бир инсон қалбида ҳукмдорлик орзу-ҳаваси ва ташвишлари билан биргаликда энг олий инсоний туйғулардан бўлмиш ишқ ўрин ола олмайди.

Алишер Навоий шу тариқа ўзининг сиёсий қарашларини, ўз даври ҳукмдорлари шахсига бўлган муносабатини билвосита бадий тимсоллар орқали ифода этади.

Достон қурилмасида шоирнинг романтик ҳикоялари муҳим ўрин тутати. «Ҳикоялардаги Фаррух, Ахий, Гулчехра, Зайд Заҳҳоб, Саъд, Гулрух, Масъуд, Меҳр, Сухайл, Муқбил каби қаҳрамонларнинг сурати ва сийрати, фаолият ва саргузаштлари шу даражада мароқли ва жозибалики, уларни ўқиган киши Алишер Навоийнинг шеърий ҳикоя ёзишдаги улкан маҳоратидангина ҳайратда қолмай, балки умумбашарий аҳамиятга молик ниҳоятда муҳим масалаларни фалсафий ва ахлоқий йўналишда қаламга олинганининг ҳам гувоҳи бўлади. Улар инсонни комилликка даъват этгувчилардир».¹

Алишер Навоий «хавосу авом» - подшоҳу раият, барча синф ва тоифалардаги инсонлар тарбияси борасида сўз юритган донишманд мутафаккир эди. У давлат ва жамият келажагини ўйлаб қалам тебратди, ҳамиша меҳнаткаш халқ ғаму ташвишига шерик бўлди. «Ҳайрат ул-аброр» достонида меҳнаткаш халқни ўз маънавий ҳимоясига олар экан, шоҳга қараб:

Бил муниким, сен дағи бир бандасен,
Кўпрагидан ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилъат аларға-у сенга тийра хок –

дейдики, мулоҳаза этиб кўрилса, Навоийдан ўзга қай бир шерюрак шоир қайси даврда Хуросон шаҳаншоҳига бу қадар насихат қила олган? «Сабъаи сайёр» достонида шоҳ Баҳром тимсолида Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзога ва Дилором тимсолида маликаи олиймақом Хадичабегимга фақат Навоийгина шундай сўзни айта олар ва уни тушунган маърифатли шаҳаншоҳ учун ҳам бу сўзлар жуда қимматли, кадрли эди. Ҳазрат Навоийга қадар ҳам, ундан кейин ҳам на ғарб адабиётида, на шарқ адабий ҳаётида бадий сўз воситасида фақат раият – оддий инсонларга эмас, балки подшоҳу шахзодалар маънавий

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-қисм. Самарқанд: 2002. 60-бет.

тарбиясига бу қадар қаттиқ киришган, ўктам фикр юритган мутафаккирни учратиш амри маҳол.

«Садди Искандарий». Алишер Навоий «Искандар девори» деб аталмиш бу достонини 1484 йилнинг декабрь ойида ниҳоясига етказган. Шу йилнинг ўзида Абдулжамил котиб уни кўчириб ҳам улгурган. Шоир достоннинг айрим таҳририни 1485 йилда амалга оширган.

Асар машҳур жангнома асарлар ёзилган арузнинг мутақориби мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган:

Скандар жаҳондори кишварситон,

Ишидин чу назм ўлса ҳар достон.

V - - / v - - / v - - / v -

V - - / V - - / V - - / V -

Фаулун фаулун фаулун фаул.

Алишер Навоий «Хамса»сининг барча достонларида бўлганидек, «Сади Искандарий» достонида ҳам одил подшоҳ идеали ифода этилади. Бу достон инсоний жамиятда адолат, адолатли ҳукмдор ва комил инсон маърифати каби масалалар тавсифидан иборатдир.

Достон аввалида Искандарнинг, яъни македониялик Александрнинг тарихий шахс сифатидаги таърифи берилади ва шоир секин-аста ундан бадиий образ яратишга киришади. Бу ҳодиса достоннинг бошиданок Искандарнинг устози Арасту билан қилган савол-жавобларида кўзга ташланади. Асарда келтирилган ҳаётий ҳикоятлар ва масал характеридаги тамсилий ҳикоятлар бадиий тимсолнинг турли жиҳатларини очишга хизмат қилади.

«Садди Искандарий» достонининг майдонга келиши «Хамса»нинг яхлитлигини бадиий жиҳатдан якунлаш билан боғлиқ.

Шарқ адабиётида Искандар қиссаси ва унинг бадиий образ сифатидаги тавсифи машҳур бадиий достонларда – Фирдавсийнинг «Искандарнома», Хусрав Дехлавийнинг «Оинаи Искандарий», Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» каби асарларида ёритилган эди. Навоий бу қиссанинг ниҳоятда узун тарихи борлигини билар эди. Шу нуқтаи назардан у ўз достонида аниқ илмий фактларни беришга, ўзидан олдин яратилган асарларнинг таҳлилини беришга ҳаракат қилади.

Алишер Навоий Искандарни валий тарзида тасвирлайди. Шоирнинг наздида Искандар оддий подшоҳ эмас, балки ғайритабиий кучга эга бўлган подшоҳдир.

Алишер Навоийгача бўлган асарларда Искандарнинг бир «садд» - девор қурганлиги айтилиб кетилади. Навоий ушбу девор эпизодини

бевосита Искандар номи билан боғлайди. Яъни, бу девор Искандар ҳаёти ва мулкдорлик фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Чунки, бу девор оддий девор эмас, балки адолат деворидир.

Алишер Навоий бу достонида ўз даври сиёсий тафаккури учун тамомила янги бир масалани, яъни, подшоҳлик ворисийлик юзасидан бўлмаслиги лозимлиги масаласини кўтариб чиқади. Унинг достонидаги подшоҳнинг тахтга чиқиши ҳам адолат юзасидан амалга ошади.

Навоийнинг Искандари одил подшоҳ, лекин оддий инсон. Шоирнинг муқаддас нияти идеал Искандар образини яратишдир.

Давлатчилик сиёсати мукаммал тизимга солинган, жамият фаровон тараққиётга юз тутган, инсон эса том маънода эркин ва ўз қадру қимматига эга бўлмоғи учун Искандардек подшоҳ керак! Чунки, Искандар шу қадар адолатлики, ўз тожи тахтини ўзидан кўра ақллироқ бўлган гадога бўшатиб беришга тайёр, хотинларини ҳам хирсу ҳавас билан эмас, балки Нозмехр каби оқилалиги, Лўбати Чиний каби ўктамлиги, қаҳрамонлиги учун севади. У олимлар мажлисини хуш кўради, катта шаҳарларни олимларга вақф қилиб беради ва ҳоказо. Давлат мустақамлигининг асосий шарт, дейди шоир, сипоҳнинг (яъни қўшиннинг – армиянинг) подшоҳдан рози бўлмоғи лозимлигидир:

Шаҳеким, спаҳ бўлди обод анга,
Эрур душманидан кўнгул шод анга.
Агар шоҳдин халқи ғамнок эмас,
Қалин бўлмоғидан адув бок эмас.
Маозаллоҳ, ар бўлса ношод эли,
Адув йўқ, берур ани барбод эли.

Шу сабабдан тарихчилар, хусусан, Навоийнинг ўзи ҳам маълумот беришича, шоир ҳар йили черикка (армияга) хусусий маблағидан катта-катта эҳсонлар, хадялар қилар эди.

Одил шоҳ тимсолини юқори даражада бадиий гавдалантирар экан, бу жараёнга аста-секин мутафаккир Навоий тимсоли ҳам қўшилиб кетади. Искандар ҳаётининг сўнгги йилларини тасвирлар экан, шоир ўзи яратган идеалнинг ҳам жиловини тортиб кўяди. Яъни, Искандарнинг ҳою ҳавас, мулку ҳашмат дағдағаси, сув мулкига ҳам эгалик қилиш истаги Навоийга ёқмайди. Шу ўринда Алишер Навоийнинг буюк даҳо сифатидаги қиёфаси бир эпизодда бевосита намоён бўлади. Шоир яратган мутафаккир подшоҳ ўз ҳаётида хатоларга йўл қўйса-да, умри якун топиб, охират диёрига йўл олар экан, ўқувчи кўз ўнгида яна мутафаккир сифатида намоён бўлади.

Тобутдан чиқариб қўйилган очик қўл эпизоди шоир яратган идеал шоҳнинг комил инсон сифатидаги қиёфасини янада яққол гавдалантиради.

Бу асар рус шарқшунос олими академик Конрадни ҳам хайратда қолдирган ва у Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида яратган биргина тобутдан чиқариб қўйилган очик қўл эпизоди шоирнинг бошқа барча асарларини истисно этган тақдирда ҳам уни жаҳон мутафаккирлари зумрасига қўшилиши учун етарли бўлар эди, деган баҳони беради.

Ушбу достони билан Алишер Навоий ўзининг инсонсевар ғоялари ҳеч эскирмайдиган барҳаёт ғоялар эканлигини яна бир бор намоёниш этади.

Шоир бу асарда илм қудратига, олимларнинг жамият тараққиётида тутган ўрнига, маърифатнинг нималарга қодир эканлигига билвосита ишора этади. Навоийнинг Искандари бутун бир шаҳарни олимлар учун вақф қилиб беради.

Хусусан, дostonларда бир ўринда Навоийнинг ўзи ихтирочи кимёгар олим сифатида намоён бўлади. Шоирнинг илмий фантазиялари эса ривоятгина бўлмай, ўзининг реал ҳаётий асосларига эга бўлганлигини биз биламиз.

Фотиҳ Искандар жаҳонга машҳур Самарқанди фирдавсмонандни бино этгач, Кашмир ўлкаси томон юриш қилади:

Чу Кашмир ҳаддиға қўйди аёғ,

Падид ўлди бир чархпайванд тоғ. (МАТ. 20 т., 11-т., 239-б.)

Бу тоғнинг тошлари ҳайбатидан Ой кўкимтир тусда кўринар эди. У гўёки фалакка қадар тарошлаб ясалгандек эди, икки томони шундай йироқ эдики, уни ўтиш учун йўлга чиқмаган яхшироқ. Аммо,

Бу янглиғ бийик тоғ, анингдекки Қоф,

Бўлуб чархдин ерга тегру шигоф.

Шигоф – ёриқ орасида йўл бор эди. Бу тоғдан ўтадиган йўлнинг киравериш жойида кашмир аҳли ниҳоятда катта темир дарвоза ясаган эди. Аммо, бу дарвозани яшириш учун унинг тўғрисида харсангтошлардан душманни қайтариш ниятида бир қалъа ясалган эди. Бу қалъани кўрган киши ваҳимага тушар, уни жоду деб тасаввур қилар эди. Қалъа ичида икки мингта сеҳргар афсунчи жойлашган эди. Уларнинг нияти ҳеч кимни бу ерга яқин келтирмаслик эди. Агар ноҳост бирор киши қалъа томонга қадам қўйса, оёғи сустлашиб, ҳаракатдан қолар, ўз жонини ҳалокатда кўрар эди. Агар от бу томонга қараб чопса, оёқларининг кучи йўқолар эди.

Искандар навкарлари бу ерга келиб ҳайрон бўладилар ва воқеадан шохни хабардор этадилар. Шох устози Арасту билан биргаликда айтилган гапларга ишонмай, қалъага яқинроқ келади ва

Дедиким: «Бу найранги Кашмирдур,
Фусунгар иши макру тазвирдур.

Керак қилмоқ андоқ анинг чороси
Ки бўлғай нигун бурж ила бораси. (МАТ. 20 т., 11-т., 241-б.)

Шох эҳтиёт учун черигини қалъадан узоқроқда туширади ва ўзи билан доимо бирга юрган ўн беш ҳакимга мурожаат этиб, Кашмир афсунини дафъ этиш учун нима тадбир этмоқ лозим?, дейди.

Ҳаким – олимлар шохга ҳеч ғам чекмасликни, икки кун ўйлашиб, учинчи кун бу афсун ечимини айтишликларини баён этадилар.

Достоннинг шу ўрнидан Навоийнинг илмий фантазияси, олимона тадқиқоти бошланади. У Искандар ёнидаги олимлар аввал юлдузлар аҳволини ва уларнинг табиатларини қиёслаб ўрганганликларини баён этади. Сўнг улар темирчиларнинг металл эритадиган ва ҳаво берадиган асбобларини, анча металлни ҳозир қиладилар. Симоб, қалай ва бронзани аралаштириб, бир ўқ ҳозирлайдилар. Бу ўқ худди фалак каби юмалоқ шаклда бўлиб, ичи ҳам фалакнинг ичи каби бўш эди. Ичини порох билан тўлдирадилар. Икки тешигига фатила (пилик) ўрнатадилар. Худди душман бошидек ўқнинг пилигига ўт боғлаб, уни тўпга жойлаб, душман қалъаси томон отишни ният қиладилар. Ўқ ичидаги пилик ҳавода учиб бориш асносида ёниб, ичида яширилган ашёга ҳам ўтади. Бу тилсимли ўқ ерга қаттиқ тегиб тушгач, пора-пора бўлиб йўқ бўлиб кетади. Шу онда ундан ғаройиб садо чиқади, атрофга ажиб бир шўъла, шамол ва тутун тарқалади. Садо сеҳрни бузади, шўъла эса қалъа эшикларини очиб юборади. Тутун сеҳргарлар юзини қоп-қора қилади. Шамоли, яъни ҳидини ким ҳидласа, сеҳр илмини бутунлай унутади.

Ҳакимлар Искандарга

Тилисми ниҳонни аён қилдилар,
Ниҳон барча рамзин баён қилдилар. (МАТ. 20 т., 11-т., 245-б.)

Шундан сўнг, Искандар кашмирийлар тилсимига қарши ясалган бу тилсим воситасида сеҳрли қалъани забт этади ва Маллу зулмидан безор бўлган мамлакатга эгалик қилади.

Эътибор қилинса, шу биргина парчанинг ўзидаёқ Навоий ўз даври илмида ҳам анча олдин кетганлиги кўзга ташланади. У бадий

конфликт яратар экан, ўзининг чуқур билимини намоёиш этади. У симобнинг ҳавода йўқ бўлиб, ер остига кириб кетиш хусусиятини, қалайнинг тез эрувчанлигини, бронзанинг эса бириктирувчи хоссасини билгани туфайли айнан шу моддалардан металл ясайди. Ўқнинг шаклини эса фалаклардан андоза олади. Сеҳр – бу бир маромда овга қарата юбориладиган фикрлар тўлқини. Қаттиқ садо ҳаводаги ҳар қандай тўлқинни синдириб юборади. «Афан ис», яъни бадбўй ҳид, замонавий тиббиётда ҳам таъкидланганидек, мия фаолиятини ишдан чиқаради. Шу боис афсунгарлар барча ўрганган илмларини бутунлай унутадилар. Шамол билан эшикларни очиш ҳодисасига эса техникавий тараққиётга эришган бугунги кунимиздан кўплаб мисол келтиришимиз мумкин.

Шу биргина мисол барча фанларда нодири замон Навоий даҳосининг яна бир ёрқин қиррасини намоён этади. Шоир шу муносабат билан ҳам илмни улуғлайди; олимни жаҳонларга тенглаштиради:

Биликдин эрур ҳар бири бир жаҳон,
Жаҳон ҳикмати ҳар бирида ниҳон. (МАТ. 20 т., 11-т.,
243-б.)

Демак, фақат илм ва ҳикматгина ҳар қандай мушкулотни ҳал этиб, ҳатто қаттиқ сеҳрни ҳам чил-чил синдирар экан:

Қилиб ҳикмат ойиниға илтижо,
Бузоли алар сеҳрини жобажо. (МАТ. 20 т., 11-т., 243-
б.)

Достонда мумтоз адабиётдаги бадиий санъат воситалари бетакрор, янги шакл, мазмун ва усулларда маҳорат билан қўлланилган. Масалан, тазод:

Менгизлари гул-гул, киприклари хор,
Қабоклари кенг-кенг, оғизлари тор.

Мақол:

Ўзи сари бокма, сўзи сари бок,
ва шу каби.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўзининг «назираи беназир» «Хамса»сини яратар экан, унинг биринчи достонида айтган фикрларини кейинги достонларда бевосита давом эттиради ва «Садди Искандарий» достонида ўзининг якуний хулосасини баён этади.

Алишер Навоий «Хамса»сини ўз даври ижод аҳли, «буюк адабий ҳодиса – кашфиёт», деб эътироф этадилар. Бинобарин, асар мазмунидан шу нарса аён бўладики, Алишер Навоий ўз ижодининг

буюк ва бетакрор эканлигини мутафаккир даҳо сифатида ўзи ҳам идрок этган эди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий «Хамса»сининг салафлари яратган бешликлардан фарқи нимада эди?
2. Алишер Навоий «Хамса»си яхлит асар эканлигини кўрсатувчи қандай ғоявий-бадий омиллар ҳақида сўзлаш мумкин?
3. Фарҳод ва Мажнун, Ширин ва Лайли образлари талқинида қандай фарқлар мавжуд?

Зарурий адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. XX томлик, VII, VIII, IX, X, XI томлар. Тошкент: Фан, 1997, 1998, 1999.
2. Валихўжаев Б.Н. Ўзбек адабиёти тарихи. (XV аср II ярми). Самарқанд: СамДУ, 2002.
3. Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби. Бухоро: «Бухоро», 1994.
4. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент: Фан, 1968.
5. Ҳамидова М. «Хамса» мавжлари. Тошкент: Фан, 1986.

НИЗОМИЙ ВА НАВОИЙ «ХАМСА»ЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч иборалар: халифалик, салжукийлар, маҳаллий поэзия, услуб, романтизм, ҳаётийлик, халқчиллик, яхлит, дунёқараш.

Ўнинчи асрларда Аббосий халифалигининг кучсизланиши натижасида Эрон ва Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини тиклаб олган маҳаллий зодагонлар давлатларида форсий тил ва бу тилдаги адабиётнинг мавқеи баланд эди. Бу ҳодиса Озарбайжонни ҳам четлаб ўтмади. Бухоро, Самарқанд ва Хуросоннинг шарқий ҳудудларида ривожланаётган форсий тилдаги адабиёт ғарбга, Кавказорти халқлари адабий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бунгача бу ерда асосан маҳаллий тилларда яратилган сарой муҳитига хос ижод турлари мавжуд бўлиб, бу ҳақда қарийб маълумот сақланиб қолмаган. Е.Э.Бертельснинг маълумот беришича, Хуросон услубини биринчи бўлиб Озарбайжон адабий муҳитига олиб кирган шоир Қатрон ибн Мансурдир: “Можно поэтому с полной уверенностью утверждать, что Катран сознательно ориентировался на поэзию Хорасанской школы и, может быть, даже принес этот стиль в Азербайджан¹.” Аммо, Озарбайжон адабий муҳитига Қатрон томонидан киритилган янги ижодий рух маҳаллий поэзиянинг мавзу жиҳатидан кенгайиши ва ғоявий бойиши учун катта хизмат қилмади. Қатрон шарқ анъанавий поэтикаси талабларига жавоб бера оладиган, шакл жиҳатидан мукаммал ишланган қасидачиликнинг ажойиб намуналарини яратди. Унинг бу ижодий анъанаси кейинчалик биз юқорида тилга олган шоирлар томонидан давом эттирилди ва улар яратган девонлар асосан қасидалардан таркиб топганлиги кўзга ташланади. Бу даврда ижод қилган шоирларнинг ҳар бири ўзининг қандайдир индивидуал хусусиятлари билан ажралиб турсаларда, асосий бадиий-эстетик тамойиллар уйғунлиги уларни битта адабий мактаб доирасида бирлаштириб турар эди. Бу мактабнинг етакчи жанрлари қасида ва ҳажв бўлиб, мистик, дидактик адабиёт намуналари жуда оз, суфийлик лирикаси ва эпик жанр мутлақо шаклланмаган эди. Шоирларнинг шеъриятда янгиликка интилишлари, хусусан, Хуросон адабий мактаби намояндалари Рудакий, Носир Хусрав, Манучехр, Фаррухий, Унсурийларга таассуб қилиб ялтироқ, қувноқ, ҳаётсевар образлар яратишларига қарамай, ҳукмдорлар кайфияти билан ҳисоблашадиган

¹ Таржимаси: “Шунинг учун қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Қатрон онгли равишда Хуросон мактаби шеъриятига рағбат кўрсатган ва бу услубни Озарбайжонга келтирган бўлиши мумкин”.

адабиёт, поэтика эскирган, сийқалашган, бирранг ва зерикарли эди. Е.Э.Бертельс Фалакийнинг бир тўғоннинг подшоҳ томонидан тузатилиши муносабати билан ёзилган шеъри ҳақида гапирар экан, воқеа билан боғлиқ кўп ижтимоий, маиший масалалар хусусида гапириш мумкин бўлгани ҳолда, шоир китобат санъатини қўллаб, сўз ўйини қилганлигини маълум қилади. Васфларда кичикроқ янги мазмун кўзга ташланар, ижтимоий мавзу шоирларнинг ҳукмдорлардан зулм кўрганда ёзилган автобиографик маснавийлари, хатларида баъзан намоён бўлар эди. Ана шундай шароитда фавқулодда истеъдод соҳиби Низомий ижодий муҳитга кириб келди ва ўзининг ғоят қимматли асарлари билан адабиётни янги руҳ ва мазмун билан бойитди.

Низомий ижодини чуқур ўрганган, Шарқ адабиётининг йирик билимдони Е.Э.Бертельс ўзининг “Низами и Фузули” номли монографиясида шоир ижодининг рус ва Европа шарқшунослигида ўрганилишини кузатар экан, баъзи муаллифларнинг биз юқорида тилга олган масала – Низомий ва унинг адабий муҳити муносабатлари соҳасида бирёқлама фикрлар баён этганлиги ҳақида тўхталади ва уларни танқид қилади. Жумладан, шоир ижоди юзасидан қилинган биринчи монография муаллифи В.Бахернинг форс тилини мукаммал билмаслиги, манбалар билан ишлашдаги камчиликларини кўрсатиб, унинг қуйида келтириладиган ғоявий нуқсонини алоҳида таъкидлайди: “Еще бульшая беда этой работы в том, что жизнь Низами рассматривается в ней в полном отрыве как от исторической обстановки, так и от тех литературных связях, которые сближают его поэмы с литературами Переднего Востока. Низами предстает перед читателем изолированным, оторванным от живой среды. Это влечет за собой абстрактность изложения и, что, конечно, печальнее всего, лишает работу исторической перспективы. Мы требуем от истории литературы показа всех связей поэта с его эпохой и предшествующей ему культурой. При огромном богатстве высказываний Низами это вполне осуществимо¹”.

Низомийнинг поэзиядаги бадиий-эстетик ва ғоявий тамойиллари қандай жиҳатлар билан ажралиб турар эди, унинг ижоди нега анъаналар қолипига сиғмади? Шоир, аввало, ўз ижтимоий фикрлари,

¹ Таржимаси: “Бу ишнинг яна битта камчилиги шунбан иборатки, унда Низомий ҳаёти ва у яшаган тарихий шароитдан, шоир дostonларини Яқин Шарқ билан боғлаб турган адабий муҳитдан ажратиб олинган ҳолда кўриб чиқилади. Низомий ўқувчи кўз ўнгида ҳаётдан ажратиб олингандай тасаввур уйғотади. Бу ўз навбатида ноаниқ тасвирни юзага келтиради, ишнинг тарихий аҳамиятини пасайтиради. Биз адабиёт тарихидан шоирнинг ўз даври билан боғлиқ ҳамма алоқаларини ва тарихий маданият таъсирини ҳам тўлиқ ёритиб беришини талаб қиламиз. Низомий жуда кўп эътирофларини назарда тутадиган бўлсак, бу осонлик билан амалга ошади.”

ғоявий мақсадини бадиий ифода этиш учун жанр ва мавзу танлашда ғоят катта масъулият ҳис этди. Унинг катта замондоши Ҳоконий Ширвонийнинг ҳали Саъдий ва Ҳофиздан илгарироқ ғазал жанрининг ўз мустақил шаклига эга бўлиши учун ҳаракат қилиб, яхлит ғазаллар яратганлиги, қасидалар ёзишда ҳам ўзига хосликка интилгани, чунончи, васфларни маиший мавзулар билан кенгайтирганлиги маълум. Низомий ўз адабий муҳотида жуда кам ишланган эпосга мурожаат этди. Шоирга қадар бу жанрда ёзилган ягона асар – Ҳоконийнинг “Тухфат ул-Ироқайн” достони мавжуд эди. Яқин Шарқ поэзиясида бу пайтга қадар икки йўналишдаги дostonчилик бор бўлиб, бири қаҳрамонлик эпоси “Шoҳнома” мисолида, иккинчиси, рыцарлик романи руҳидаги Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Роман” достони мисолида кўзга ташланар эди. Гургоний асари тўла муваффақият қозона олмади ва XV асрларга келиб қарийб тилга олинмас эди. Бунинг сабаби асарнинг ўз даври ижтимоий ҳаёти учун фойдали бўла олмаганида бўлиши мумкин. Бу даврда Хуросон ва Хоразмнинг машҳур шоирлари ҳам эпосга мурожаат этишмаган, энг фаол адабий тур – лирика бўлиб қолмоқда эди. Шундай шароитда эпик асар яратмоқчи бўлган шахс бу жанр имкониятларини кенгайтириб, уни социал ҳаёт талаблари учун хизмат қилдириб, фақат бадиий завқ ҳосил қилиш учун эмас, балки кишиларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондиришни ҳам назарда тутиб иш кўрмоғи лозим эди. Низомий ўзининг биринчи эпик достони биланок бу талабларни тўла бажарилишига эришди. У валиюллоҳ, зоҳид сифатида ўзининг ижтимоий фойдали маърифий фикрларини курук панд-насихат тарзида эмас, балки ўлмас бадиий тимсоллар воситасида ифода этди. Шу нуқтаи назардан унинг ижодий услуги инсонда камолот тимсолини, етук гўзаллик сирларини кўришга интилган Европа Уйғониш даври ижодкорлари услубига яқин туради. Бу соҳада Бертельснинг ҳам фикрлари мавжуд: “... если формально поэмы Низами ещё носят все признаки средневековой литературы, то в построении они уже значительно ближе к лучшим созданиям европейского Ренессанса¹”. Аммо, бу ерда шуни қайд этиш лозимки, Низомий дostonлари қадимги афсоналар, пари ва руҳлар образлари, турли хил мўъжизавий эпизодлар билан тўлиб тошган ғарб рыцарлик романларидан кескин фарқ қилади, реалистик руҳи билан устун туради. Унинг ижоди ҳаётийлик туси, халқчиллик ранги билан ўралган. Ҳажман кичик лирик асарларини ҳам у бирор ғоявий

¹ Таржимаси: “...агар Низомий дostonларида шаклан ўрта аср адабиёти таъсири сезилсада, улар тузилиш жиҳатидан Европа Ренессансининг ажойиб намуналарига анча яқин туради”.

мақсадни кўзлаб яратади. Чунончи, “Гарчи Низомий ғазалиёти, бошқа кўпчилик ғазалнависларда бўлганидек, тематик торроқ бўлса ҳам, аммо ғоявий-бадий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди” (Е.Э.Бертельс). Низомий лирик ижоди муайян мавзу ва бир қатор образлар тизими билан узвий уюшган воқеабанд ғазалларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Қуруқ васф, мадҳ ёки шарҳи ҳол билан кифояланиб қолмай, ғазалга ҳам эпизм унсурларининг киритилиши шоир илк яратмаларидаёқ ижодий методининг ўзига хос хусусиятлари кўрина борганлигидан гувоҳлик беради.

Низомий ижодий услубини ўрганган тадқиқотчилар, хусусан йирик олим Е.Э.Бертельс ҳам, ўз даври сиёсий талаблари чегарасидан чиқа олмайдилар. Суфия ва суфийлик адабиётининг етук билимдони бўлмиш олим баъзан Низомий яратган образлар моҳияти, фалсафий фикрлари ўзанига чуқур кирмайди. Низомийнинг “Махзанул-асрор” достони таҳлили муносабати билан Санойининг “Ҳадойик ул-хақойик” достонидаги Шох Масъуд ва машҳур сиёсий арбоб Абул Ҳасан Маймандий воқеаларини ҳикоя қилар экан, олим ноҳақ қатл этилган Маймандий онаси шохга қарата айтган сўзларнинг зоҳирий талқинигагина эътибор беради. Шох Масъуд қилмишига пушаймон бўлиб, Маймандийнинг кекса онаси ёнига узр сўраб келганда, кампир шохдан мутлақо хафа эмаслигини маълум қилади. У ўзининг хотиржамлигини шундай тушунтиради: “Нега Сендан хафа бўлай?! Сен ва отанг ўғлимнинг икки дунёсини бердинглар. Отанг шох Маҳмуд уни баланд даражаларга кўтариб – бу дунёсини, Сен эса уни шаҳидлик мартабасига етказиб охиратининг обод бўлишига сабаб бўлдинглар. Шу боис мен Сенинг камолингга путур етишини истамайман”. Кампир сўзлари моҳиятига чуқур кирмаган (ёки сиёсий мулоҳазалари нуқтаи назаридан чуқурроқ маъно беришни истамаган) Бертельс шундай хулоса чиқаради: “Хотя в рассказ и введены примиряющие нотки, но жгучая ирония (таъкид бизники – С.Д.), столь неумолимо звучащая в речах старухи, производит глубокое впечатление¹”.

Шоир ижодига бағишланган монографиясининг “Низомийнинг сиёсий қарашлари” бобида Бертельс европалик В.Бахерни “Низомийни ташқи дунёдан узилган зоҳид сифатида талқин этади” деб танқид қилади; шоирни ўз мукаммал дунёқараши билан замонаси кишининг камолоти ва жамият тараққиёти учун ижод қилганлигини теран таҳлиллар билан исботлаб беради. Аммо,

¹ Таржимаси: “Гарчи ҳикояда мураса оҳанглари сезилса-да, кампир нутқидаги ўткир киноя кишида чуқур таассурот қолдиради”.

европалик олимнинг баъзи тўғри фикрларига ҳам кескин муносабат билдиради. Жумладан, В.Бахер Низомийни ёшликдан чуқур тақводор ва зоҳидликка мойил шахс сифатида тасвирлайди. Аммо, суфизм билан танишув оқибатида шоир табиатидаги кескинлик (айнан: “суровость”) анча юмшайди ва бу ҳолат унга поэтик ижод учун йўл очади. Аммо, поэтик ижодда ҳам у зоҳидлик кайфиятини устун қўяди. Низомий, В.Бахер фикрларига кўра, ҳаётдан узилган зоҳид, гарчи унинг дostonлари чуқур психологик таҳлилларга бой бўлса ҳам, бу истисносиз унинг суфиёна мулоҳазалари натижаси (илм ал-кулуб) ва шоир қалбининг кечинмалари маҳсулидир. Бертельс бу фикрларни танқид қилар экан, уларни Бахернинг “идеалистик ғоялари” деб атайди. Бу идеалистик ғоя Низомий ижодини “ўз қалби маҳсули” сифатида чегаралаб қўяди, бу ижодга ташқи олам ва жамият ҳаёти таъсирини рад этади деб, ёзади олим.

Иккала олим фикрларининг сиёсий қарашлардан холи илмий таҳлили шундай мулоҳазани юзага келтириши мумкин: албатта, буюк Низомий ўзи яратган дostonларнинг ғоявий мағзи, образларнинг чуқур психологик таъсири ҳақида қайғулар экан, жамият ҳаёти ва унда инсон омилини ўз қалби ойнасида кўришга, ўзининг интуитив, суфиёна қарашларидан келиб чиқиб талқин этишга ҳаракат қилди. Икки олим мунозарасида Низомий ижодий методининг устувор жиҳати хусусида сўз бормокда. В. Бахер бу ижодда ташқи дунё «материали» таъсири устувор эканлигига эътибор қаратмокда. Бертельс эътирозини айнан шундай ифодалайди: «...идеологическая концепция Бахера – возможности творчества «из самого себя», без привлечения материалов из внешнего мира¹». Аммо муаллиф масалага чуқурроқ кириб, Бахерни тузатишга, тушунишга ҳаракат қилмайди. Чунки бир маънода Бахер ҳам ҳақ кўринади. Юқорида таъкидлаганимиздек, буюк Низомий ўлмас асарларини яратар экан, ташқи дунё «материалини» чуқур қалбига сингдириб, унга қалби призмаси орқали қарайди, баҳо беради. Албатта, бу мунозара катта тадқиқотларни талаб қиладиган мавзудир.

Шоирнинг «Хусрав ва Ширин» достони юзасидан фикр юритар экан, Е.Э. Бертельс Ширин образини Низомий Ганжа яқинида яшайдиган грузин аёллардан андоза олиб яратган бўлиши мумкин, деган эҳтимолини билдиради: «Конечно, для создания идеального образа женщины Низами мог найти образцы в «Шахнаме» Фирдоуси, где есть такие прекрасные фигуры, как Рудабе или Маниже. Но все

¹ Таржимаси: “Бахернинг идеологик нуқтаи назари-ижод имконияти “ўз ичидан” яъни ташқи дунё материалини ифода этмай амалга ошмоғи лозим”.

можно думать, чтобы создать образ Ширин ему в значительной степени помогла близость к христианским кругам. При смешанном характере населения Ганджы и ее близости к Грузии поэт не мог знать о том, что женщина там была свободна и не подвергалась тому унижению, которое было обычно в стране мусульман». Бу мулоҳазаларида ҳам Бертельс бирёқламаликка йўл қўйган, деб ўйлаймиз. Чунки, тарихий шахс Хусрав Парвез ҳақидаги дostonда Хусравнинг севгилиси Ширин албатта асосий тимсоллардан бири бўлмоғи лозим. Иккинчидан, ўз асарлари орқали ислом маърифатини ёйишга интилган мутафаккир мусулмон аёлларнинг ғайридинлар тасаввур этганидек, «камситилган» эмас эканликларини идрок этар эди.

Ижтимоий-маиший ҳаётда ёнма-ён яшаган христианларнинг баъзи фойдали илмларини шоир ўрганган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, насоро динида тиб илмини мукаммал билиш талаб этилади. Чунки Ҳазрат Исо Масих (а.) таваллуди ва «Инжил» нузули тиб илми ниҳоятда ривожланган бир даврга тўғри келади, илоҳий мўъжизалар содир бўлиши ҳам шу илм такомилида намоён бўлади. Бинобарин, исломга қадар аҳли иймон учун тиб илмини ўрганиш тақвонинг кўриниши бўлган бўлиши мумкин. Ана шу маърифий-ижтимоий ҳодиса таъсирида ислом динининг йирик вакили Шайх Низомий ўғли Муҳаммадга қарата айтган пандида шундай дейди:

Назм арча ва мартаба баланд аст,
Он илм талаб, ки судманд аст...
Мебош табиби Исавиҳуш,
Аммо на табиби одамкуш.
Мебош фақиҳи тоатандўз,
Аммо на фақиғи ҳийлаомўз.
Гар ҳар ду шави, баланд гарди,
Пеши ҳама аржуманд гарди...

Биз шоирнинг ушбу ўғитларини буюк ўзбек шоири Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonининг 53-фаслида Султон Ҳусайн Бойқаро фарзандларидан бири шахзода Шохғариб Мирзога бағишлаб ёзган панд-насихатлари билан солиштирадиган бўлсак, икки шоир диний дунёқараши улар мансуб бўлган жамият ва ижтимоий ҳаёт таъсирида юзага келганлиги аён бўлади. Навоий даврида ислом маърифати олий даражада тарғибот этилиб, нақшбандиядек ҳаётсевар тариқатлар тимсолида исломнинг инсонпарвар ва тараққийпарвар моҳияти очила борган эди. Шунинг учун Навоий ўз шогирдига қилган насихатида етуклик даражасига

эришиш учун «Дин илмида манзил айла, бу асл илмдир», дея таъкидлайди:

Гузар қил ҳар неча илм ўлса ҳосил,
Чу дин илмиға етсанг айла манзил.
Шах улдурким, шиори илми диндур,
Нединким илми дин илмул-яқийндур.
Улум ичра ўқусанг юз туман фасл,
Тамоми фаръу, дин илми эрур асл.
Бу дин илмики, хомам қилди таҳрир,
Эрур фикҳу, ҳадису сўнгра тафсир.

Низомий ижодида Навоийдан фарқли ўлароқ диний-мистик мулоҳазаларнинг ҳам баён этилиши айна шу ижтимоий ҳаёт ва давр хусусиятларидан келиб чиқиб баҳоланиши мумкин. Бу масалага адабиётшунослигимизда муносабат билдирилган эди: «... «Махзан ул-асрор»нинг мақолаларида «Дунёнинг бевафолиги», «Қиёматнинг азоб-қийноқлари» каби диний-мистик ўринлари ҳам бор. Бундай бирига қарама-қарши фикр-мулоҳазаларнинг бўлиши XII аср фарзанди Низомийнинг дунёқараши учун табиий бир нарсадир». (Маллаев Н. «Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти». – Т.: 1985, 17-б.) Энди эса бундай мулоҳазалар ҳозирги давр фани талаблари нуктаи назаридан янгича йўналишларда ўрганилмоғи лозим.

Ислом тарихида юз берган воқеа-ҳодисаларга муносабат масаласида ҳам реалистик асос Навоийда кучли намоён бўлади.

Эрамизнинг 590-628 йилларида Эрон тахтида ўтирган сосоний ҳукмдорлардан бўлмиш Хусрав Парвез тимсоли икки мутафаккир шоир дostonларида ҳам бадиий ишланади. Ислом тарихидан маълумки, пайғамбар Муҳаммад (а.с.) Хусравга мактуб йўллаб, исломга киришга даъват этадилар. Аммо Хусрав такаббурлик қилиб, пайғамбар (а.с.) мактубларини йиртади. Шундан сўнг пайғамбар (а.с.) унинг тез кунда юз берадиган ҳалокатини башорат қиладилар. Бу башорат ҳақиқатда юз беради. (5. 86-б.)

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Хусрав Парвез прототип бўлган Хусрав образини яратар экан, уни фақат салбий хислатлар билан ифода этади ва тарихий воқеликни айнан акс эттиради. Бу ҳодиса Навоий даврида «пишиб етилган» романтик услубнинг реализм сари ўсиб бораётганлиги, реалистик унсурлари сифатида намоён бўлмоқда. Низомий Ганжавий эса Шарқ романтик услуби асосчиларидан бири сифатида Хусрав образига (умуман, барча эпик қаҳрамонлари образларига) романтизм услуби талаблари нуктаи

назаридан ёндашади, уларни ҳаёлий утопияси доирасига олиб киради. Шунинг учун ҳам Низомий қаҳрамонлари динамик, ўсувчи, ўз ички дунёсида каттиқ руҳий кураш олиб боровчи сифатида ифодаланади.

Низомий олийжаноб инсоний фазилатлар тарғиб қилинган маърифий ғояларини ғоят қизиқарли ҳаётий ҳикоятлар келтириш билан зийнатлайди. Навоий эса худди шундай вазифани бажарар экан, ҳикоятлари қаҳрамонлари учун ҳам прототип қидиради. «Махзан ул-асрор» достонида Низомий меҳнат ҳаётнинг асоси эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сураб экан, каттиқ машаққат чекиб гишт қуяётган мўйсафид ва уни таъна қилаётган йигит ҳикоятини келтиради. Бу ҳикоятда «қиссадан ҳисса» меҳнатни улуғлашдан иборат. Романтизм адабиёти учун табиатнинг мукаммал санъати бўлмиш инсон ҳақида сўз юритишнинг ўзи кифоя. Низомий ўз ғоявий мулоҳазасини ҳикоя воситасида асослаб беради. Аммо Навоийнинг зукко ўқувчиси ҳаётий ҳақиқатга кўпроқ эътибор қилади. Шунинг учун Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг қарам ва саховатга бағишланган бобида «Ўтинчи чол ва Ҳотами Тойи ҳикояти»ни келтирар экан, бирор тарихий воқеа ёки тарихий шахс иштироки воситасида бадиий образ яратади (яъни, тарихий шахс – Ҳотами Тойи). Кўринадик, Низомийнинг романтик қаҳрамонлари Навоий ижодида ўзларининг ҳаётдаги прототипларига эга бўла борадилар.

Буюк Низомий ижодининг тадқиқотчилари, хусусан, Е.Э.Бертельс ҳам, шоир «Панж Ганж»и таркибига кирган достонларни ягона ғоя бирлаштиради ва яхлит монументал асар юзага келади, дея хулоса қилишади. Бу фикр низомийшунослик тадқиқотларида анча чуқур илмий асослаб берилган. Аммо Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, бу ҳодиса аввалдан режалаштирилмаган «механик» тарзда юз беради: «Это объединение, конечно, произведено механически, но как мы уже видели, известное основание для него всё же есть, ибо, в сущности говоря, единая идея проникает в поэмы и связывает их вместе». Низомий «Хамса»сининг айнан шундай «механик» тарзда юзага келганлиги, ягона ғоявий қарашнинг бир неча мавзудаги, турли мазмунга эга бўлган асарларда ёритилганлиги Навоий «Хамса»сида ижодий услубнинг янада ижтимоийлашуви, эпоснинг ижтимоий фаол жанр сифатидаги ривож учун замин бўлиб хизмат қилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, буюк Навоий «Хамса» ёзишни ният қилар экан, яхлит ғоявий мазмунга эга бўлган туркум асарда ўз даври ва жамияти муаммоларини тўла акс эттириб, уларга жавоб беришга ҳаракат қилади. «Ҳайрат ул-аброр» достонида жавҳари коинот бўлмиш инсонни васф этиб, йигирма мақолот орқали унга комиллик

сирларини тушунтириб, «инсон албатта ҳаётда бахтли яшаши керак», деган ғояни илгари суради.

Иккинчи дoston «Фарҳод ва Ширин»да шоир ўз жамияти ҳаётига чуқурроқ назар ташлайди. Унинг жамиятида Фарҳоддек комил йигитлар, Шириндек етуклик тимсоли бўлмиш кизлар бор. Аммо улар нега бахтли эмас?

Бу саволга шоир кейинги дoston – «Лайли ва Мажнун»да жавоб беришга ҳаракат қилади, чунки жамият табақаланган, ижтимоий тенгсизлик мавжуд. Бунинг натижасида жамиятда худбинлик, такаббурлик, киши дардига бефарқлик иллатлари авж олган. Шоир яна савол қўяди: бунга ким айбдор?

«Сабъаи сайёр» достонида буюк мутафаккир ўзи қўйган саволга «Баҳром каби худпараст подшоҳлар», дея жавоб беради¹

Кейинги дoston «Садди Искандарий»да шоир узининг фалсафий мушоҳадаларини янада ривожлантиради.Замонасининг Фарҳод, Кайс, Ахий, Ширин, Лайли каби камолот тимсоллари бахтга эришишлари учун нималар зарур эканлиги хакида фикр юритади.Аввалги дostonларда айтилган фикрларни умумлаштириб, шоир «инсоннинг уз жамиятида камолот касб этиши ва тугри ҳаёт тарзини олиб бориши учун – Искандардек олим ва одил подшоҳ керак!»,деб хулоса чикаради.

Ана шундай тугал, мукаммал ишланган композиция Навоий «Хамса»сини яхлит, монументал туркум асар сифатида тасаввур этиш учун имкон беради. Бу юксак маданий-маърифий ҳодиса нафақат шоир даҳосининг, балки у яшаган даврнинг ҳосиласи эди. Агар Навоийга қадар Низомий «Хамса»си яратилмаганда эди, Навоий Низомий мисолида романтик услуб шакллануви учун хизмат қиладиган асар яратган бўлиши мумкин эди. Бинобарин, Низомий бешлиги илк, энди шаклланаётган романтизм маҳсули бўлса, Навоий бешлиги олий даражасига етган, реалистик рух уфуриб турган романтизм маҳсули эди.

Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Низомий «Панч ганч»и яратилиши тарихи қандай, шоирнинг асар ёзишдан асосий ғоявий мақсади нимадан иборат?
2. Низомий ижодий меросини ўрганиш муаммолари ҳозир ҳам мавжудми?

3. Низомий ва Навоий ижодий услубларининг муштараклик ва фарқли жиҳатлари ҳақида сўзланг.

Зарурий адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Москва, 1960.
2. Бертельс Е.Э. Избранные труды, Низами и Фузуди. – Москва: ИВЛ, 1962.
3. Бертельс Е.Э. ЖЗЛ. Низами. – Москва, 1947.
4. Маллаев Н. Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.
5. Муҳаммад Ҳузарий. Нур ул-яқийн. – Тошкент, 1992.
6. Низами. Избранные произведения. – Москва, 1947.
7. Низами. Искандарнаме. – Баку, 1953.
8. Низами. Лейли и Меджнун. – Москва, 1966.
9. Низами. Пять поэм. – Москва, 1988.
10. Мустафаев Ж. Философские и этические воззрения Низами. – Баку, 1962.

НАВОИЙ «ХАМСА»СИНИНГ КЕЙИНГИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Таянч иборалар: камолот мактаби, тахмин, Хоразм, сафардош, оригинал, сарий баҳри, ният, беш достон.

Ўрта асрлар жаҳон адабий ҳаётида ғоят муҳим ижобий мўъжизалардан ҳисобланган Алишер Навоийнинг ижоди беш асрдан ортиқ давр ичида Афғонистондан Кавказгача, Ироқдан Қашқаргача, Қозоғистон саҳроларидан Волга соҳилларигача бўлган ҳудудда яшаган маърифатпарвар шоирлар, адабиётшунослар учун ўзига хос бир камолот мактаби бўлиб хизмат қилди.

Кейинги йилларда маълум бўлганидек, самарқандлик адабиётшунос олим Шайх Аҳмад Тарозий 1437 йилда ёзилган «Фунун ул-балоға» асарида туркийгўй Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз» номли достон ёзганлигини қайд этади. Бу маълумотни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг «Рисолаи аруз» (ёки «Мухтасар») асарида қайд этган. Академик Ботурхон Валихўжаев бу асар ва унинг муаллифи хусусида фикр юритар экан, Алишер Навоийга қадар ҳам туркий тилда «Хамса» яратишга уринишлар бўлганлигини таъкидлайди. У Ҳайдар Хоразмий ёзган асарлар ҳақида Бобурнинг «Рисолаи аруз»идан мисоллар келтирар экан, «Агар бу далиллар эътиборга олинса, унда Ҳайдар Хоразмийнинг Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий «Хамса»ларига туркий тилда жавоб айтишга бел боғлагани ҳам маълум бўлади».¹ Аниқроғи, мавлоно Ҳайдар XV асрнинг биринчи чорагида туркий – ўзбек тилида «Хамса» - бешлик ёзишга бел боғлаб, унинг дастлабки икки достонини – «Гулшан ул-асрор» (бу асар ҳозирда «Махзан ул-асрор» тарзида юритилмоқда) ҳамда «Гул ва Наврўз»ни ёзган ва ўзига хос тарздаги оригинал асарлар яратган. Аммо, олим таъкидлаганидек, бу ажойиб ташаббуснинг кейинги тақдири номаълум. Кейинги уч достон ёзилмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, юқорида тилга олинган достонларда муаллифнинг қариликдан шикоятлари ифода этилган сатрлар мавжуд.

Биз бу ўринда эпик шоир Алишер Навоийнинг ўзидан кейинги ўзбек достончилигига кўрсатган таъсири ҳақида, бу таъсирнинг умумий манзараси ҳақида баъзи фикрларни билдирмоқчимиз.

¹ Қаранг: Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. II жилдлик, II жилд. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. 107-110-бетлар.

Алишер Навоий ахлоқий-фалсафий, ишқий-романтик ва қаҳрамонлик дostonларининг устаси сифатида ўз давридаёқ устоз дostonнавис бўлиб танилган эди. «Хамса» яратилиши биланок унинг таркибига кирган дostonларга назиралар пайдо бўла бошлайди. Масалан, XVI асрда Пошоҳўжа Абдулвахобхўжа ўғли «Ҳайрат ул-аброр»га ўхшатма тарзида «Мақсад ул-анвор» («Нурларнинг мақсади») деган дoston яратганлиги ҳақида маълумот мавжуд.

Кейинги асрларда Алишер Навоийнинг дostonнавислик анъанаси турли ижодкорлар томонидан турлича кўринишларда давом эттирилади. Ҳатто Навоий сингари туркий тилда «Хамса» яратишга уринишлар ҳам бўлди. Бу жиҳатдан XVIII асрда Хоразм ва Бухорода яшаган Муҳаммад Ниёз Нишотийнинг фаолияти диққатга сазовордир. Чунки, у ўзининг «Ҳусну Дил» дostonида хамса ёзиш нияти борлигини очиқ-ойдин баён этган.

Нишотий ижодини анча чуқур ўрганган академик В.А. Абдуллаев ўзининг қатор қимматли тадқиқотларида шоирнинг хамса ёзиш нияти бўлганлигини баён этмайди. Бу ҳақда Нишотий шеърлари ва «Ҳусну Дил» дostonидан намуналар берилган тўрт томли «Ўзбек адабиёти» китобининг III томида ҳам гапирилмайди. Бироқ, Нишотийнинг хамса ёзиш нияти бўлгани ҳақида шоирнинг 1967 йилда босилиб чиққан китобининг сўзбошисида (сўзбоши муаллифи Холид Расул) шундай тахмин учрайди: «Нишотий Навоийнинг оригинал бадиий маҳоратига юқори баҳо бериб, улуғ устозга муносиб шогирд бўлишни орзу этади ва «Хамса» яратган тўрт шоир овозига ўз овозини қўшмоқчи бўлади.

Шунга кўра улуғ устозлар каби шоир Нишотий ҳам «Хамса» яратган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Балки, улар бизгача етиб келмагандир.

Эътироф қилиш керакки, бу тахмин жиддий асосга эгадир. Чунки, кириш сўз муаллифининг тахминини «Ҳусну Дил» дostonидаги кўплаб далилларга асосланиб, Нишотий Навоийга эргашиб «Хамса» яратишга киришган, унинг айрим дostonларини ёзган, деб қатъий айтиш мумкиндир.

Мисолларга мурожаат этайлик. Дostonнинг кириш қисмида шоирнинг ёзишича, у Хоразмда яхши кунлар ҳукм сурган даврда бир эътиборли киши билан қалин дўст бўлади:

Қайдаки бир наҳли саёдат эди,
Эл бошига тожу саодат эди.
Яхшилари рутбаси ҳаддин фузун,
Эрди ямон эл доғи хору забун.
Анда биров бирла бўлиб улфатим,

Кечау кундуз эди ҳамсухбатим.
Қайси бировким ул эди комкор,
Аҳли вилоятда завил иқтидор.

Аммо шоир «яхши» деб таърифлаган замон узоққа чўзилмайди:
Чарх дуний ногоҳ ўлуб бадмижоз,
Дун элига берди камоли ривож.

Шу туфайли ҳам иккала дўст мамлакатдан чиқиб кетиб, Бухоро
хукмронлигига қарашли жойларга қочишга мажбур бўладилар:

... Бизга иложи анинг ихрож ўлиб.
Неча қилиб онинг ила жаҳду жид,
Лек бизинг бахтимиз ўлмай мудид.
Чиқмоқи фикр айлабон икки рафиқ,
Ул деди: - Ғурбат сори бошла тарийқ.
Мен доғи амрига қилиб инқиёд,
Йўлга тушуб изладим ўзга савод,
Токи Бухоро сори қўйдум қадам,
Оҳи бухорий аро бўлдум адам.

Бир кун шоирнинг қадрдони, ғарибликдаги ҳамроҳи унга шундай
дейди:

Бир кун этиб фикр ила диққат баче,
Деди: - Эмас яхши бу ғафлат баче.
Гарчи ўтар умр бу меҳнат ила,
Ёзу қиши ранж суубат била.
Лекин ўлур ҳар куни кундин ҳисоб,
Ҳар туни ҳам бўлғуси тундин ҳисоб...
Англадинг эмди муни қилма ҳаял,
Бир нима қил умрга бўлсун бадал.
Токи санинг бирла бизинг отимиз –
Қолгай, агарчи йўқ эрур зотимиз.
Аҳли суҳанким эдилар нуктасанж,
Топти алар ранж чекиб мулк, ганж.
Сан қилибон бизга фидо мулку мол,
Нукта адосида аён қил мақол.

Бу мисралардан англашиладики, шоирнинг сафардоши уни янги
бир бадий асар ёзишга рағбатлантиради. Бугина эмас, у Низомий
Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Навоийларнинг ҳамсанавислик
фаолиятларини ибрат қилиб кўрсатиб, уни Навоий «Хамса»сига
ўхшаш хамса яратишга даъват этади:

Чекти алар меҳнат ила дарду ранж,
Топти анинг ҳар бириси «Панж ганж»,

Ганж ила гулшанга адад панж эрур,
Тўртови лек анда сухансанж эрур.
Ганж ила гулшан бири бордур зиёд,
Ол бирини сен доғи анда кушод.

Шуни ҳам айтиш лозимки, шоирнинг маслаҳатдоши унга оригинал ҳамса яратишни маслаҳат берган эди. Шунинг учун ҳам ҳамсаларнинг биринчи дostonларига жавобан Нишотий оригинал асар ёзишга киришади:

Тўрт китоб андаки мазкур эрур,
Хамсалиғ оти била машҳур эрур,
Ҳар бирининг аввалида бир китоб –
Бор эдиким андин эди фатҳи боб.
Бирнинг оти: «Махзани асрори шавқ»,
Ул бириси: «Матлаъи анвори шавқ».
Ёна бири: «Тухфатул аҳрор» эрур,
Бири анинг: «Ҳайратул аброр» эрур.
Ман доғи аларга демаклик жавоб,
Истабон айтдим бу сўзи инкитоб.

Демак, «Ҳусну Дил» Навоий таъсирида ёзилиши лозим бўлган Нишотий хамсасининг биринчи китобидир. Буни барча хамсалар биринчи китобининг баҳрида, арузнинг сарий баҳрида (муфтаълун муфтаълун фоилун) ёзилиши ҳам, муаллифнинг эътирофи ҳам, бошқа жуда кўп далиллар ҳам тасдиқлайди.

15584 мисрадан иборат ғоявий-бадий юксак бир асарни 1771 йилнинг беш ойи ичидагина ёза олган шоир ўз хамсасининг бошқа дostonларини ёзганмикин, деган табиий савол туғилади.

Бизнингча, у ёзган бўлиши керак. Лекин, Нишотий «Хамса»сининг иккинчи дostonини Фарҳод, Ширин, Хисравларга тааллуқли мавзулардаги асарлар орасидан эмас, балки Вомиқ ва Узроларга доир асарлар орасидан ахтармоқ лозим. Бунга шоирнинг ўзи ҳам «Ҳусну Дил»нинг охирида очиқ ишора қилган:

Соқий, олиб кел манго роҳат майин,
Бер ичойин хоби фароғат майин.
Беҳуд ўлуб лаҳзаи айлай хаёл,
Вомиқу Узрога на эркон хаёл.

Нишотий ижодининг бу томонини аниқлаш, у ният қилган «Хамса»даги биринчи дostonни илмий текшириш адабиётшунослигимизнинг муҳим ва қизиқарли масалаларидандир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоийга назира қилиб «Хамса» ёзган қандай шоирларни биласиз?
2. «Хусни Дил» достонининг ғоявий-бадiiй қиммати ҳақида сўзланг.
3. Қайси туркийгўй шоир Навоий «Хамса»сига жавоб ёзишни ният қилиб, унинг биринчи достонини ёзиб тугатган?

Зарурий адабиётлар:

1. Абдуллаев В. О поэте Нишоти и его поэме «Хусну Дил». Труды тадж. уч. инст. им. С. Айни, т. III, 1955.
2. Абдуллаев В. Хоразмдаги XVIII аср ўзбек адабиётида мафкуравий кураш. ЎзДУ илмий асарлари, №63, 1956.
3. Абдуллаев В. Алишер Навоий традицияларининг Хоразм шоирлари томонидан давом эттирилиши. //«Шарқ юлдузи», 1959, №4.
4. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. II жилдлик, II жилд. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.
5. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: «Ўзадабийнашр», 1964.
6. Нишотий. «Хусн ва Дил». Лирика». Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадiiй адабиёт нашриёти, 1967.

«ЛИСОН УТ-ТАЙР» ДОСТОНИ

Таянч иборалар: мутасаввуф, саёҳат, пантеизм, одоб, машаққат, водий, талаб, фазилят, Шайх Санъон, тарсо.

«Лисон ут-тайр» достони Алишер Навоийнинг олтмиш ёшга қадам қўйганида, яъни 904-ҳижрий, 1498-1499 милодий йилларда ёзилган. Шоирнинг ёшликдан XII асрда яшаб ижод этган машҳур мутасаввуф олим ва шоир Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарига ихлоси баланд эди. Шоир бу асарга жавоб ёзишни ҳаётининг илк йиллариданоқ ният қилган бўлса, бу ниятини умрининг сўнгги йилларида амалга оширди. Ушбу мавзу ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримда ҳам, меърожомаларда ҳам бор. Мавзунинг етакчи оҳанги, мотиви битта худони ахтариб саёҳат қилиш. Бу мавзуда яратилган асарларда пантеистик дунёқараш ўз аксини топган. Асарлар қуръоний мотив билан ёзилган. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони ҳам фалсафий-тасаввуфий асардир. Шоир достоннинг бошида Қакнус ва қакнусбача ҳақидаги ҳикояни келтирар экан, ўзини Атторнинг фарзанди сифатида эътироф этади: «Мен қакнусбачаман» дейди.

Маълумки, Алишер Навоий «Хамса»си таркибига кирган достонларнинг асосий қаҳрамонлари инсонлардир. «Хамса»да тамсилнинг излари кўринади. «Лисон ут-тайр» достони эса тамсилий, бошдан-оёқ масаллардан иборат достон. Бу достонда Навоий маҳоратининг янги қиррасини – тамсилий достон ёзиш маҳоратини намоён этади.

XV асрда мунозара жанрида ёзилган асарлар бор эди ва уларда тамсилий элементлар ҳам бор эди. Аммо, Навоийнинг бу достони ўзбек мумтоз адабиётида бор бўлган «Гул ва Наврўз» каби масал типига асарлардан ҳам фарқ қилади. Асарда калом ва тасаввуфнинг фалсафий кураши тасвирланган. Калом олимлари Мутлақ Онг бўлмиш Худони табиатдан юқори қўядилар. Навоий фалсафий дунёқараши, пантеизми¹ эса Худони табиатдан, жамиятдан ажратмайди. Суфизмнинг моҳияти шундаки, у Илоҳни юқоридан табиат ичига туширади ва барча гўзалликларда унинг сифатларини кўради.

Асарнинг сюжет линияси мураккаб эмас. Бир гала кушлар суҳбат қуриш мақсадида бир ерга тўпланадилар. Бироқ, одоб, этикет

¹ Пантеизм (лот.) panteos: pan – бир, teos – худо; яккахудолик.

қоидаларига риоя қилмаганлари боис, жой талашиб, ўзаро жанжаллашиб қоладилар. Шунда улар «агар бир подшоҳимиз, бошлиғимиз бўлганда, бундай ғавғо бўлмас эди», деб афсус қилишади. Қушлар можаросини кузатиб турган Худхуд уларга бутун олам қушларининг подшоҳи Симурғ ҳақида хабар беради. Худхуднинг таърифига кўра, Симурғ қушларнинг барча ҳолаҳволларидан огоҳ, уларга ниҳоятда яқин, аммо, қушлар кўрмайдилар ва идрок ҳам этмайдилар:

Сизга шоҳе бор бешибху мисол,
Васфини айтурда юз минг нутқ лол.
Барча олам қушлариға шоҳ ул,
Ҳолингиздин мў-бамў огоҳ ул.
Ул яқин сизгаву сиз ондин йироқ,
Васл анга ойин, вале сизга фироқ...
Ҳар киши бўлса тирик ондин йироқ,
Ул тирикликдин ўлум кўп яхшироқ...

Бу ҳикояни эшитган қушлар Симурғ ҳузурига бориш ва уни кўришни орзу қиладилар. Қуръа ташлаб, Худхуд бошчилигида йўлга тушадилар. Аммо, Симурғ ҳузурига элтадиган йўл ниҳоятда оғир меҳнат ва машаққатлардан иборат эди. Кўпгина қушлар ўзларининг аввалги ҳаётлари ва маишатларини соғиниб орқага қайтадилар, бир қанчалари ҳалок бўладилар. Худхуд таърифлаган гўзал манзилга етти машаққатли водийни чидам ва матонат билан қатъ этган ўттиз қуш етиб келади. Аммо, етиб келгач, қайси томонга боқмасинлар афсонавий Симурғни эмас, ўзларини кўрадилар:

Ким қилиб Симурғ ўтгуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул Си мурғу бас.

Алишер Навоий бу ҳолни садаф ичида дурнинг ҳосил бўлишига ўхшатади. Яъни, ўттиз қуш риёзат чекиб, ўз хулқларини поклаб, сайқалланиб, ўз қобикларида дурга айланадилар; қушларда энди вужуд, ўзлик тушунчаси қолмай, онг ва қалбий ҳис – интуиция билан илоҳий гўзаллик ва поклик тимсолига айланадилар.

Қушлар машаққат билан кезиб чиққан водийлар Алишер Навоий яшаган давр ижтимоий мафкурасининг энг фаол йўналишларидан бири бўлмиш тасаввуф таълимотининг етти маърифий табақаси – етти водийси тавсифидан иборат эди. Бу водийлар худди занжир сингари ўзаро боғлиқ бўлиб ва мазмунан бир-бирини давом эттириб, солиқ – йўлчининг риёзати аста-секин уларни босиб ўтган сайин янада баланд пардаларга кўтарила боради. Бунинг натижасида эса солиқнинг маърифий комиллик даражаси ҳам олий мақомга қараб

юксала боради. Бу водийлар қуйидагилар: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, таваҳхуд, ҳайрат, фақру фано.

Алишер Навоий Симурғни идеал, яъни ҳамма нарсани тартибга солувчи куч сифатида намоён этади. Бу билан шоир «инсоннинг ўзида илоҳий куч тўпланган», деган фикрни баён этади:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил.

Бу дostonда шоир томонидан инсоннинг улуғлиги масаласи кўтарилади ва ҳар қандай хурофий тушунчаларга қарши чиқилади. Муаллиф ўзининг ҳаётсевар ғоявий қарашларини дoston таркибига кирган кичик ҳикояларида ҳам ифода этади. Хурофий тушунчалар ва урф-одатларнинг чаён захрига тенг эканлиги бангихаёл бир девона ҳақидаги ҳикояда тасвирлаб берилади.

Дostonдаги садоқат зикрида, таъмагирлик ва баттоллик, айёрлик ва ҳийлагарлик, худшиканлик ва худнамолик, валоят ва валитарошлик ҳақидаги ҳикояларда асосий ғоявий мақсадни турли тимсоллар ва воқеа-ҳодисалар, эпизодик лавҳалар воситасида баён этиш майли кузатилади.

«Лисон ут-тайр» дostonининг асосий образларидан бири – Худхуд. Худхуд кишилик жамиятидаги пир, муршид, ҳодий ва раҳнамо тимсолидир. Шоир бу образда энг доно ва сезгир, зукко ва раҳмдил мутафаккир шахс фазилатларини мужассамлаштирган. Худхуд ҳар бир қушнинг қалбини ҳол кўзи билан аниқ-равшан кўра олади. Шу боис уларнинг ҳар бирига ўзига муносиб муомала қилади. Унинг маънавий қудрати, кучи шунда кўринадики, қушлар унга ишонадилар ва ўзларини унга тўлиқ топширадилар.

Худхуд қушларнинг аввал бошдаги жанжалини кузатиб турган пайтидаёқ, руҳий покланишнинг етти машаққатли водийсини фақат ўттиз қушгина кесиб ўта олишини идрок этади ва шу боисдан ҳам афсонавий шохнинг номини «Симурғ» деб атайди. Бу худди инсонлар жамиятида пирнинг мурид танлашига ўхшайди. Заковатли устоз – пир шогирдининг нимага қодир эканлигини, илмнинг машаққатли йўлида қайси манзилгача етиб бора олишини аввал бошданок билади, аммо буни ҳеч кимга билдирмайди.

Алишер Навоий жуда гўзал ва юксак фазилатларга эга бўлган Худхуд тимсолида ўз даври нақшбандия тариқати йирик намояндаларининг типик портретини – қиёфасини мохирона ифодалаб беради.

Дostonда Шайх Санъон ҳикояти алоҳида ўрин тутди. Алишер Навоийнинг бу ҳикояси орқали шу нарса идрок этиладики, ишқ – бу

инсоннинг севгилиси муҳаббатини топиш йўлида ўзида бор бўлган барча қадрли нарсалардан воз кечиш ва бутунлай ўзини маҳв этишидир. Шу тўғриси ҳам Навоий тасвирлаган Шайх Санъоннинг эътиқоди дин эмас, балки ишқдир. Дин эса ошиқнинг катта ишқни ҳис этиш йўлидаги тарбия воситасидир.

Шайх Санъон шарқ адабиётида машҳур бўлган образлардандир. Баъзи маълумотларга кўра, у тарихий шахс бўлиб, XI-XII асрларда яшаб ўтган. Алишер Навоий бу образни ўзи мансуб бўлган тасаввуфнинг нақшбандия тариқати энг олий мақоми – ҳақиқатга эришиши, «фанофиллоҳ» даражасига етиши учун бошидан кечириши лозим бўлган барча синовларга дуч қилади. Шайх бу имтиҳонларни аъло даражада ўтади. У тарсо (христиан) қиз тимсолидаги Олий маҳбуб васлига етиш учун ўзининг яхши нафслари – нафси лаввомадан ҳам қутулади, иззат нафсини ҳам маҳв этади. Ёмон нафслар – нафси амморадан эса Шайх тарсо қизга муҳаббат қўйгунга қадар қутулган ва шу боис аҳли мўмин ҳурматига сазовор бўлган эди.

Алишер Навоий бу ҳикояда солиқлар тарбияси масаласига ҳам эътиборини қаратади. У пирни тарсо қиз даргоҳида қолдириб, Каъбага қайтиб кетган муридларни маломат қилади. Пирнинг бағоят ихлосманд, хулқи камолга етишган муриди тилидан «пир нима билан машғул бўлган бўлса, сиз ҳам шу нарса билан машғул бўлмоғингиз лозим эди, пирга ихлос ва садоқатингизни янада кўпроқ намоён этмоғингиз лозим эди», деб айтади.

Достондан ўрин олган бу ажойиб ҳикоя бевосита Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий дунёқараши ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Шайх Санъон образи эса шоир бутун эпик ва лирик ижодиётида яратган комил инсонларнинг тимсолини яна биттага қўпайтиради.

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонига ўз даври реал ҳаёти масалаларини, яхши ва ёмон хулқли замондошлари фаолияти, феъл-атворини тасвир этувчи ҳикояларни ҳам киритади. Бу восита билан у ўзи яшаган муҳитнинг бир қатор иллатларини ўткир сатира ва ажойиб юмор билан танқид қилади. Юқорида тўхталиб ўтилганидек, ахлоқ ва бефаросат боғбон, дангаса ва ҳаёлпараст дарвеш, лаълни эшакмунчокдан фарқлай олмайдиган сохта жавҳаршунос, баднафс ва беқаноат полвон, чопонига олтин тангаларни тикиб сувга ғарқ бўлган очкўз ва жоҳил шахс тимсоллари воситасида шоир феодал муҳитининг айрим иллатларини фош этади.

«Лисон ут-тайр»даги ажойиб ҳикоятлардан бири – Мажнун ул-Ҳақ ҳақидаги ҳикоятдир. Бу ҳикоят халқ латиғаси асосида яратилган.

Мажнун ул-Ҳақ лақабли Аллоҳ таолога дўстлик даъвосида бўлган бир киши сахро саёхатига чиқади. Йўлда ёмғир ёғади ва девона эшагини сахрога қўйиб юбориб, унга қараб туришни Худодан илтимос қилади ва ўзини панага олади. Кўзи уйқуга кетган девонанинг устидан чакка ўтиб уйғонади. Сахрога чиқиб, қоронғуда эшагини топа олмайди ва уни йўқотиб қўйгани учун Худодан аразлаб, унга аччиқ-аччиқ гинакудурат тошларини отади. Шу пайт чакмоқ чақади ва девона шу яқинда ўтлаб юрган эшагини кўради. Унинг кайфияти бирдан ўзгаради. Аҳволидаги қахру ғазаб ўрнини пушаймонлик ва шарму ҳаё ҳисси қоплайди. Энди у содиқ дўсти бўлмиш Худога дилдорликлар қилиб, уни бисотида бор бўлган энг гўзал сўзлар билан алқайди. Шоир қалби пок девона самимиятини ниҳоятда мароқли ҳикоя қилиб беради.

Достон арузнинг рамали масаддаси маҳзуф баҳрида ёзилган:

Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлаган зийнат била.

- v - - / - v - - / - v -

- v - - / - v - - / - v -

фоилотун/ фоилотун/ фоилун.

Достон 176 кичик боблардан иборат. Матншунос олим Ш. Эшонхўжаев унинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, нашр эттирган. Достоннинг насрий баёни эса адабиётшунос олим Ш. Шарипов томонидан амалга оширилган ва нашр этирилган. Ўзбек адабиётшунослигининг атоқли намояндаларидан Е.Э. Бертельс, В. Зоҳидов, Н. Маллаев, Б. Валихўжаев, А. Ҳайитметов, Ш. Шарипов, Н. Комилов, С. Олимов, И. Ҳаққулов илмий тадқиқотларида достоннинг ғоявий-бадий, маърифий-таълимий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

«Лисон ут-тайр» достони туркий тилда ёзилган бўлса-да, унга Навоий «Фоний» деб тахаллус қўйган. Достоннинг «Бу китобда тахаллус тағйирининг узри» деб номланган бобида бунинг сабаби баён этилади. Шоир, аввало, достон тасаввуф ва илоҳий ишқ мавзуида бўлгани боис, сўнг эса муаллифнинг бу достонни ёзишдан мақсади ўзи ҳам ўткинчи дайрда наво тузиб, навосоз бўлиб юришни эмас, худди ўттиз қуш мисоли ўзлигидан кечиб, «фоний», «фанофиллох» бўлишни орзу қилганлигини ифода этишдан иборат эди. Бу мазмунда шоир шундай сатрларни келтиради:

Бу рақамда Фоний айларда лақаб,
Мусталиъ бўлғонга айтурмен сабаб,
Ким бу дафтар назмидин кулли мурод,

Чунки маржеъ майли эрдию маод,
Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом,
Фоний андин топти назмим ихтимом.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг эпик шеърляри мисолида фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, балки мусулмон маданияти ёйилган Шарқ адабий-маданий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлган бу асар шоир ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий қарашларини давом эттиради ва маълум даражада яқунлайди. Бу асар ўрта аср фалсафий-ижтимоий фикрлари тараққиётига самарали таъсир кўрсатганлиги боис ўзбек адабиёти тарихининг нодир ёдгорликларидан бири бўлиб қолади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонининг асосий ғояси нимадан иборат?
2. Шайх Санъон нега тарсо қизга бўлган муҳаббатини элдан пинҳон тутмади?
3. «Лисон ут-тайр» нима сабабдан илмий-маърифий достон дейилади?
- 4.

Зарурий адабиётлар:

1. Валихўжаев Б.Н. Ўзбек адабиёти тарихи. XV аср иккинчи ярми. Самарқанд: СамДУ, 2002.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. I китоб. Тошкент: «Маънавият», 1996.
3. Султонмурод Олим. Мунда фоний бўлмай иш ўлмас тамом... //
4. Шарипов Ш. «Лисон-ут тайр»
5. Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлғайсен нақшбанд... Тошкент: Давлат Адабиёт Музейи, 2001.

ХОТИМА

Мустақил Ўзбекистон давлати маънавий сиёсатининг асосини ташкил этувчи ғоялардан бири бўлмиш комил инсон тарбияси ҳақида сўз юритар экан, Президент Ислом Каримов шундай дейди: «... биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси, деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».

Маънавий етук инсонни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги даврда буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодидаги маърифий ғоялар, панд-ўғит ва йўриқномалар биз учун мукамал дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон мумтоз адабиётининг йирик вакилларидан бири Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, жумладан поэтик мероси ҳақида Шарқ ва Ғарб адабиётшунослигида асрлар давомида қимматли мулоҳазалар айтилди, тадқиқотлар юзага келтирилди. Бироқ, шу билан бирга, буюк шоир ижодини характерлаш, уни баҳолаш соҳасида баъзи бир камчилик ва хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Чунончи, бундай камчиликлардан бири (албатта, услуб ва анъаналар билан боғлиқ ҳолда) Шарқ муаллифлари фаолиятида Алишер Навоий ижоди хусусида умумий мулоҳазалар айтиш билан чекланиш тарзида кўзга ташланса, Ғарбда эса шоир қалами оригиналлигини инкор этувчи хато сифатида бир муаллиф тилидан иккинчи муаллиф тилига кўчиб юриш тарзида назарга тушади.

Буюк шоирнинг ижодий мероси собиқ иттифоқ олимлари учун ҳам кенг фаолият майдони бўлиб келди. Унинг ҳаётий фаолияти, эпик ва лирик адабий мероси ҳақида катта-катта илмий тадқиқотлар юзага келтирилди. Аммо, бадиий ижодни синфийлик қиличи билан поралашдан иборат хато сиёсий тушов бўлиб олимларимиз узок йиллар санъаткор шоир ижодидан ёт ғояга мосроқ кўринувчи жиҳатларни ахтариб топишга вақт сарфладилар. Бу нарса эса шоир ижодини идеаллаштириш, нотўғри талқин қилиш каби хатоликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодини илмий, бадиийёт ва нафосат талаблари асосида ўрганиш кейинги йиллар мобайнида кучайди, янги бир босқичга кўтарилди.

Алишер Навоий лирикасини севимли қилган биринчи хусусият ундаги шеърларда инсон қалбининг, инсон онгининг, унинг фазилат

ва хислатларининг доҳиёна тасвирланишидадир. Навоий шеърларида инсон кадр-қиммати улуғланади. Ҳар бир ғазал ўқувчи қалбида меҳр-шафқат, раҳм-адолат уруғини экади. Ўқувчини ҳиммат ва инсонийлик, қаноатлилик ва бошқа олийжанобликлар руҳида тарбиялайди. Шоир девонларидаги ҳамд ва наът руҳида ҳамда орифона усулда яратилган шеърларда ўзининг тасаввуфий мулоҳазалари воситасида оламни ва инсонни улуғлайди. Унинг тасвирида инсон шунчалик улуғки, ҳатто, фалакнинг чароғи Қуёш ҳам унинг оёқларига юз суртмоқчи бўлади. Шоирнинг тасвирича, Макканинг Зам-зам қудуғи сувида ҳам инсон юзининг шўъласи мавжуд. Алишер Навоий тасаввуф руҳида ёзган шеърларида Фаридуддин Аттор, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий, Нуриддин Абдураҳмон Жомий таълимотларига эргашади ҳамда ўз фикрларини ўта санъаткорлик билан оригинал байтларда дарж этади. Алишер Навоийнинг дунёқарашига кўра, адабий тафаккур инсон жисмоний ва руҳоний покланиш орқали кўлга киритадиган бойликдир. Навоий инсон мавжуд моддий оламнинг ўзида ҳам ана шу бойликни кўлга киритиши мумкин деб ҳисоблайди. Бу унинг кўпчилик сўфийлардан ажратиб турадиган томонидир. Бунинг учун эса инсон ўзлигини таниши керак, оламни таниши керак, акс ҳолда, «Садди Искандарий»да тасвирланганидек, ўзи океанда яшаб сув ахтариб ҳалок бўлган балиқлар ҳолига тушади.

Алишер Навоийнинг кўпгина шеърларида олий ҳақиқат, мукаммал адолатга эришиш ғояси олға сурилади ва бадиий ҳал қилиб берилади. Навоий бундай шеърларида инсоний кадриятлар тасвирига ҳам гўзал байтлар бағишлайди. Масалан, шоир ўзининг ана шундай шеърларидан бирида шахс эрки масаласини кўтариб чиқади ва уни ҳар томонлама бадиий ҳал этади:

Қушқа юнг маскан аро хушроқдурур озодлик,
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.

Мутафаккир шоир эркинлик шахсининг ўз ватанида бўлганидагина кўлга киритилади, дейди. Бунинг учун инсон ижтимоий-сиёсий эркин бўлиши билан бирга руҳий жиҳатдан ҳам пок бўлиши лозим. Шоир девонларида шундай шеърлар ҳам борки, уларни ҳасби-ҳол шеърлар деб аташ мумкин. Бироқ, бундай шеърлар тор қобикқа, шахсий алоқалар доирасидаги мулоҳазалардан иборат бўлмасдан, биринчидан, кенг ижтимоий-фалсафий, бадиий план асосида яратилган бўлиб, ғоятда юксак нафосат жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Бунга шоирнинг «Қосидеким ёрдин бир сўз ривоят айласа...»,

«Эй кўнгул, келким иков бўлиб нигоре кўзлали...», «Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат этти ёр...», «Кўнглума ёр истабон меҳнат келурин билмадим...» каби шеърларини киритиш мумкин.

Хуллас, Алишер Навоий томонидан тартиб берилган девонлар XV асрдаги Хуросон ва Мовароуннахр адабий ҳаётида катта воқеа бўлди. Чунки, бу девонларга кирган шеърларнинг мавзу доираси, ғоявий-бадий хусусиятлари Навоийгача тартиб берилган девонлардан ажралиб турар ва қатор фазилатларга эга эди. Шундай экан, мазкур қўлланма Алишер Навоийнинг бадий-эстетик ҳамда ижтимоий-фалсафий қарашларини ўз ичига қамраб олган шоир лирикасига бағишланиши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Навоий ўзининг барча асарлари қатори эпик шеъриятида ҳам мутафаккир олим ва давлат арбоби сифатида давлатчилик асослари, тараққиётга юз тутган жамият муаммолари, унда инсон ҳуқуқи масалалари, «хавосу авом» - подшоҳу раият, барча синф ва тоифадаги инсонлар тарбияси борасида донишмандона фикр юритади.

Навоий ўрта асрнинг ўзига хос муҳитида яшаб ижод этди. У яшаган давр ренессанс, яъни инсон гўзаллиги ва мукаммаллигини кашф этиш даври эди. Ташқи кўринишдан ниҳоятда мукаммал яратилган инсоннинг ички дунёси ва шу ички дунёни ифодаловчи тили ҳам гўзал бўлиши лозим эди. Шу боисдан ҳам шеърият бу даврнинг руҳиятига айланган эди. Навоий инсониятни маърифатлантирувчи ўлмас дostonлари билан ана шу романтизм шароитига ҳаётий реалистик оқимни олиб кирди ва шеъриятни ўз даврининг фаол, курашчан, инсонпарвар кучларидан бирига айлантирди. Хуросон вазири аъзами Алишер Навоий учун айнан шу нарса керак эди. Шоир ижодининг умрбоқийлиги ва умумбашарийлиги ҳам унинг етукликка интилган инсон ва жамият муаммоларини кўтариб чиқишида, бу муаммоларнинг бетакрор асарларда ажойиб ечим топишида намоён бўлади. Шу жиҳатдан буюк Алишер Навоий серқирра ижодини чуқур ўрганиш, бу бебаҳо хазинага тинимсиз мурожаат этиш ёш авлод маънавиятини бойитади, уларни замонасининг тўғри фикрловчи, онгли ва тоза виждонли кишилари сифатида шаклланишлари учун хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

Муқаддима

I. АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

Алишер Навоий лирик меросини ўрганиш тарихидан

Алишер Навоий лирикаси

Алишер Навоий ва замондош шоирлар ижоди

Мавлоно Лутфий шеърляти

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодий ҳамкорликларига
доир

Алишернинг ёшлиги ғаройиботлари

Алишер Навоий Самарқанднинг азиз фарзанди

Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий фикрлари

Навоий лирикасида ижтимоий масалалар талқини

Навоий лирикасида ишқ-муҳаббат мавзуси

Навоий шеърляти ва мусиқа

Навоий ва туркий шеърлят тараққиёти

II. НАВОИЙ ЭПИК ШЕЪРЛЯТИ

Алишер Навоий «Хамса»си яратилиши арафасида Хуросон
ижтимоий-маданий муҳити кўринишлари

Алишер Навоий «Хамса»си ва шарқ хамсачилиги анъаналари

Низомий ва Навоий «Хамса»ларининг услубий хусусиятлари

Навоий «Хамса»сининг кейинги давр ўзбек дostonчилигига
таъсири ҳақида

«Лисон ут-тайр» дostonи

Хотима

Мундарижа

Дилором Салоҳий

НАВОИЙ НАЗМИЁТИ
(ўқув қўлланма)

Самарқанд, “Zarafshon” нашриёти ДК, 2013. – 140 б.

Мухаррир: Хайрулло Ҳамро.
Мусахҳих: Гулнора Холдорова.
Саҳифаловчи: Сетора Ахтамова.

Нашриёт лицензияси АИ №153. 14.08.2013 й.
Теришга 11.11.2013да берилди.
Босишга рухсат этилди: 27.11.2013.
Офсет босма қоғози . Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16}.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт.т. 8.3. Шартли б.т. 8.75.
Адади 100 нусха. Буюртма 14/3.
Баҳоси келишилган нархда.

“Zarafshon” нашриёти Давлат корхонасида нашрга тайёрланди.
140100, Самарқанд, Амир Темури кўчаси, 12-уй.
Тел: (8366) 235-28-40
e-mail: zar-nashriyot@inbox.uz

“Nafis poligraf servis” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Самарқанд ш., Буюк ипак йўли кўчаси, 67-А уй.